

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАХАНОВ Ш.З.**

**БИОГЕОГРАФИЯ АСОСЛАРИ  
(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)**

**Наманган-2017**

**Жумаханов Ш.З., « Биогеография асослари » (маъruzалар матни)- Наманганд.:  
2017 100 бет**

Ушбу маъruzалар матнида ер шарида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг географик тарқалиш қониятлари ва табиатни муҳофаза қилишининг назарий масаларига оид тушунчалар келтирилган. Шунингдек, биосфера тўғрисидаги таълимот, популяциялар, ер шари табат зоналари флора ва фаунаси каби масалалар ёритилган.

Маъруза матни олий ўкув юртларининг география, биология йўналиши бакалаврлари, магистрлари учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**- г.ф.д. проф. Солиев А.С.**

**Тақризчилар:**

**-г.ф.н. доц. Назаров А.А.**

**-г.ф.н. доц. Боймирзаев К.М.**

Маъruzалар матни «География ва экология асослари» кафедрасининг 2017 йил 5-сонли баённомасида ва Наманганд давлат университетининг ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил феврал ойи йиғилишининг 2-сонли йиғилиши баённомасида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган.

**© Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махус таълим Вазирлиги**

**© Наманганд давлат университети**

**© Жумаханов Ш.З.**

**Наманганд-2017**

## **МАВЗУ-1. БИОГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ**

**•Фанинг ўқитилишининг аҳамияти ва предмети. •Биогеография фанинг қисқача ривожланиши тарихи . •Ернинг пайдо бўлиши ҳақидаги назариялар. •Ареаллар ҳақида тушуунча.**

Хозирги Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва табиий географик жиҳатдан ўрганиш объектив заруриятдир. Шу нуқтаи-назардан Биогеография фани ҳам ўқитилиши ва ўрганилиши керак. **Биогеография фани** – ўсимликлар, ҳайвонлар географиясини умумлаштириб ягона биогеография фанини, яъни ҳаёт географиясини вужудга келтирди. Биогеография фани ер шари юзасида ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг умумий тарқалиш қонуниятларини ўрганади. Бу фан типик организмларнинг ер юзасидаги географик имконларини ўзгаришига қараб уларнинг тарқалиши ҳамда ўзгариб боришини бир-бирига боғлиқлигини ва ҳар бир географик районни (ўзгаришига қараб) турларни мослашиш хусусиятларини ўрганади.

Ўсимлик ва ҳайвонлар грухси бир-бири билан доимий алоқада бўлади. Ўсимликлар дунёси ёки жамоаси (флора) ёки ҳайвонлар (фауна) шу муҳит учун органик оламни ташкил қилади. Шунинг учун биогеография фани жуда кўпгина фанлар билан алоқада бўлади. Жумладан, табиий география, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, экология, биценология, геоботаника каби фанлар бевосита узвий алоқада бўлади.

Биогеография фани тирик организмларни муҳитда жойлашиши, структураси, динамикаси, классификацияси ва келажакдаги ахволини аниқловчи фандир.

Хозирги замон биогеография фани бошқа фанларга нисбатан жуда ёш фан бўлиб, у биология ва география фанлари базасида вужудга келади. Факат биогеография фани методлари билангина органик оламни ер шарида тарқалиш қонуниятларини ҳамда ўзаро муносабатларини ўрганиш мумкин. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиши улар популяциясини саклаб колиш ва инсоният учун ҳаётий зарурият озиқ-овқат уларнинг базасини яратиш учун зарур.

Ҳаёт шакллари биосфера қисмларида ҳар-хил таркалган. Биосфера - атмосферада, литосферада, гидросферада жойлашган бўлиб, унинг умумий диаметри 20-30 км.ни ташкил қилади. Лекин ҳаётни энг қайнаган зарур жойи ер шарини 100 м диапазонини ташкил қилади. Ер шаридаги тирик организмлар 2,4 триллион тоннани ташкил қилади. Ер шарининг бошқа қисмлари билан солиштирадиган бўлсак атмосфера массасига нисбатан 2150 марта кам. Атмосферанинг оғирлиги  $10 \cdot 5^{15}$  кватриллион тоннани ташкил қилади. Пароход қандай босимда сузса, самолёт ҳам зич ҳавода шундай сузид юради.


Ер шарининг гидросфера қисми 1,5 квинтриллион тонна, тирик организмимга нисбатан 600 мартаға кўп. Масса жиҳатдан куруқликнинг асосий массасини ўсимликлар ташкил қилади, 99,2%, яъни 2,37 триллион тонна ўсимликлар ҳисобига, 0,02 триллион тоннаси ҳайвонлар ҳиссасига, яъни 0,8% ни ташкил қилади.

Океанда биомасса куруқликдагидан фарқ қилади. Океанда ўсимликлар 0,0002 триллион тонна 3,3%, ҳайвонлар 0,0030 триллион тонна 93,7 % ни ташкил қилади. Океанда 160 минг тур ҳайвонлар ва 10 минг тур ўсимликлар учрайди. Океанда энг йирик ҳайвон сут эмизувчиларга (mamalia) синфига кирувчи кўк китлардир. Уларнинг оғирлиги 150 тонна бўлиб, узунлиги 35 м.га teng бўлади. Куруқликдаги энг катта ҳайвон Африка фили бўлиб, оғирлиги 5 тонна 700 кг. Энг баланд сут эмизувчи жирафа 5,86 метрни ташкил қилади. Энг тез чопадиган ҳайвон геопард бўлиб, 1 соатда 170-180 кмни ташкил қилади. Энг оғир тухум 1 кг, узунлиги 20 см, диаметри 15 см. ga teng тяқуш тухумидир. Дунёдаги энг баланд дараҳт секвойядендрон 155 м. Эвкалинт-120 м.

**Биогеография** фанинг ўрганиш методи асосан ўсимликлар флораси ва ҳайвонлар фаунасини ўрганиш методларига асосланган. Ҳар иккаласи биргаликда биододлар дейилади,

хосил қилингандык масса **биота** дейилади. Демак, биогеографияның асосий мақсады биотаниң тарқалиш қонуниятлари ва уларни рационал фойдаланиш экологик ҳаётни яхшилашдан иборат.

**Опарин назарияси** - Ҳаёт дастлаб сувда пайдо бўлиб, буни лабораторияда аниклаш мумкин. Сувни таркибида  $\text{Ca}_2\text{O}$ , S, N,  $\text{O}_2$ , H, C каби элементлар бўлади, булар юкори температурада ўзаро бирикиб  $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{H}_2\text{S}$ ,  $\text{NA}_3$ ,  $\text{CO}_3$ ,  $\text{CH}$  хосил қилган. 2 босқичда  $\text{H}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{HNO}_3$  моддалари хосил бўлади. Булар яна ўзаро бир-бiri билан бирикади.



### Биогеография ва экология асослари фанида фойдаланилдиган услублар

Биогеографик ва экологик илмий-тадқиқот ишларда кўпинча тасвирий, таққослаш, тажриба ҳамда экосистемаларни моделлаштириш услубларидан фойдаланилади. Тасвирий, таққослаш ва тажриба услублари деярли барча биологик фанлар фойдаланадиган услублардир. Аммо моделлаштириш услуби биология ва экологияга энди кириб келаётган услублардан ҳисобланади. Шунинг учун ушбу услуга ҳақида бир оз маълумот беришга ҳаракат қиласиз. Биологияда моделлаштириш тузилишларни, физиологик функцияларни ҳамда эволюцион ва экологик жараёнларни ва шунга ўхшашларни соддалаштириш йўли билан ўхшатиш маъносида умумлаштириш, динамик ёки статик ҳолатларда намойиш этувчи ёки тасаввур хосил қилувчи тадқиқот услубидир.

Биз популяциялардаги мураккаб ҳодисаларни математик моделлар ёрдамида ўрганмоқчимиз, яъни популяцияларнинг динамик назарияси билан танишмоқчимиз. Бу ерда популяциянинг миқдорий динамикаси унинг жинсий ва ёш тузилмаси, ташки муҳит таъсири, эволюциянинг ҳар хил омиллари таъсирида ўтадиган генетик шакл ва одамзод фаолияти натижалари билан боғлаб ўрганилади. Жонсиз оламда динамик жараёнлар жуда кўп учратилади. Уларни моделлаштириш ҳам осон. Аммо тирик организмлар учун динамик моделлар яратиш нисбатан анча қийин. Шунинг учун динамик моделлар яратишдан аввал статик моделлар билан шуғулланилган. Ўсимлик баргларининг жойланиш тартиби ёки моллюска чиганоқларининг бурма (спираль) қизиқлар қонунияти ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилиш статик моделлаштиришга мисол бўлади.

Динамик моделлар шахснинг ўсишига оид бўлиб, уларни 1831 йилда бельгиялик олим **Адольф Кетлс** тузган эди. Модель воқеликни аниқ акс этириши, унинг келиб чиқиши қонуниятларини сақлаб қолиши керак. Модель тузилгандаги мушоҳада, олинган моделларнинг бир-бiriiga ўхшаши жуда кўп ҳодисаларнинг маъносини очишга, уларни таҳлил қилишга имкон берадиган даражада бўлиши лозим. Модель тузганда биз индивидларнинг туғилиш ва тирик қолиш механизмларини популяциялардаги ички алоқаларга боғлашимиз, популяция кўрсаткичларини эса биотик ва абиотик муҳит орқали аниқлашимиз керак. Бундан ташқари, индивидларнинг генетик хусусиятлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, табиатда бир жинсли популяция йўқ. индивидлар генотипи насллар сонига, кўпайиш жараёнига катта таъсир кўрсатади. Демак, популяциянинг ҳар бир групни ўзига хос кўпайиш кўрсаткичларига эга бўлади. Бу омилларни ҳисобга олмай туриб тўғри модель тузиш мумкин эмас. Математик моделлаш биологик ҳодисаларни аниқ шарҳлаш ва келажак тадқиқотлар режасини тузишда қудратли омил сифатида катта аҳамиятга эга.

**Биогеография фанининг қисқача ривожланиш тарихи.** Тирик организмлар ҳаётининг ташки муҳит билан боғлиқлиги ҳақидаги фикр қадимдан маълум бўлган. Антик

даврда яшаган файласуфларнинг асарларида ҳайвонларнинг турли ғаризалари (инстинктлари), балиқлар ва күшларнинг миграциялари, ўсимликларнинг ташки қиёфаси тупроқ ва иқлим шароитлари билан боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Уйғониш давридаги ишларда ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилишлари яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

XVII—XVIII асрлардаги экологик маълумотлар тирик организмларнинг айрим гурухларини ўрганишга қаратилган эди. XVIII асрда Россия ўлкаси бўйлаб ўтказилган саёҳатлар натижаларига асосланиб, кўпчилик сайёҳлар (**С.П.Крашенинников**, **В. И. Лепехин**, **П.Г.Палласлар**) ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси иқлиминг ўзгаришига қараб ўзгариши ҳақидаги фикрларни ўз асарларида баён этганлар. **Ж.Бюффон** (1707—1778)нинг ишларида ҳайвонларнинг тузилишига ташки муҳитнинг таъсири масаласи кўтариленган эди. **Ж. Б. Ламарк** (1774—1829) дастлабки эволюцион таълимотни ўртага ташлади ва ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг эволюцион ўзгаришларида энг муҳими— ташки муҳит таъсири деб ҳисоблади. XIX асрдаги экологик маълумотлар (**А.Гумбольдт**, 1769—1859) ўсимликлар географиясида янги экологик йўналишни келтириб чиқарди.

Иқлим таъсири туфайли ҳайвонлар биологиясига ва тарқалишига бағишлиланган ишлар ҳам вужудга келди. К.Ф.Рулье (1814—1858) ўз тажрибасини ҳайвонларнинг атрофини ўраб олган ташки муҳит ўртасидаги мураккаб муносабатларни ўрганишга қаратди. 1859 йилда Ч.Дарвин «Табиий танлаш йўли билан турларнинг келиб чиқиши» асарида табиатдаги яшаш учун кураш, яъни тур билан муҳит ўртасидаги ҳар қандай қарама-қаршиликларнинг кўринишлари табиий танлашга олиб келади ва эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучидир деб карайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида экология фани ўсимликлар ва ҳайвонларнинг иқлим омилларига мосланишларини ўрганиш билан машғул бўлди. А.Н.Бекетов, (1825—1902) ўсимликларнинг ички ва ташки тузилишларидаги хусусиятлари, уларнинг географик тарқалиши билан боғлиқлиги ҳамда физиологик усусларнинг экология учун аҳамияти катта эканлигини кўрсатди. Ана шундай ишлар ҳайвонлар ҳаёти мисолида А.Ф.Миддендорф томонидан ўрганилди. 1877 йилда немис гидробиологи К. Мёбиус биоценозлар ҳақидаги у тасаввурларни асослаб берди. Жамоаларни ўрганиш турли услублар билан бойиди ва ўсимликлар жамоаси (фитоценология) ўсимликлар экологиясининг мустақил соҳаси сифатида ажralиб чиқди. Ўсимликлар жамоаси ҳақида Г.Ф.Морозов ва В.Н.Сукачев батафсил фикр юритиб, бу соҳага асос солдилар. В.Н.Сукачев, Б.А.Келлер, В.В.Алехин, В.Г.Раменский, А.П.Денников, хорижда Ф.Клементес, К.Раункиер, Т.ДюРие, И.Браун-Бланке ва бошқалар умумий биоценологиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. 30-40-йилларда ҳайвонлар экологияси бўйича умумкӣ экологияннинг назарий масалалари билан биргалиқда янги маълумотлар тўплана бошланди. Умумий экологиянинг ривожланишида Д.Н.Кашкаровнинг 1933 йилда чоп қилинган «Муҳит ва жамоа» деган асари кейинчалик «Ҳайвонлар экологияси асослари» номи билан биринчи ёзилган дарслик бўлиб қолди. 30- йилларда экологиянинг янги тармоғи ҳисобланган популяцион экология вужудга келди. Унинг асосчиси инглиз олими Ч. Элтон ҳисобланади.

Эволюцион ва экологик масалаларни ўз ичига қамраб олган эконеша, яъни табиатда турнинг яшаси учун зарур бўлган муҳитнинг барча омиллари йиғиндиси ҳақидаги тушунчалар ғарб олимлари Ж.Гриннелл, Ч.Элтон, Р.Макартур, Д.Хатчинсон, Г.Ф. Гаузеларнинг хизмати туфайли фанга киритилди. Ҳайвонларнинг морфологик ва эволюцион экологиясини ривожлантаришда М.С.Гиляров, С.С.Шварцлар катта ҳисса қўшдилар. И.С. Серебряков томонидан гулли ўсимликларнинг ҳаёт шакллари таснифоти ишлаб чиқилди. 40-йилларнинг бошларида табиийсистемаларни ўрганиш жараёнида янги йўналиш келиб чиқди. **1935 йили инглиз олими А.Тенсли экосистемалар, 1942 йилда эса В.Н.Сукачев биогеоценозлар** ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар. 50- йилларнинг бошларида Г. Одум, Ю.Одум, Р. Уитеккер, Р.Маргалеф ва бошқалар биологик маҳсулдорликнинг назарий асосларини яратиш борасида иш олиб бордилар. Экосистемали таҳлилнинг ривожланиши биосферани янги, яъни экологик асосда ўрганиш имконини яратди. Биосфера хадидаги

таълимот XX асрнинг йирик табиатшунос олими В. И. Вернадский номи билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда «Инсон ва биосфера» мавзуидаги халқаро илмий-тадқиқот ишлари табиат билан жамият ўртасидаги асосий қонуниятларни янада чукурроқ ўрганишга қаратилган.

### **Назорат учун саволлар**

1. Биогеография фанининг ўрганиш обьекти ва предметини тушунтиринг?
2. Биогеография фанини ўқитишдан мақсад ва мазмун нимада деб ўйлайсиз?
3. Биогеография фанини тадқиқот усувларини тушунтиринг?
4. Ерни пайдо бўлиши хақидаги назариялар мазмунини тушунтиринг?
5. Ареаллар нима ва уни узилиб қолиш сабабларини тушунтиринг?

### **Таянч иборалар**

Биогеография, геоботаника, генетика, географик тарқалиш, тадқиқот усувлари, Опарин назарияси, Космополит, эндем, палеоэндем, неоэндем ареаллар, ареалларни узилиши, биомасса.

## **МАВЗУ-2. МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ МАРКАЗЛАРИ.**

Режа:

1. Ареаллар хақида тушунча
2. Ареалларнинг узилиб қолиши
3. Ареалларнинг узилиб қолишига таъсир этувчи олимлар
4. Маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш маказлари.

**Ареаллар** хақида тушунча - мавжуд организимларнинг турлари ер шарининг маълум бир нуқтасини ёки майдонини эгаллади. Шу турнинг экологик шароитга чидамлилигига, биологик валентликнинг юқорилигига қараб айrim турлар катта майдонни, айримлари кичик майдонни эгаллади, яъни имкониятларига қараб, яшаш учун кураш асосида хар-бир тур ўз майдонини кенгайтиришга ҳаракат қиласди. Демак, хар қандай турнинг, туркумнинг, оиланинг ер юзида эгаллаган майдони унинг ареали дейилади.

Ҳозирги замон фанига 500 минг ўсимликлар тури, 1,5 миллион ҳайвонлар турлари маълум бўлиб, улар ер шарининг турли географик нуқталарида литосфера, гидросфера ва атмосферада яшайди. Турларнинг тарқалган майдони, яъни ареалининг катта-кичиликлиги тутаҳ ёки туташ бўлмаганлиги ва майдонининг шаклига қараб бир қанча группаларга бўлинади:

**I. Космополит ареаллар** - космополит турлар ер шарининг жуда катта қисмини (ярмини ва ундан кўпини) эгаллаган ва тарқалган турлар хисобланади. Улар ҳозирги замон иқлим шароитига яхши мослашган турлар хисобланади. Масалан, шўра, жағ-жағ, қоқиўт, қамиш ва ҳоказолар. Ҳайвонлардан балиқлар, ҳашоратлар, айникса чивинлар ҳамма жойда тарқалган.

**2. Эндем ареаллар** – бундай ареалга кирувчи турлар ер шарини жуда кичик нуқтасида учрайдиган турлар киради. Масалан, Эльдар қарағайи 50 гектар майдонда фақат Грузияда бор холос. Ёки Камчатка пихтаси фақат Камчаткада учрайди холос. Ўзбекистон худудида тоғларда тоғ сағизи ўсимлиги бор, бу ҳам Ўзбекистон учун эндемикдир.

Эндем турлар дунёнинг айrim нуқталарида, айникса ороларда кўплаб учрайди. Масалан, Гавай оролида Ўсимликларнинг 90% эндем турлар. Мадагаскар оролида эса 87 % турлар, Янги Зеландияда 75 % турдаги ўсимликлар эндемик хисобланади.

Бу ҳудудларда эндемизмнинг қучлилигига сабаб, иқлимининг ўзига хослиги ва бу ороллар бошқа ороллардан кескин ажralиб қолганлигидадир. Бу ерда хосил бўлган янги

турлар узок давр мобайнида бошқа жойларга тарқалиши қийин бўлган. Фақатгина айрим турларнинг бошқа жойларга тарқалишига антропоген таъсир ёки қушлар миграцияси орқалигина тарқалган. Масалан, қутуб крачлари 30 минг км. йўл босади. Эндем турлар ҳайвонларда ҳам кучли бўлади. Айрим тоғ шароитларида, баландлик минтақаларида мавжуд бўлгани учун жуда кичик масофада иқлим ўзгариб кетади. Шунинг учун у ердаги ўсимлик ва ҳайвонлар турлари ҳар-хил бўлади, буни **викаризм** дейилади.

Эндем турлар ўз навбатида 2 груплага бўлинади:

### **1. Палеондем.**

### **2. Неоэндем.**

**Палеондем** - организмлари авваллари ёки қадимда жуда катта худудни эгаллаб, гуллаб-яшнаган организмлар ҳисобланади. Кейинчалик, иқлим шароитлари ўзгариши туфайли қирилиб кетиб, ер шарини жуда оз қисмида сақланиб қолган организмлардир. Масалан, тисса, каштан, саговниклар, гинколар, магноиялар, ёнгоқ. ва х. Бундай эндем организмлар кейинги пайтда инсон таъсирида маданийлашиб кенгайтирилмоқда.

**Неоэндем** – эволюцион процессда янги пайдо бўлган организмлар бўлиб. Булар ҳали янги-янги нуқталарга энди тарқалаётган эндемлардир. Буларнинг имкониятлари катта, келажақда янги майдонларни эгаллаши мумкин. Бундай эндемларга наматак, атиргул ва бошқалар киради.

Ареалларнинг катта-кичклигига қарамасдан жойланиш хусусиятига қараб узлуксиз ва узилган ареалларга бўлинади. Маълумки, яхлит майдонда ёки ораси катта бўлмаган бир неча майдонда учрайдиган турлар узлуксиз ареални ташкил қиласди. Буларни шакли думалоқ, эллипс шаклида, узунчоқ лентасимон шаклда бўлиши мумкин. Масалан, дарёларни бўйидаги организмлар лентасимон шаклда, Фарғона водийсидаги ареаллар думалоқ шаклларда тарқалган.

Организмланинг маълум турлари ер шарининг қуруқлик қисмида яхлит бир жойида учрамасдан бўлиниб бўлиниб бир неча жойларда учраши мумкин. Улар оралғидаги масофалар айрим турларпга қиска, айрим турларда узок масофаларни эгаллаши мумкин. Ҳатто, бутунлай бир китъя билан иккин чи китъанин маълум жойларида учраши мумкин. Турларни анна шундай бир бирдан узилиб бир неча жойларда учраши ареалларнинг узилиб қолиши деб аталади.

Ареалларнинг узилиб қолишига бир неча омиллар таъсир кўрсатиши мумкин, дастлаб яхлит бўлган ареаллар турли шароитларга кўра вақт ўтиши билан икки ёки ундан кўп қисмларга ёки худудларга бўлиниб кетиши мумкин ва бу худудлар вақт ўтиши билан мустақил ареалларга ажралади.

Ареалларнинг узилиб қолишига:

- иқлим шароитнинг ўзгариши. Масалан, шимолий кутбдаги ўсимликлар, экваториал ўсимликлардан фарқи.
- турли геологик жараёнлар натижасида қуруқликнинг айрим қисмлари денгиз тубига чўкиб кетиши натижасида яхлит ареаллар узилиб қолиши мумкин

Бу хақда Немис олими Вагенер (1912) ва АҚШ лик олим Тайлорлар ўзларининг Литосфера тўғрисида назариясини олга сурадилар. Бунга кўра қуруқлик дастлаб яхлит бўлиб сув остида бўлган . Паллазой эрасининг юра даврига келиб , номалум сабабларга кўра шу яхлит литосфера сув остидан кўтарила бошлаган . Натижада, атрофини сувлик ўраган қуруқлик вужудга келган , Ер шарининг ўзи ўқи атрофида айланиш ва марказдан қочма куч тасирида у аста секин бир неча бўлакларга ажраган. Шундай қилиб, бу жараён натижасида Тошкўмир даврига келиб, жанубда Австралия ва Антарктида, Америка эса ғарб томон узоқлашиб борган. Бундай бўлинишлар бир неча миллион йиллар давом этган. Натижада Евроосиё материгидан Шимолий Америка, Африкадан Жанубий Америка материклари ажралиб чиқсан деб аталган назарияни яратади. Бу жараён ҳозирги кунда Гренландияда давом этётганлиги юқоридаги назариясини маълум даражада тасдиқлайди.

•**Антропоген таъсир.** Инсон таъсирида кўплаб, тирик организмлар турлари онгли ва онгли бўлмаган ҳолда бир худуддан, иккинчи худудга олиб ўтилган. Ҳозирги вақтда

фанга маълум бўлишича Европадан шимолий америкага 175 турб американадан европага эса 50тур келиб қолганлиги маълум ёки австралияга европадан 58 тур, шимолий amerikadan 18, африкадан 42 тур жанубий американадан 22 тур, осиёдан 2 тур ўсиликлар австралияга келтирилган. Демак, инсон фаолияти туфайли биринчи мамлакатдан иккинчисига ўсимлик ва ҳайвон турларини тарқалишига таъсир кўрсатилган. Инсоннинг онгли фаолияти натижасида хозирда Дуне мамлакатларида қўриқхоналар, ҳайвонот боғлари, тажриба станциялари, миллий боғлар, яъни маҳсус табиий ҳудудлар ташкил этилган. Масалан, Елустон, Корбет, Канна, Массаимари, Серингети.

•**Ўсимлик ва ҳайвонларнинг табиатда ўзлари** турли воситалар ёрдамида тарқалиши. Масалан, Автохтор, Анимахор, Гидрохор тарқалиши.

•**Организмларнинг насл қолдириши** ва яшовчанлик хусусияти. Организмларнинг қанчалик яшовчанлиги паст бўлса, бундай организмлар табиатда ниҳоятда кўп насл қолдириади. Масалан, шўра ўсимлиги, пашшалар, чивинлар, тараканлар. Организмларнинг яшовчанлиги қанчалик юқори бўлса, бундай организмлар табиатда ниҳоятда кам насл қолдиради. Масалан, фил. Ареалларнинг майдони қандай бўлишидан қатъи назар шу тур ўз ареалини имконияти даражасида кенгатиргач, маълум вақтгача у зонада ёки ҳудудда ўзгартирмай туради. Бундай ареаллар барқарор ареаллар деб аталади.

Хозирги замон биогеография фани турлар ареаллари ҳакидаги тушунчани мукаммал билиш учун уларнинг келиб чиқиши марказларини, яни шу турнинг ер шарида пайдо бўлган экологик жойини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Турларининг келиб чиқиши марказларини кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Биринчи бўлиб рус олими Н.Вавилов 1926 йилда, кейинчалик унинг шогирдлари Жуковский ва Синскаялар томонидан ўрганилган.

Н. Вавилов классификациясига кўра етти марказга:

1. **Жанубий Осиё тропик маркази-** хинди-хитой, жанубий хитой, жанубий шарқий осиё ороллари киради. Ушбу марказдан хозирги кунда фанга маълум бўлган мавданий ўсимликларнинг 1/3 қисми шу марказдан келиб чиқсан. Улардан шоли, шакарқамиш, ғалладошлар ва сабзавотларнинг айрим турлари.
2. **Шарқий Осиё маркази.** Шарқий хитой, кореа ярим ороли, Япония, тайван ороллари ва узоқ шарқ киради. Бу марказдан хозирги замон ўсимликларининг 20 %и келиб чиқсан. Масалан, соя, тарик, сабзавотлар.
3. **Жанубий-Фарбий Осиё:** ҳиндистон, кичик осиё, покистон, афғонистон, эрон ҳудудлари киради. Бу марказда асосан бошоқли ўсимликлар буғдой, ловия, ток ва бошқа резавор ўсимликлар ватани. 14%и маданий ўсимликлардан кеслиб чиқсан.
4. **Ўрта ер денгизи маркази.** Бунга ўрта ер денгизи атрофида жойлашган мамлакатлар киради. Барча маданий ўсимликларнинг 11%и шу марказдан тарқалган. Масалан, карам, лавлаги, зайдун ва ем-хашак экинлари.
5. **Абиссиния маркази.** Африканинг шимоли, арабистон ярим ороли, олд осиё киради. Маданий ўсимликлардан буғдой, жўхори, банан, тола берувчи нут каби ўсимликлар хисобланади. Масалан, финик палмаси.
6. **Марказий Америка маркази.** Америка қитъасининг маркази ва бир қанча вест индия ороллари киради. Бу марказ майдони кичик булишига қарамай кўплаб хозирги замон ўсимликлари, масалан, Ошқовоқ, помидор, ингичка толали ғўза, какао ва бошқалар.
7. **Жанубий Америка маркази.** Анд тог тизмаси ва унинг олди мамлакатлари киради. Бу марказда еости туганакли ўсимликлар масалан, картошка, наркотик ўсимликлардан тамаки, бўёқ берувчи хинин дараҳтининг маркази хисобланади. Айрим маданий ўсимликлар бирнечча марказларда келиб чиқсан бўлиб улар кенг маданийлашган. Масалан, пахта, шоли, қовун ловия. Улар кўп томирли маданий ўсимликлар хисобланади.

Айрим ўсимликлар борки- улар кўп марказлардан келиб чиқмасдан, маълум бир марказлардан келиб чиқсан ва энг муҳими уланинг ёввойи аждодлари йўқолиб кетган.

Хозирги кунда фақат маданийлашганлари қолган. Маккажүхори, зифир, анор, тарвуз каби ўсимликлар бир томирли ўсимликлар деб аталади. Жуковский ва Синскаялар 5 та марказ қўшиб жами 12 та марказ ажратишган.

1. Австралия
2. Потогания
3. Африка
4. Европа-сибир маркази
5. Ҳиндистон ярим ороли маркази

Олимлар индивидларнинг хозирги пайтда инсонга ҳизмат қилаётган турларини Яна бир қанча систематик гурухларга бўлиб ўрганадилар. Озиқ-овқат сифатида ишлатиладиган ўси мликларни энг қадимги экинлар қаторига буғдоғарпа, тариқ, гилос, узум, ёнғоқ, ўрик, банан, маккажүхори киради. Кейинчалик ўзлаштирилган ўсимликларга помидор, турп, лавлаги, шолғом кабилар киради.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ареаллар деганда нимани тушунасиз?
2. Ареаллар нима ва уни узилиб қолиши сабабларини тушунтириңг?
3. Ареаллар узилиб қолишнинг антропоген омил сабабларини тушунтириңг?
4. Ареаллар қандай шаклларда бўлади?
5. Ареаллар қандай турларга бўлинади?

### **Таянч иборалар**

Биогеография, геоботаника, генетика, географик тарқалиш, тадқиқот усуллари, Опарин назарияси, Космополит, эндем, палеоэндем, неоэндем ареаллар, ареалларни узилиши, биомасса.

## **МАЗУ-3. МУХИТ ВА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР**

**•Экологик омиллар ҳақида тушунча. •Абиотик омиллар. •Ўсимликларни ёргуликка бўлган муносабати. •Терморегуляция. •Ўсимликлар сув билан таъминланиши. •Сув муҳитидаги ҳаёт ва Океанларнинг экологик зоналари. •Биотик омиллар. •Антропоген омиллар. •Организмларнинг ҳаёт шакллари.**

Ерда ҳаёт пайдо бўлганига 1 миллиард 700 миллион йил бўлган деб фарауз қилинади. Шу давр ичида вужудга келган барча тирик организмлар ҳаёти доимо ташқи муҳит билан боғлиқ ҳолда қатор ўзгаришларга дуч келган. Ташқи муҳит кўпгина экологик омиллардан иборат. Бу омиллар одатда уч гурухга бўлиб ўрганилади: абиотик (ёки ўлик омил), биотик (тирик омил) ва антропоген (ёки инсон омили). Одатда экологик омиллар барча тирик организмларга бир вақтда комплекс равишда бевосита ёки воситали таъсир қўрсатади. Аммо бу омилларнинг ҳар бирининг таъсирини аниқроқ, яхшироқ тасаввур этиш учун улар алоҳида-алоҳида олиб ўрганилади. Организмнинг теварак атрофини ўраб олган ва воситали ҳамда воситасиз таъсир этувчи бу омиллар йиғиндиши шу организмнинг яшаш муҳитини ташкил этади. Демак, муҳит экологик тушунча бўлиб, кўпроқ география фанларида қўлланилади, экологик омил эса биологик тушунчадир. Экологик омил тушунчаси ташкил муҳит тушунчасига нисбатан бирмунча торроқ маънога эга бўлиб, муҳитнинг айрим унсури хисобланади, Экологик омил хиллари қўйидаги жадвалда кўрсатилган (1-жадвалга қаранг).

Муҳитнинг айрим экологик омиллари ҳар бири биргаликда яшаётган

организмларнинг барчаси учун ёки ҳар хил турлар учун турлича таъсир этиши мумкин ва турлича аҳамият касб этади. Масалан, тупроқдаги тузлар миқдори ва таркиби ўсимликларнинг озиқланишида муҳим аҳамиятга эга бўлса, ҳайвонлар учун унинг аҳамияти унча катта эмас. Ёки қишки кучли шамоллар очик ҳавода яшовчи иирик ҳайвонларга салбий таъсир кўрсатса, инида ёки қор остида яшовчи кичик ҳайвонларга деярли таъсир этмайди ва ҳоказо. Аммо шуни айтиш керакки, экологик омилларнинг организмга таъсир этиш характери қанчалик хилма-хил бўлмасин уларнинг барчаси учун қуидаги бир неча умумий қонуниятларни кўрсатиш мумкин.

## 1- жадвал

### Экологик омил хиллари

Абиотик омиллар	Биотик омиллар	Антропоген омиллар
<p>1. Икlim омиллар (ёруғлик, ҳарорат, намлиқ, шамол, атмосферадаги газлар босими, CO<sub>2</sub>).</p> <p>2. Эдафик-тупроқ омили(тупроқнинг табиий, кимёвий ҳамда бошқа хусусиятлари).</p> <p>3. Рельеф-орографик омил(денгиз сатҳидаги баландлиги, экспозиция ) кабилар).</p> <p>4. Геологлк ёки тарихий омил (ер қимирлаши, вулканлар отилиши, емирилиш, музилкларнинг силжиши ва бошқалар).</p> <p>5. Гидрологик (сувда яшовчи организмлар учун: тиниқлиги, ёруғлик тушиш даражаси, босимнинг ўзгариши)</p> <p>6. Ёнгин</p>	<p>1. Фитоген (ўсимликлар оламининг таъсири).</p> <p>2. Зооген (ҳайвонот оламининг таъсири).</p> <p>3. Микоген (замбуруғлар оламининг таъсири).</p> <p>4. Микробиоген (микроорганизмлар, вируслар оламининг таъсири).</p>	<p>Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай таъсирлар.</p>

:

1. Экологик омиллар организмга ҳаддан ташқари кучли (максимум) ёки кучсиз (минимум), ёки ўртача (оптимум) даражада таъсир этиши мумкин. Омилларнинг кулай таъсир этувчи кучи оптимум зона деб қаралади ва ундан қанчалик узоқлашган сари ушбу омилларнинг нокулай таъсир этиши ортиб боради. Шундай қилиб, ҳар бир омилнинг оптимум, минимум ва максимум таъсири бўлади. Омилнинг минимум ва максимум таъсир этиши критик нукта деб қаралади. Критик нукталардан ортиқ кучдаги таъсир организмнинг нобуд бўлишига олиб келади. Организмнинг омилга нисбатан критик нукталар орасидаги чидамлилик чегараси унинг экологик валентлиги дейилади. Мухитнинг бирор омилига кенг доирада мослашган турлари «эври» олд қўшимчасини қўшиш ёки тор доирада мослашган турлари «стено» қўшимчасини қўшиш билан номланади. Масалан, эвритерм, стенотерм (ҳароратга нисбатан), эвригал, стеногал (шўрланишга нисбатан), эврибат, стеннобат (босимга нисбатан) ва ҳоказо. Айрим ҳолда олинган экологик омилларга нисбатан экологик валентликлар йиғиндиси турнинг экологик спектри дейилади.

2. Ҳар бир омил организмнинг ҳар хил функцияларига турлича таъсир этади. Бир ҳаёт фаолияти учун оптимум таъсир иккинчи бир жараён учун максимум бўлиб ҳисобланиши

мумкин.

3. Айрим индивидларнинг чидамлилик чегараси ва оптимум, минимум зоналари бир-бирига тўғри келмайди. Бирон-бир омилга нисбатан чидамлилик даражаси унинг бошқа омилларга чидамлигигини ифодаламайди.

Айрим турларнинг экологик спектрлари ҳам бир-бирига тўғри келмайди.

5. Мухитнинг айрим экологик омиллари организмга бир вақтда таъсир этади ва бир омилнинг таъсири бошқа омилнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Бу омилларнинг ўзаро таъсир этиш қонунияти дейилади.

6. Мухитдаги меъёрдан анча узоқлашган экологик омил чекловчи хисобланади, яъни организмнинг ушбу шароитда яшаши энг қутида даражадаги омил билан белгиланади. Масалан, чўлда организмларнинг кенг тарқалишига сув ва юқори ҳарорат чекловчи омил бўлиб хисобланади. Бу экологияда **чекловчи омиллар** қоидаси деб юритилади.

**Абиотик Омиллар.** Ё руғлиқ. Ер юзидағи тирик организмларнинг ҳаётида муҳим роль ўйновчи омиллардан бири ёруғлик бўлиб, у айниқса яшил ўсимликлар учун зарурдир. Ёруғлик ўсимликнинг физиологик функциясига, ички ва ташқи тузилишига, ўсиш ва ривожланиш тезлигига нормал (оптималь), кучли (максимал) ва кучсиз (минимум) таъсир кўрсатади. Энг муҳими, ёруғлик таъсирида деярли барча сув ўтлар, юксак спорали ўсимликлар ва очиқ ҳамда ёпиқ уруғли ўсимликларда фотосинтез жараёни содир бўлади.

Фотосинтез жараёни натижасида қуёшдан ютилаётган ёруғлик энергияси боғланган кимёвий энергияга айланади. Ўсимликларни ёруғлика бўлган муносабатига кўра уч гурухга ажратиш мумкин:

1. **Ёргесевар (гелиофит) ўсимликлар.** Улар ёруғлик етарли бўлгандагина нормал ўсиши ва ривожланиши мумкин. Бундай ўсимликларга дашт, чўл зоналаридаги ўсимликлар, ўтлоқзорлардаги кўнғирбошдошлар ва бошқа баъзи турлар, ўрмон ўсимликлар жамоасининг биринчи қатламини ташкил этувчи баланд бўйли дарахтлар, Ўрта Осиё шароитидаги қисқа вегетация қилувчи кўп йиллик ўт ўсимликларининг эфемероид типидаги ҳаёт шакллари ва бошқалар киради.

2. **Соясевар (циофильтар) ўсимликлар.** Улар кучсиз ёруғлик тушаётган жойларда ўсуви ўсимликлардир. Буларга ўсимликлар қопламишининг пастки қатламларида ўсуви турлар, моҳлар, плаунлар, папоротниклар, ёнғоқзорлар остида ўсуви ёвойи хина, тоғгунафша кабиларни кўрсатиш мумкин. Ёргесевар ва соясевар ўсимликлар морфологик, анатомик ва физиологик хусусиятлари билан бир-бirlаридан фарқланади.

3. **Сояга чидамли ёки факультатив гелиофит ўсимликлар.** Уларнинг кўпчилиги ёргесевар хисоблансада, ёруғлик унча етарли бўлмаган тақдирда ҳам, ортиқча ёруғлика ҳам нормал ўсиб ривожланадиган турлардир. Уларга кўнғирбош, ок сўхта қулупнай, арғувон, шумрут, қорақарағай ва бошқаларни киритиш мумкин.

Турли географик зоналарда кун билан туннинг алмашиниши характери бир хил эмас. Экватор атрофида кун ва туннинг фарқи сезилмайди. Аммо ўртача (мўътадил) ва совук иқлими зоналарда ёз фаслида кун узун, тун қисқа, кишида эса аксинча бўлади. Бу эса ўз навбатида организмларнинг узун ва қисқа кунга (фотопериодга) мосланишнга олиб келади. Шимол ўсимликларидан буғдой, жавдар, исмалоқ, себарга, мингяпроқ, сачратки, гулсапсар кабилар узун кунда, маржумак (гречиха), қашқаргул, тарик, кунгабокар, маврак, тамаки, зигир ва бошқалар қисқа кунда нормал ривожланади.

Ёруғлик ҳайвонлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Чунончи: а) ёруғлик кўпчилик ҳайвонлар учун фазода мўлжал олишда ёрдам беради. Масалан, асаларилар асалшира кўп бўлган жойни билдириш учун инига қайтгач, узоқ муддат давомида гир айланиб Күёш билан озуқ жойлашишига нисбатан маълум бурчак ҳосил қилган ҳолда. тўхтайди. Кушлар эса узоқ жойларга учуб кетаётганида Күёшга қараб мўлжал олади; б) денгиз ва океан сувлари тагида яшайдиган жониворлар, қуруқлиқда яшайдиган баъзи қўнғизлар ўз танасидан нур чиқариш хусусиятига эга. Бу ҳодиса **биолюминесценция** деб аталади. Бундай хусусият содда ҳайвонлардан тортиб баликларгача хосдир. Бактериялар, замбуруғлар ва айрим тубан

ўсимликлар ҳам шундай хусусиятга эгадир. Биолюминесценция ҳайвонлар ҳаётида сигнал вазифасини ўтайди. Сигнал туфайли улар турли ҳаёт жараёнлари (жинсий маросим, душмандан ҳимояланиш, душманни чалғитиш, ўлжага ташланиш кабилар)ни бажаради: в) ёруғлик организмларнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, ўрмон сувсарига қиши мавсумида қўшимча ёруғлик таъсир этилганда унинг ҳомиладорлиги тезлашиб, муддатидан олдинроқ болалаган. Узоқ муддатда ёруғлик таъсир эттирилганда ҳашаротлар ва сут эмизувчи ҳайвонларда жинсий балофатга етиш тезлашган; сув тагида яшайдиган каракатица ўзини душмандан ҳимоя қилиш учун сувни ёритиб юборадиган суюқлик чиқаради; сув бетида яшайдиган баъзи ҳайвонлар эса қора суюқлик чиқариб душмандан ҳимояланади. Баъзи ҳашаротлар кунлар қисцариши натижасида қўпайиш жараёнини тўхтатади, кунлар узайиши билан эса қўпайиш қайта тикланади. Бунинг сабаби шуки, узун кун бош миядаги гипофиз безига таъсир этиб ички секреция безлари ишини кучайтиради ва жинсий безларга ҳам сигнал беради. Амалиётда кун узунлигини сунъий равишда ўзгартиб ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳосилдорлиги ва наслини қўпайтириш ёки қисқартиш мумкин. Ҳаракатда бўладиган ҳайвонлар ўзига жой танлашда ёритилиш даражасини ҳам ҳисобга олади. Кеча - кундуз давомидаги фаоллик учун маълум даражада ёруғлик талаб этилади. Ҳайвонлар кундузги, тунги ва ғира ширада фаол ҳаёт кечиравчи турларга ҳам ажратилади. Уларнинг фаоллиги йилнинг мавсуми, иқлим шароитлари ва ёруғликнинг ўзгаришига қараб ўзгариб туриши мумкин. Масалан, чала чўл зоналарида юмонқозиқлар жазира мақсади кунлари эрталаб ва кеч пайтлари актив фаолиятда бўлиб, кундузги вақтни уяларида ўтказадилар. Улар ҳаво булат бўлганда гина кундузи уяларидан чиқиши мумкин. Худди шунингдек, чўлдаги қушлар ҳам ёзниг иссиқ кунлари бошқа жойларга учеб кетадилар. Уларнинг ўта актив (максимум) фаолияти баҳор, куз ва қиши фаслларининг кундузги соатларига тўғри келади.

Шундай қилиб, ҳайвонлар ҳам ёруғликка бўлган муносабатига кўра бир неча гурухга, чунончи, ёруғсевар, соясевар ҳайвонларга ва ёруғликнинг ўзгаришига кенг ёки тор (қисқа) доирада мослашган гурухларга бўлинади. Ҳайвонлар ёруғлик ёрдамида атрофдаги мавжудотларни кўради ва ён атрофга қараб мўлжал олади. Турли ҳайвонларнинг кўриш органлари уларнинг ривожланиши поғонасига кўра турли даражада тараққий этган ва яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Масалан, баъзи чирқилдоқ илонлар инфракизил нурларни кўра олганлиги сабабли ўлжасини қоронғида ҳам овлайди. Асаларилар эса ультрабинафша нурларни ажратадилар, аммо инфракизил нурларни ажратадилар.

**Ҳ а р о р а т.** Ер шаридаги организмларнинг тарқали» ши, қўпайиши ва бошқа ҳаёт жараёнларини белгилайдиган омиллардан бири ҳарорат ҳисобланади. Экваторда ҳарорат йил давомида ва бир сутка давомида унча кескин ўзгармайди. Аммо экватордан шимолга ёки жанубга йўналган сари текислик жойларда ҳар  $100$  км га ҳарорат  $0,5^{\circ}$ — $0,6^{\circ}\text{C}$  га ўзгара боради. Бундай ўзгаришлар Ер шарининг тоғли қисмида ҳам ҳар  $100$  метр баландликка кўтарилиганда юз беради. Демак, барча ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёт жараёнлари шу хилдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўтади. Айниқса, ўсимликларнинг тарқалишида бундай ўзгаришлар алоҳида роль ўйнайди. Шу сабабли ҳам Ер шарининг текислик қисмида учрайдиган ўсимликлар ва улар ҳосил қиласиган қоплам ўрганилганда бир неча иқлим зонасига, чунончи; Шимолий қутб, тундра, ўрмон, дашт, чўл, субтропик ва тропик каби географик зоналарга бўлиб ўрганилади.

Ўсимликлар паст ёки юқори ҳарорат таъсирида яшashi ва унга мосланишига кўра иккита катта экологик гурухга бўлиб ўрганилади. Бу ҳақда кейин батафсилроқ гапирилади. Ҳарорат одатда Ер шарининг қуруқлик қисмида бирмунча тез ўзгариб туради. Сув мухитида эса бундай ўзгаришлар, айниқса, бир сутка давомида жуда секин ўзгаради. Умуман олганда, кўпчилик тирик организмлар ҳаёти  $O^{\circ}$  билан  $50^{\circ}\text{C}$  ўртасида ўтади. Ҳарорат  $O^{\circ}$  дан паст ёки  $50^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда барча ҳаёт жараёнлари мутлақо тўхтайди ёки кескин даражада секинлашиб қолади. Демак, тирик организмлар ҳаётига ҳарорат оптимум, минимум ва максимум даражада таъсир этади.

Айрим сувўтлар ва умуртқасиз ҳайвонларнинг ҳаёти  $0^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлган ҳарорат таъсирида нормал ўтади. Баъзи бактериялар ва замбуруғларнинг споралари ҳамда баъзи умуртқасиз ҳайвонлар (коловратка, тихоходка ва неъматодлар (ҳашаротлар) танаси сувсизлантирилгач, уларга  $-190^{\circ}$ — $-273^{\circ}\text{C}$  ли паст ҳарорат таъсир эттирилганда ҳам ҳаётчанилиги сақланиб қолган. Ёки кўк-яшил, диатом ва яшил сувўтлар айрим вакилларининг  $-73^{\circ}$ — $-93^{\circ}\text{C}$  ли қайнар булоқларда нормал ўсиши аниқланган. Шимолий кутбда сувнинг ҳарорати  $0^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлганда ҳам кўпгина сув ҳайвонлари нормал яшаб сувўтлар билан овқатланади. Шимол буғуси, оқ айик, тюленъ ва пингвинлар ҳаёти ҳам паст ҳароратда нормал кечади. Шундай қилиб ўсимликлар ҳаёти учун йилнинг энг иссиқ ва энг совуқ ойларидаги ўртача ҳароратнинг умумий миқдори, йиллик ҳароратнинг ўртача миқдори муҳим роль ўйнайди. Бундай йиллик ҳарорат йифиндиси (миқдори) Ер шарининг турли нуқталарида турличадир. Масалан, Малай архипелагида  $9500^{\circ}\text{C}$ , Тошкентда  $-5000^{\circ}\text{C}$ , Астраханда  $-4000^{\circ}\text{C}$ , Одессада  $-3500^{\circ}\text{C}$ , Санкт-Петербургда  $-2000^{\circ}\text{C}$ , Янги Ер оролида  $-400^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Шунга кўра ҳар қандай ўсимлик тури (ёввойи ҳолдагисими, маданий ҳолдагисими) ҳамма жойда ҳам учрайвермайди. Демак, ҳар қандай ўсимлик тури ўз ҳаёт жараёнини тўлиқ ўтиб насл қолдириши учун йил давомидаги фойдали ҳарорат миқдорига муҳтождир. Шундагина, у нормал ўсиб ривожланади ва уруғ мева ҳосил қилиб бир йиллик ҳаётини тугаллади.

Ер шарининг бирор жойидан иккинчи бир жойига қандайдир маданий ўсимликни олиб келиш, уни ўстириб кўриш ва ундан ҳосил олиш учун шу ўсимликнинг йиллик фойдали ҳарорат миқдори неча даража эканлиги ҳисобга олиниши керак бўлади. Ўзбекистонда ўстирилаётган ғўза ўсимлиги вегетацияси учун мавсум давомида  $3500^{\circ}\text{C}$  ҳарорат зарур эканлигини ҳисобга олганда уни Москва ёки Санкт-Петербург вилоятлари шароитида экиш ва ундан ҳосил олиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Ҳайвонлар ҳаётида ҳам ҳарорат муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик ҳайвонлар ўзининг доимий тана ҳароратига эга. Бундай ҳайвонлар **гомойотерм** ҳайвонлар дейилади. Ташки мухитнинг таъсирига кўра тана ҳароратини ўзгартирувчи ҳайвонлар ёки бошқача айтганда, доимий қатъий тана ҳароратига эга бўлмаган ҳайвонлар **пойкилотерм** ҳайвонлар дейилади. Оралиқ гурухга киравчи ҳайвонлар эса **гетеротермлар** дейилади. Бу гурухга киравчи ҳайвонларнинг танаси актив ҳаракатда бўлганда гомойтерм ҳисобланади. Уйқуга кетган вактда эса уларнинг тана ҳарорати пасаяди ва танани термик идора қилиш қобилияти йўқолади. Бундай ҳайвонларга юмронқозиқлар, типратиканлар, кўршапалаклар, колибриллар, олмахонлар ҳамда шунга ўхшаш бошқалар киради.

Ўсимликларда борадиган ҳаётий жараёнлар ҳароратнинг минимал, оптимал ва максимал кўрсаткичларига боғлиқ. Масалан, фотосинтез жараёни ҳарорат ҳар  $10^{\circ}\text{C}$  кўтарилиганда икки марта ортади. Оптимал ҳарорат эса  $30$ — $35^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади. Худди шунингдек, нафас олиш ҳам ўзгаради. Ҳарорат ўсимликнинг илдиз орқали озиқлацишига таъсир этади. Ўсимликнинг барча ривожланиш босқичлари ҳам маълум даражадаги ҳарорат омили билан боғлиқдир. Юқорида таъкидланганидек, барча ўсимликларни ҳароратга бўлган муносабатига кўра иккита экологик гурухга ажратиш мумкин: юқори ҳарорат таъсирида яхши ўсиб ривожланадиган термофил ўсимликлар ва паст ҳарорат таъсирида яшовчи психрофил ўсимликлар. Ҳар икки гурухга мансуб ўсимлик турлари ўзига хос мосланиш хусусиятларига эга. Термофил ўсимликлар хужайраси иссиқликка чидамлилиги, органлар юзасининг кичрайиши, тукларнинг яхши ривожланганлиги, эфир мойларига эга бўлиши, ўзидан ортиқча тузларни ажратиб чиқариши, узоқ муддат давомида тиним даврини ўтказиши ва бошқа хусусиятлари билан тавсифланади. Психрофил ўсимликлар совуқ шароитни ҳар хил ҳолатларда (яъни тиним ёки вегетация даврида) анатомо-морфологик мосланиш орқали ўтказади. Бундай, мосланишларга поясининг ер бағирлаб ўсиши, новданинг ётиқ йўналиши, тўпланиш бўғими ва илдиз бўйнининг ер остида жойланиши, хазонрезгилик, пўқак I қаватнинг яхши ривожланиши, оқ танага эга бўлиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб ўсимликларни паст ҳароратга бўлган муносабати ёки масланишига кўра уч

гурухга бўлиш мумкин:

1. **Салқинга чидамсиз ўсимликлар.** Тропик зонада ўсуви барча ўсимликларни шу гурухга киритиш мумкин.
2. **Совуқга чидамсиз ўсимликлар.** Субтропик зонада ўсуви кўпгина ўсимликларни бу гурухга киритиш мумкин. Чунки уларнинг хужайра ширасидаги моддалар— $5^{\circ}\text{C}$ ,  $-7^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳароратда музлайди.
3. **Совуқга (ёки аёзга) чидамли ўсимликлар,** Бу гурухга мўътадил ва совуқ иқлими зоналарда ўсуви ўсимликлар киради.

Ўсимликларни юқори ҳароратга бўлган муносабатига кўра ҳам уч гурухга бўлиш мумкин:

**1.Иссикка чидамсиз ўсимликлар.** Масалан, сувўтлар, сувда ўсуви гулли ўсимликлар ва мезофит ўсимликлар. Улар— $30^{\circ}\text{C}$ дан юқори ҳароратга чидамсиздир.

**2.Иссикка қўнинкан ўсимликлар.** Масалан, чўл ва дашт зоналарида ўсуви ўсимликлар.

**3.Иссикка чидамли ўсимликлар.** Масалан, иссиқ сувларда ўсуви сувўтлар ва айrim бактериялар. Миллион йиллар давомида ўсимликлар ва ҳайвонлар ана шундай паст (совуқ) ва юқори (иссиқ) ҳароратга нисбатан мосланишга мажбур бўлганлар. Натижада уларнинг ички ва ташқи тана тузилишида қатор мосланиш белгилари вужудга келган. Ўсиш, шоҳшаб-баларнинг ўзаро тифиз (зич) бўлиб ўсиши, шарсимон (думалок) кўринишда бўлиб ўсиш, баргларнинг ниҳоятда кучли қирқилган бўлиши, хужайра ширасида заҳира моддалар, жумладан сахароза, шакар моддалар микдорининг ортиши каби мосланиш белгиларини кўриш мумкин. Юқори (иссиқ) ҳароратга нисбатан ҳам қатор мосланишлар мавжудdir. Чунончи, барг ва пояларнинг ниҳоят сертук бўлиши, мум моддаси билан қопланганлиги, вақтинча баргиз бўлиши (ёки вақтинча баргларнинг тўкилиши), баргларнинг ниҳоятда кичрайиши ёки уларнинг тангача барглар кўринишида бўлиши, барглар лабча (офизча) ларининг чуқур жойланиши, илдизларнинг тупроқ остига жуда чуқур кетиши ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида кўриб ўтилганидек ҳайвонлар ўсимликларга нисбатан кўпроқ ўз танаси ҳароратини бошқара олиши билан ажralиб туради ҳамда тана ҳароратини идора этишнинг турли хил имкониятларига эга. Ҳарорат ҳайвонларнинг қайси иқлим зонасида яшashi билан боғлиқ ҳолда аввало уларнинг вазнига ва ички органларининг катта-кичиклигига, кўпайишига ва бошқа ҳаёт жараёнларига таъсир кўрсатади. Масалан, иссиқ ўлкаларда яшовчи кўпгина сутэмизувчи ҳайвонларнинг вазни, юраги, буйраги, жигари совуқ ўлкаларда яшовчи шу хилдаги ҳайвонларнига нисбатан енгил ва кичикдир. Шунингдек, ҳарорат ҳайвонларнинг ташқи қиёфасига, кўпайишига таъсир кўрсатади. Масалан, тундрада, мўътадил зонада яшовчи тулки ва Африкадаги фенек деган тулкини олсак, улар экологик жиҳатдан ўхшаш ёки бир-бирига яқин турлардир. Лекин турли иқлим зонасида яшаганликлари учун улар ташқи кўриниши, айниқса, қулоқларининг шакли, катта-кичиклиги билан бир-бирларидан кескин фарқланади. Худди шунингдек, Арктика ва баланд тог минтақасида яшовчи баъзи ҳашаротларнинг ранги Күёш нурини кўпроқ ютганлиги сабабли қорамтириганда бўлади. Кўпчилик сув ҳайвонларининг тухуми ҳам шундай қорамтирилганда бўлади. Демак, ҳайвонлар ҳам турли хил ҳарорат таъсирига мослашадилар. У ҳайвонларнинг ҳароратга мосланиш йўллари асосан уч хилдир, яъни кимёвий, табиий, терморегуляция ва хулқ-атвор мосланишлари. Таъсирига ташқи мухит ҳароратининг пасайишига жавобан фаол равишда танадан иссиқ ажralиши кимёвий **терморегуляция** дейилади. Бундай мосланишнинг кўринишлари баъзи бир балиқларда, ҳашаротларда (арилар, капалаклар) учратилади. Танадан иссиқ ажratishnинг ўзгариши, яъни ортиқча бўлса ташқарига чиқариб юбориш ёки уни ушлаб қолиш табиий терморегуляция деб қаралади. Бундай йўл билан ҳарорат омилига мослашган ҳайвонларда куйидаги анатомо-морфологик мосланишлар кузатилади: тананинг жунлар билан қопланиши, пат ёки парларга эга бўлиши, ёғ заҳирасининг жойланиши, тери ёки нафас йўли орқали сув буғлатишни бошқариш ва ҳоказо. Кўпчилик ҳайвонлар учун тана ҳароратини бошқаришда уларнинг инстинктдан келиб чиқадиган харакатлари катта

аҳамиятга эга. Буларга поза (гавданинг ҳолати) ларни ўзгартиш, бошпана топиш, мураккаб ер ости уялар (инлар) қуриш, бошқа жойларга уялар қуриш, узоқ ёки яқин масофаларга кўчиб юришлар (миграциялар) киради. Тана ҳароратини идора этишда ҳайвонларнинг гурухли хатти-ҳаракатлари ҳам мухим аҳамиятга эга. Масалан, чўлда яшовчи туялар жазирама иссиқ кунлари бир-бирларига ёнбошлаган ҳолда бир жойга тўпланиб ётадилар, натижада улар тўпланган жойнинг ўртасидаги ҳарорат  $39^{\circ}\text{C}$ , яъни тана ҳароратига тенг бўлади. Энг чеккадаги туяларнинг елка томонидаги жунлари  $70^{\circ}\text{C}$  гача қизиб кетади. Гомеотерм ҳайвонларнинг иссиқлик балансларини идора этишда юқоридаги мосланиш йўлларидан биргаликда фойдаланиш уларнинг ҳар қандай ташки ноқулай ҳарорат таъсиридан сақланиш имконини беради.

**Н а м л и к.** Барча организмларнинг ер юзида тарқалишида ҳарорат билан бирга намлик омили ҳам мухим аҳамиятга эга. Сувсиз ҳаёт йўқ, десак янгишмаймиз. Табиатда сув турли хил шаклда, чунончи, ёмғир, қор, туман, киров, шудринг, муз каби кўринишларда мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси намлик тушунчасини ифодалайди. Шундай бўлса-да, биз намлик сўзи ўрнига сув дега иборани ишлатиш маъкул деб ҳисоблаймиз. Ўсимлик танасидаги моддаларнинг 50—98% ини сув ташкил этади. Ҳужайраларда борадиган барча биокимёвий реакциялар сув иштирокида бўлади. Сувда яшайдиган организмлар учун сув мухит бўлиб ҳам ҳисобланади. Ер юзида ёғингарчилик кўп тушадиган жойларда суткалик ёғингарчилик энг кўп миқдорца 1000 мм га борса (Черапунджи), Синай чўлида эса атиги 10—15 мм га тенг. Перуан ва Асуан чўлларида ёғингарчилик кузатилмайди. Намликнинг етишмаслиги қуруқ-ликдаги ҳаётнинг энг мухим хусусиятларидан биридир. Ксерофил ўсимлик ва ҳайвонлар қурғоқчил мухитдаги экологик гурухни ташкил этади. Ўртacha намлик шароитида мезофил, ортиқча намликда эса гидрофил организмлар яшайди. Барча ўсимликлар сув билан таъминланиши ёки намлик шароитига мосланишига кўра **5 та экологик гурухга ажратилади: гидрофитлар, гидрофитлар, гигрофитлар, мезофитлар, ксерофитлар**.

**Гидрофитлар** — ҳаёти доимо сувда ўтувчи бу гурухга асосан сувётлар киради. Гидрофитлар эса танасининг бир кисми сувдан ташқарида, колган кисми сув қатламида жойлашган ўсимликлардир. Бу гурухга сув нилуфарлари, ғиччак, найзабарг (сагиттария), сув айиқтовони, ўқбарг ва бошқа сувда ўсуви гулли ўсимликлар киради. Улар яшаш шароитига кўра сузиб юрувчи юза-синийнг катта бўлиши, вегетатив органларининг шилимшиқ парда билан қопланиши, механик тўқиманинг кучсиз ривожланганлиги, ҳужайранинг ҳаво бўшлиқларига эга бўлиши, қоплағич тўқиманинг яхши ривожланмаганлиги, сув қатламида яшайдиган турларда оғизчаларнинг бўлмаслиги ёки уларнинг сузуви баргларнинг фақат устки томонидагина бўлиши, барг эт қисмининг устунсимон ва булутсимон тўқималарга ажралмаслиги, илдиз тизимининг кучсиз тарақкий этганлиги каби қатор мосланишларга эга бўлади.

**Гигрофитлар** — тупроқда ортиқча миқдорда намлик ёки сув бўлган шароитда яшовчи ўсимликлардир. Улар дарё ва кўл бўйлари, ботқоқликларда, сернам ўрмонлар ва тоғли районларда кўп учратилади. Гигрофитлар ҳам ортиқча намлик шароитига мослашган гидрофитлар каби хусусиятларга эга бўлади.

**Мезофитлар-** ўртacha намлик шароитида яшовчи ўсимликлар ҳисобланади. Бу экологик гурухга кўпчилик маданий ва ёввойи ҳолдаги ўсимликлар киради. Мезофит ўсимликларнинг илдиз тизими одатда яхши ривожланган, барглари кўпинча йириқ, яssi, юмшоқ, этсиз, тўқималари ўртacha ривожланган бўлади. Баргининг эти икки хил тўқимага ажралган. Барглар кўпинча туксиз, оғизчалари одатда баргцинг ости томонида жойлашган. Сув сарфи оғизчалар орқали бошқарилади., Ҳужайра ширасининг осмотик босими  $2\cdot 10^6$ — $2,5\cdot 10^6 \text{ Па}$ .

**Ксерофитлар** қурғоқчил шароитда яшашга мослашган ўсимликлардир. Улар дашт, чўл ва чала чўл зоналарида кенг тарқалган. Ксерофитлар ўз навбатида икки гурухга ажралади: склерофитлар ва суккулентлар. Склерофитлар қурғоқчиликка чидамли, кўп йиллик, дағал, кўпинча барглари редукциялашган ёки тиканларга тангачаларга айланган,

қалин кутикула қаватига эга ва яхши ривожланган механик тўқима бўлади. Уларга саксовуллар, янтоқ, чалов, шувоқ, бетага ва бошқалар киради. Ўрта Осиёning қумли чўлларида ўсуви турлар ўз танасидаги умумий сув миқдорини 50% гача камайтириши мумкин. Бу хусусият цитоплазманинг коллоид кимёвий хоссаларига боғлик равишда тушунтирилади. Ҳужайра ширасининг осмотик босими юқори  $—4\cdot10^6$ —  $6\cdot10^5$  Па. Илдиз тизими хилма-хил, ер устки органлари ер остики органларига нисбатан бир неча марта кичик (масалан, янтоқда 30 : 1), поялари ёғочлашган. Сувни ниҳоятда тежсаб сарфлайди ҳамда баъзи бир турлар ёзги тиним даврини ўтказган ҳолда нокулай шароитга мослашган. Суккулентлар — танаси серсув, этли, кўп йиллик ўсимликлардир. Улар баргида ёки поясида сувни жамғариши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам уларда куйидаги мосланиш белгиларини кўриш мумкин: барг ва поялари одатда туксиз, эпидерма, кутикула ва мум қаватлари қалин, илдиз тизими тупроғининг юзасида жойлашади, осмотик босими паст ( $3\cdot10^5$ — $8\cdot10^5$  Па), сувни ниҳоятда тежаб сарфлайди, ўзига хос модда алмашиниш типига эга, баргнинг эт қисми икки хил тўқимага ажралган ва сув жамғарувчи паренхима ҳужайралар билан ўралган. Баъзи бир қактуслар танасида 1—3 тоннагача сув сақлаши мумкин.

Ҳайвонлар ҳаётида ҳам намлик ёки сув муҳим роль ўйнайди. Умуман ҳайвонлар сувга бўлган талабини уч хил йўл билан қондиради: 1. Бевосита сув ичиш орқали. 2. Ўсимликлар билан овқатланиш орқали. 3. Метаболизм ҳодисаси, яъни танасидаги мойлар, оқсиллар ва карбон сувларининг парчаланиши орқали.

Сувни буғлантириш эса асосан нафас олиш, терлаш ва сийдик йўли орқали бажарилади. Иссик кунлари айрим сутэмизувчилар сувни ҳаддан ташқари кўп сарфлашлари мумкин. Масалан, кишилар ёз ойларида бир кунда 10 литргача сувни терлаш орқали сарфлаши мумкин. Антилопалар, йўлбарслар, жайронлар, филлар, шерлар, гиеналар ҳар куни сув излаб узоқ масофали йўл босадилар. Улар учун овқат таркибидағи сув етарли бўлмайди. Баъзи ҳайвонлар эса шу озуқа таркибидағи сув билан қоноатланишга мослашган. Бундай мосланишлар ҳам одатда уч хил бўлади: юриш-туриш ҳаракати орқали, морфологик ва физиологик мосланиш. **Юриши-туриши** орқали мосланишда ҳайвонлар албатта сувни излаб топиш, яшайдиган жойни танлаш, ин қазиб, унда яшаш орқали мослашадилар. **Морфологик** мосланиш танасининг устида чиганоқлар, совутлар, қалқон ва тангачалар ҳамда кутикулалар ҳосил қилиш орқали амалга оширилади. Масалан, шиликкүрт, тошбака, калтакесак, қўнғизлар ана шундай мослашади. **Физиологик** мосланиш эса метаболитик сув ҳосил қи-лиш орқали амалга ошади. Масалан, одамлар танасидан вазнига нисбатан 10%гача сув йўқотиши мумкин. Ундан ортиқ сув йўқотилса организм ҳалок бўлади. Бу кўрсаткичлар турли ҳайвонларда турлича, масалан, туяларда—27%, кўйларда — 23%, итларда—17%, агар бундан ошса ҳалокат юз беради. Шунинг учун ҳам қуруқликда яшовчи айрим ҳайвонларда бир қатор физиологик мосланишларни кўрамиз. Масалан, айрим уй ҳайвонлари ичагида сув сўрилади, овқат қолдиқлари тезак ҳолида ташқарига чиқарилади. Айрим ҳашаротларда (қўнғиз, хонқизи, чумолиларда) чиқарув органи (мальпиги найлари)нинг бир уни ичакнинг орқа деворига туташган бўлиб, ундаги сув сўрилиши орқали организм томонидан қайта сарфланади, яъни реабсорбция ҳодисаси юз беради. Суюқ озуқа билан озиқланувчи асалари, капалак ва пашшаларда эса реабсорбция ҳодисаси кузатилмайди. Улар сийдик орқали ташқарига ҳар хил ортиқча тузлар ва мочевина чиқаради. Натижада сув танада бирмунча тежаб қолинади. Судралиб юрувчилар, тошбақалар, қушлар ва кўпгина ҳашаротлар ўзларидан яхши эримаган сийдик кислотасини, ўргимчаклар эса гуанин моддасини чиқазади. Бунинг учун эса унча кўп сув сарфланмайди.

Айрим сувда яшовчи (гидробионт) ҳайвонлар сувни ютиши ёки фильтрация қилиш орқали яшашга мослашган. Натижада сув ҳавзаларида биологик тозаланиш содир бўлади. Масалан, лихет, мшанка, асцидий, планктон, қисқичбақасимонлар, мидиялар бир суткада  $150$ — $280$  м<sup>3</sup> сувни тиндиради ва тозалайди. Қурғоқчил шароитда яшовчи сув ўтлари, лишайниклар ва моҳлар пойкилоксеросеофитлар деб аталиб, улар қурғоқчил даврларда қуриб қолиб, анабиоз ҳолатга ўтадилар ва ёғингарчилик бўлган вақтда яна ҳаётини тиклаб давом эттираверадилар. Ҳайвонларнинг қурғоқчил шароитга мосланишлари

ҳам жуда хилма-хилдир. Галопагос оролларидаги тошбақалар сувни сийдик қопида жамғарган ҳолда сақлады. Австралия чўлларидаги қурбақаларда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Кемирувчилар ва ҳашаротлар одатда сувга бўлган талабини озиқ таркибидаги сув ҳисобига қондиради. Юмронқозиқ каби ҳайвонлар қурғоқчилик шароитига уясининг анча чуқурда бўлиши, танасида маълум миқдорда ёғ жамғариб, ёзги уйқуга (тинимга) кетиши билан мослашади. Туялар эса тўпланган ёғ миқдорини метаболик парчалаш йўли билан организмнинг сувга бўлган талабини қондиради. Тез югурдиган ҳайвонлар (антилоплар) ёки учадиган қушлар сув ичиш учун узоқ масофаларга бориб келадилар. Умуртқасиз ҳайвонлар қурғоқчил даврни циста (ёки қалин пўстли споралар) ҳолатида ўтказадилар ёки баъзи бирлари анча қулай бўлган жойларга кўчиб кетадилар. Шундай қилиб, қўрғоқчилик шароитда яшовчи ҳайвонлар танасидан йўқотган сувни бутун танаси тери қатлами орқали шимиш ёки озука орқали, анча мураккаб йўл ҳисобланган оқсил, ёғ ва углеводларнинг парчаланиши вақтида ажралиб чиқсан сув ҳисобига қондира-ди. Сувда яшовчи ҳайвонлар — гидрофиллар (сувда ва қуруқда яшовчилар, ёмғир чувалчанглари, қорин оёқли моллюскалар, мокрицалар) фақат анча сернам шароитда ҳаёт кечиришлари мумкин. Мезофиллар ўртача сув талаб қилувчилар, яъни эвригир организмлар, ҳисобланиб, намликтининг ўзгаришига яхши бардош беради.

**Ҳ а в о** - атмосферадаги газларнинг аралашмаси ҳисобланиб, баландликнинг ўзгаришига қараб унинг таркиби ҳам ўзгариб боради. Ҳаво организмлар учун яшаш мухитигина бўлмасдан, балки экологик омил сифатида ҳам аҳамиятлидир. Ўсимликнинг деярли 50% қуруқ вазни ҳаводан ўзлаштирилган углеродга тўғри келади. Атмосферадаги тоза ва қуруқ ҳавода 78,1% азот, 21% кислород, 0,9% аргон, 0,03% CO<sub>2</sub> бўлади. Булардан ташқари оз миқдорда неон, гелий, криpton, ксенон, аммиак, водород, радий ҳамда торий каби радиоактив моддалар қолдиги, шунингдек, ҳар хил азот оксидлари, хлор ва бошқа элементлар учратилади. Ҳавода ҳар доим сув буғлари (0,01—4% гача) бўлади. Ҳавонинг қуий қатламларида газсимон табиий заррачалардан ташқари табиий аралашмалар ҳам учрайди. Улар чанг ва тутунлар, қурум, баъзан денгиз тузларининг кристаллари, ҳар хил органик заррачалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Ҳаво таркибидаги кислород ўсимлик ва ҳайвонларнинг нафас олиши учун зарур бўлган элементdir. Унинг миқдори ҳавода етарли даражада бўлади. Агарда бу кўрсаткич 5% га камайса организмларнинг нафас олиши қийинлашади. Карбонат ангидрид гази деярли доимий бўлрб, фақатгина йирик шаҳарларда унинг миқдори ортиқ бўлиши мумкин. Маълумки, карбонат ангидрид гази яшил ўсимликлар учун озиқланишда мухим аҳамиятга эга. Азот элементи ҳавонинг таркибида кўп миқдордабўлишига қарамай, уни организмлар тўғридан-тўғри ўзлаштира олмайди. Организмлар уни факатгина бирикма ҳолдагина ўзлаштириши мумкин. Азот тутунак бактериялар, азотобактериялар, актиномицетлар ва кўк-яшил сувўтлари учун озука манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳаводаги азот миқдорининг ўзгариши инсон фаолияти ёки ўсимликлар қопламишининг табиатига боғлиқдир. Ҳавонинг таркибидаги сульфит ангидрид, азот оксидлари, галогенводородлар, аммиак ва бошқалар зарарли моддалар ҳисобланиб, унинг ифлосланишига сабабчи бўлмоқда. Улар ўсимликларнинг ҳаво орқали озиқланишида, ёғингарчилик, туман вақтида ўсимлик танасига кириб боради. Ҳаводаги ана шундай заҳарли моддаларни ютган ўсимлик барглари, ҳужайраларив ўла бошлайди. Дараҳтларнинг сув шимиш механизми ишдан чиқади ва барглари тўкилади. Учки шохлари эса қурийди.

Ҳаво таркибida турли хил газлар миқдорининг ортиб кетиш ҳоллари дунёning турли нуқталарида турли да-ражададир. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг деярли ҳамма жойида ҳам ҳавонинг ифлосланиш даражаси санитария талабларига жавоб бермайди. Баъзи маълумотларга кўра, 1989 йилда саноат корхоналари томонидан ҳавога 1337 минг тонна, автотранспортлардан 2,2 миллион тонна заҳарли чиқинди моддалар чиқазилган. Тошкент, Андижон, Кўқон, Навоий, Олмалиқ, Чирчик, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ифлосланиш даражаси жуда юқори бўлиб қолмоқда. Фақат Тошкент шаҳри транспорти йилига 360 минг тоннадан ортиқ турли чиқинди газларни атрофга пуркайди. Улар таркибida 100 хилдан ортиқ заҳарли моддалар мавжуд. Демак, йирик шаҳарларимиз ҳавосининг ифлосланишига

асосан транспорт ва ён атрофдаги кимёвий завод фабрикалар сабаб бўлмоқда. Кишлоқ жойларда эса экин майдонларининг ўта «нашаванд» бўлиб қолганлиги, яъни ерга хаддан ташқари минерал ўғитлар ва 70 хилга яқин турли кимёвий моддалар (гербицид ва пестицидлар)нинг ишлатилганлиги ҳавонинг бузилишига олиб келди.

Ўсимликларнинг ҳаводаги турли заҳарли моддаларга нисбатан сезгирилиги турличадир. Масалан, себарга сульфит анкидридга, лола ва гладиолуслар — водород фторидга, доим яшил дараҳтларнинг барглари сульфит ангидридга, моҳ, лишайниклар ва баъзи замбуруғлар  $\text{CO}_2$ ,  $\text{HF}$ ,  $\text{HCl}$  ларга ниҳоятда сезгиридир. Шубҳасиз, ўсимликлар ҳавони маълум даражада тозалайдилар. Шунинг учун ҳам яшил ўсимликларнинг экологик роли ниҳоятда каттадир. Ҳаво ҳақида гапирганда унинг кўзга яққол ташланадиган бир кўриниши — шамол тушунчаси билан боғлиқдир. Шамол барча тирик организмларга экологик омил сифатида турли хил таъсир кўрсатади. Масалан, шамол таъсирида ўсимликларда қуидаги жараёнлар содир бўлади: 1. Ўзидан сувни буғлантиради. 2. Ҳавода газлар оқими, шу жумладан карбонат ангидрид оқими вужудга келади. 3. Кўпчилик ўсимликларда чангланиш жараёни содир бўлади. 4. Ўсимликларнинг споралари, уруғ ва мевалари ён атрофга тарқалади.

Шамол ҳайвонлар ҳаётига қуидаги таъсир кўрсатади:

1. Куруқликда яшовчи ҳайвонларда сув ва ҳарорат алмашинуви амалга ошади;
2. Кучли эсган шамоллар айрим ҳайвонлар пат ва жунларининг қалин ва пишиқ бўлишига таъсир кўрсатади;
3. Кўпгина ҳашаротлар (ўтлоқ капалаги, чўл чигирткаси, безгак пашшаси ва ҳоказо) ва микроорганизмлар шамол ёрдамида миграция қиласи, яъни тарқалади;
4. Айрим қушлар ва ҳашаротлар қанотининг қисқароқ бўлиши ёки мутлақо йўқлигига таъсир кўрсатади.

Натижада шамол кучли эсадиган ерларда уларнинг сони камайиб кетади. Ҳайвонларнинг 75% и (ҳашаротлар, қушлар, удралиб юрувчилар ва сутэмизувчилар) ҳавода учишга мослашган. Ўсимликларнинг уруғ ва мевалари, майда ҳашаротлар, содда ҳайвонларнинг цисталари эса ҳавода пассив ҳолда учеб юради. Бу ходиса анемохория дейилади. Бундай организмлар эса аэропланктонлар деб аталади. Аэропланктонлар ҳаво муҳитига танасининг кичик ўлчамда бўлиши, ҳар хил ўсимталар ҳисобига юзасини ошириши, кучли даражада бўлакларга ажралиши, нисбатан катта юзага эга бўлган қанотларининг бўлиши ва ўргимчак или толаси кабилардан фойдаланиши билан мослашганлар. Баъзи бир майда ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротлар кучли шамол (ҳаво оқими) га бардош беролмайдилар. Масалан, жанубий океанлар қирғоқларида эсадиган шамоллар таъсиридан сақланиш учун баъзи ҳашаротлар қанотсиз бўлганларни сабабли тош остидаги ва қоялардаги ёрикларга ёки ўсимликлар қоплами остига яшириниб оладилар. Бу эса уларнинг шамол таъсирига нисбатан мосланишидир. Лекин шу билан бирга у ерларда қанотли пашшалар ҳам кўп учрайди. Кучли шамоллар ҳавонинг юқори қатламларига турли майда организмларни кўтариб чиқиб бир неча минг километр масофага олиб кетади. Шамол ўсимликларда сув буғланишини кучайтиради ва намликни олиб келади. У ўсимликларга бевосита (тўғридан-тўғри) ёки билвосита таъсир этиши мумкин. Тўғридан-тўғри таъсирга механик буғланишни тезлаштириш,  $\text{CO}_2$  нинг камайиши, янгисини олиб келиш, қуруқ шамолларнинг заарли таъсиrlари киради. Тупроқни учирив кетиб илдизларнинг очилиб қолиши, қўмлар билан кўмилиши, қорларни учирив кетлиши, бошқа ўсимликлар новдаларини синдириб учирив келиши шамолнинг билвосита таъсиридир. Шамол ўсимликларнинг ташқи қиёфасига ҳам таъсир этади. Ҳаво босимининг пасайиши ҳам кўпинча ҳашаротларнинг фаоллигига ижобий таъсир этади. Булардан ташқари ҳавонинг ионланиши, электр майдонларнинг орагал низмларга таъсири ҳали етарлича ўрганилган эмас, Шундай қилиб, ҳаво оқими (ёки шамол) барча тирик организмлар ҳаётига механик, биологик (физиологик, анатомик, морфологик), географик ва бошқа хил таъсир кўрсатади.

**Т у п р о қ** - тупроқ дейилганда ернинг ғовак, унумдор юза қавати тушунилади.

Тупроқда ўсимликлар, микроорганизмлар ва баъзи умуртқасиз ҳайвонлар яшайди. Масалан, 1 м<sup>2</sup> тупроқ қатламида 100 миллиардлаб содда ҳайвонлар ҳужайраси, миллионлаб нематодлар, юзлаб ёмғир чувалчанглари, 100 минглаб замбуруғларнинг гифа-мицеллийлари, бактериялар ва сув ўтлар яшайди. Демак, тупроқда учровчи барча тирик организмлар яшаш жараёнларида бир-бирига нисбатан турли хил муносабатда бўлиб таъсир кўрсатади, яъни ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар натижасида тупроқда гумус ва минерал моддалар тўпланади.

Тупроқнинг экологик омил сифатида ўсимликларга таъсири ҳақида гапирганда аввало шуни айтиш керак-ки, тупроқ ўсимликни ўзида бириктиради ва уни озуқа билан таъминлайди, яъни ўсимлик тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддаларни олади. Ўсимликка тупроқнинг хусусиятлари ва кимёвий таркиби ҳамда микрофлораси жуда катта таъсир қиласди. Тупроқнинг кимёвий хоссаларидан бири унинг кислоталилиги бўлиб, бу водород ионлари концентрацияси билан ифодаланади. Тупроқнинг кимёвий табиатига (рНга) қараб, *ацедофил* (кислотали), *нейтрофил* (нейтрал), *базофил* (шикорий) ўсимлик турлари ёки жамоалари ажратилади. Тупроқдаги ўсимликлар учун зарур бўлган кимёвий элементлардан азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингугурт, темир каби макроэлементлар ва мис, бор, рух, молибден каби микроэлементлар муҳим экологик аҳамиятга эга..

Ўсимликларнинг тупроқда бўладиган турли тузларга муносабати ҳам ҳил. Баъзи ўсимликлар карбонат тузлари кўп тупроқларда яхши ўсади ва улар *кальцефиллар* дейилади. Уларга салаблар туркуми, беда, Сибирь тилоғочи, қорақайн, шумтоллар, ветреница, чалов, тубулғи ва бошқалар киради. Баъзи ботқоқлик ёки кислотали муҳитга эга бўлган тупроқда ўсуви ўсимликлар кальций тузларини «ёқтирмайди» ва улар *кальцеофоблар* деб аталади. Торф моҳлари, отқулоқ, каштан, чой кабилар кальцефоб турлар ҳисобланади. Осон эрувчи тузларга бой бўлган тупроқларда ўсуви ўсимликлар *галофитлар* дейилади. Чўл ва чала чўл зоналаридаги кўпгина майдонлар шўрланган тупроқлар ҳисобланади. Бундай жойларда корашўра, қизил қуёнжун, боялиш, оқбоялиш, тўрғайчўп, қумбоқ, балиққўз, шўrbўта, кейреук ва бошқа ўсимлик турлари ўсади. Улар учун поя ёки баргнинг этли бўлиши, сув жамғарувчи тўқиманинг яхши ривожланганлиги, цитоплазманинг юқори концентрацияга чидамлилиги, юқори осмотик босим ҳосил қилиши, ортиқча тузларни маҳсус безлар ёрдамида ташкарига чиқариб юбориш каби мосланиш хусусиятлари ҳосдир. Қумли тупроқларда *псаммофитлар* деб аталган ўсимликларнинг экологик гуруҳи тарқалган. Псаммофит ўсимликларнинг барглари энсиз, каттиқ ёки одатда редукциялашган, мева ва уруғлари қумда ўрмалаб ёки шамол ёрдамида тарқалади ва шарсимон кўринишида бўлади. Тупроқнинг маълум кимёвий элементларга бойлигини кўрсатувчи ўсимликлар *индикатор* турлар дейилади. Масалан, плауц алюминийга бой тупроқларда, астрагал селенли, итқўнок руҳли, шувоқ, оддий қарағай ва маккажўхорилар олтинга бой бўлган тупроқларда ўсади.

**Сув муҳитидаги ҳаёт** Сайёрамиздаги барча тирик организмлар учун сув, тупрок, ҳаво асосий ҳаёт муҳити бўлиб ҳисобланади. Шулардан сув муҳит сифатида кўпчилик организмлар учун хизмат қиласди. Экологияда сув муҳитида яшовчи организмлар гидробионтлар деб аталади. Сув катламида тарқалган организмлар планктон экологик гурухга бирлашиб, тубида яшовчилар эса бентос экологик гурухни ташкил этади.

Сув ўзига хос хусусиятларга эга. Океанлардаги ҳаётни белгиловчи омилларнинг энг муҳими сувнинг босимиdir. Чуқурлик ортиши билан босим ҳам ортиб боради. Босимга кенг доирада мослашган эврибат турлар (денгиз типратиконлари, моллюскалар, креветкалар, қисқичбақалар) маълум. Гидробионтлар учун сувдаги эркин кислороднинг миқдори катта аҳамиятга эга. Чучук сувда 0°C да 10,2 м с<sup>3</sup>/л, 30°C да 5,5 см<sup>3</sup>/л, худди шу ҳажмдаги денгиз сувларida 8,0 ва 4,5 см<sup>3</sup>/л O<sub>2</sub> бўлади. Маълумотлар кўрсатиб турибдики, ҳароратнинг кўтарилиши билан кислороднинг миқдори камаяр экан, бу ўз навбатида илиқ сувларда яшовчи организмлар учун нафас олишда унинг танқислиги вужудга келишини билдиради.

Океанлардаги организмлар учун сувнинг шўрланиш даражаси ҳам катта аҳамиятга эга. Дунё океанларининг ўртача шўрланиш даражаси 35% ни ташкил этади. Денгиз сувида

яшовчи ҳайвонлар шўрланган сувга мослашган бўлиб, улар одатда гипотоник ёки гомеостатик хусусиятга, яъни доимий осмотик босимни таналарида сақлаб қолиш учун денгиз сувидан ичиб туради, ёки сувдаги тузларнинг миқдоридан қатъи назар, танаси доимий осмотик босимга эга бўлади. Шундай қилиб баъзи ҳайвонлар ортиқча сув ёки тузларни вакуолалар, жабралар ёки буйраклар ёрдамида чиқариб туради ёки хитин, мугуз қаватлари каби ҳимоя воситаларига эга бўлади. Денгиз сувларида оҳактош тузларининг бўлиши маҳсус турлар учун муҳим аҳамиятга эга. Унинг миқдори денгиз сувларида 3,6% ни ташкил этади. Оҳактош маржон рифлари, моллюскалар чиганоги ва диатом сувўтлари совутлари (панцирлари)нинг тузилишида иштирок этади. Кўпчилик пойкилоосмотик турлар танасида туз миқдори ортиб кетган вақтда анабиоз (тиним) ҳолатига ўтади (ковакичлилар, инфузориялар, коловраткалар, баъзи қисқичбақасимонлар ва бошқалар).

Дунё океанларида сувнинг ҳарорати ҳам организмлар учун муҳим омил ҳисобланади. Зонал ҳарорат тартиби барча океанлар учун характерлидир. Тропик зоналардаги йиллик ҳароратнинг амплитудаси 2°C- атрофида бўлса, ўртacha иқлими зоналарда 6—10°Cга боради. Шунинг учун тропик ва қутбдаги сувларда стенотерм турлар учрайди. Сувнинг ҳарорати чуқурлик ортиши билан пасаяди. Лекин маълум чуқурликдан бошлаб ҳарорат ўзгармас бўлиб қолади. Қутб атрофидаги океанларда паст ҳароратда муз қатлами ҳосил бўлади. Бундай шароитда яшовчи организмлар пагофиллар дейилади ва уларнинг ҳаёти муз устида ўтади (толенлар, оқ айиқ ва бошқалар). Океаннинг тубига қараб ёруғликнинг кучи ва таркиби ҳам ўзгариб боради. Сув одатда кўп миқдорда қизил нурларни ютиб қолади, кўк бинафша нурларни эса яхши ўтказади. Шунинг учун ҳам яшил ва қўнғир сувўтлари саёзроқ жойларда учраб, қизил сувўтлари 200 м гача бўлган чуқурликларда тарқалган. Ҳайвонларнинг ранглари ҳам чуқурликка боғлиқ равишда ўзгариб боради. Оқиш рангли ҳайвонлар юза қатламларда учраса, ғира-шира зоналарда қизил рангли ҳайвонлар кенг тарқалган. Океаннинг чуқур қатламларида яшовчи организмларда биолюминесценция ҳодисаси кузатилади.

**Океанларнинг экологик зоналари** Океанларда экологик шароитларнинг ўзгаришига қараб бир неча экологик зоналар ажратилади. Сув қатлами пелагаал, туби эса бентал зона деб аталади. Бентал зона ўз навбатида супралиторал, сублиторал, батиал ва абиссал кичик зоналарга бўлинib кетади. Одатда сув қатламида яшовчи организмлар тўрт гурухга: **нектон, планктон, плейстон ва нейстон** каби гурухларга бўлиб ўрганилади.

**Гидробионтларнинг баъзи бир мосланишлари** Сув муҳити ўзига хос табиий ва кимёвий хусусиятларга эга. Шунинг учун сувда яшовчи ҳайвонларнинг маҳсус мосланиш йўллари мавжуд. Масалан, сувли муҳитда мўлжал олиш, фильтрлаш йўли билан озиқланишига ўтиш ва қатор маҳсус мосланишлар вужудга келган. Маълумки, сувда товуш ҳаво муҳитига нисбатан тез тарқалади. Шунинг учун кўз ёрдамида мўлжал олишдан кўра гидробионтлар учун товуш ёрдамида мўлжал олиш афзалроқ ҳисобланади. Ҳайвонлар жуда нозик тўлқин узунликлари ўзгаришини ҳам сеза олади. Бунга мисол қилиб медузаларни олиш мумкин. Балиқлар, моллюскалар, қисқичбақасимонлар ва сутэмизувчилар товуш чиқариш орқали алоқада бўлади. Товушлар ўз навбатида тур ичидаги алоқа муносабатларини амалга оширишнинг муҳим йўлларидан биридир. Баъзи бир гидробионтлар озука топишда акс садодан яхши фойдаланадилар. Балиқлар орасида электр токи ишлаб чиқариш ва қабул қилиш хусусиятлари ҳам маълум. Сувнинг чуқурлигини билиб олишда газли вакуолалар (камералар) ёки статоцистлар катта аҳамиятга эга. Булардан ташқари хеморецепторларнинг нихоятда сезгирилиги ҳам муҳим. хусусиятлардан ҳисобланади. Фильтрлаш йўли билан озиқланиш ўтрок ҳолда ҳаёт кечиравчи пластинка жабрали моллюскалар, нинаоёқлилар, полихетлар, мшанкалар, ацидий ва планктон ҳолдаги қисичбақалар учун энг қулай ва осон йўлдир.

**Биотик омиллар.** Биотик муносабатлар ёки биотик омиллар дейилганда барча тирик организмларнинг яшаш жараёнида ўзаро бир-бирига нисбатан маълум муносабатда бўлиши ёки таъсир кўрсатиши тушунилади. Бу организмлар ўз ҳаёт жараёнлари давомида нормал яшаш, ҳаёт кечириш, урчиш, тарқалиш учун ташки муҳит билан ҳам маълум муносабатда

бўлади. Натижада организм ўсади, ривожланади, насл қолдиради ва ҳаётининг сўнгти босқичида ҳалок бўлади. Шундай қилиб, биотик омиллар қуидаги ҳолларда: 1) ўсимликларнинг ўсимликларга; 2) ҳайвонларга; 3) ҳайвонларнинг ўсимликларга; 4) ҳайвонларнинг ҳайвонларга; 5) микроорганизмларнинг ўсимлик ҳайвонларга 6) ўсимлик, ҳайвон микроорганизмларнинг ўзаро бир-бирига таъсирида яққол намоён бўлади.

Ўсимликларнинг ўсимликларга таъсири дейилганда бир турнинг иккинчи турга таъсири ёки бир турга киравчи индивидларнинг, популяцияларнинг бир-бирига кўрсатган таъсири тушунилади. Бундай таъсир натижасида улар ўсади, ривожланади, уруғмева (ёки спора) ҳосил қилиб, кенгроқ тарқалади. Демак, аввало ҳар бир ўсимлик яшаш учун курашади. Бундай кураш жараёнида ўсимликлар ҳаётида паразитлик (текинхўрлик), симбиозлик (ўзаро ҳамкорлик), нейтраллик каби муносабатлар вужудга келади.

Ўсимликларнинг ҳайвонларга таъсири баъзи заҳарли ўсимликлар ва ҳашаротхўр ўсимликлар мисолида яққол намоён бўлади. Таркибида заҳарли моддалар мавжуд бўлган ўсимликлар (заҳарли айкетовон, кампирчопон, киркбўғим, какра, бангидевона, мингдевона ва ҳоказолар) ҳамда 500 га яқин ўсимликлар (росянка, алдронанда, венерин пашшатуари, непентес, пузирчатка, сапрацения)нинг ҳайвонлар билад озиқланиши фанга маълум. Бундай ўсимликлар **ҳашаротхўр ўсимликлар** деб аталади. Улар асосан ботқоқли ерларда ўсуви ўсимликлардир. Ботқоқли ерларда азотли моддалар жуда кам бўлганлиги учун ҳашаротхўр ўсимликлар шу моддаларга бўлган эҳтиёжини ана шу ерларда яшовчи ҳашаротлар билан озиқланиш орқали кондиради. Албатта бунинг учун ҳашаротхўр ўсимликлар узоқ эволюция давомида маҳсус мосланишларга (ҳашаротларни тутиб ҳазм қилувчи) эгадирлар. Уларнинг тукларидан ферментлар (суюқлик) ажралади ва бу суюқликлар ҳашаротларни парчалаб, ҳазм бўлишига имкон беради. Шунингдек, айрим ҳайвонлар (каналар, термитлар, пашшалар, арилар ва ҳоказо) учун ўсимликлар ижара (ин куриш) учун ҳам мухим роль ўйнайди. Ҳайвонларнинг ўсимликларга таъсири одатда қуидаги ҳолларда намоён бўлади. Масалан, кўпгина ҳайвонлар ўсимликлар билан озиқланганда (тупроқ нематодлари, микрофитофаглар, макрофитофаглар) ўсимликларнинг спора, уруғ ва меваларининг тарқалишига таъсир кўрсатади. Баъзи зараркунандаларнинг ўсимликлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши кўпчиликка маълум. Масалан, карам капалаги, ғўза курти, мева, сабзавот экинлари, ўрмон дараҳтлари, донли экинлар зараркунандалари бунга яққол мисолидир.

Ҳайвонларнинг ҳайвонларга таъсирини йиртқич ва ўлжа ўртасидаги муносабатда аниқ кўриш мумкин. Шу ўринда ўлжанинг душмандан химояланишига интилишларини айтиш жоиздир. Бундай химоя актив ёки пассив кўринишларда намоён бўлади. Микроорганизмларнинг ўсимлик ва ҳайвонларга таъсири баъзи касаллик туғдирувчи микробларнинг (патоген бактериялар, вируслар ва паразит замбуруғлар) ўсимлик ва ҳайвонларда турли касалликларни келтириб чиқаришида кўринади. Ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларнинг ўзаро таъсири аввало уларнинг тупроқда биргалиқда яшшида сезилади. Натижада улар ўзаро мураккаб муносабатларда бўладилар. Бундай муносабат озука занжиридаги биотик муносабатларда яққол кўринади.

Тирик организмлар биргалиқда яшар экан уларнинг ўзаро турлича биотик алоқаларда бўлиши ҳам табиийдир. Бундай алоқалар натижасига кўра у ёки бу организм учун уларнинг фойдали ёки зарарли эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Агарда алоқалар икки организмдан бирига фойдали бўлса қўшув белгиси билан, аксинча, зарарли бўлса айирув белгиси билан, ҳар икки организм учун бефарқ бўлса ноль билан белгиланиб биотик алоқаларни қуидагича туркумлаш мумкин:

## 2- жадвал

### Биотик алоқаларнинг турлари

Биотик алоқаларнинг турлари	А организмга таъсир натижаси	Б организмга таъсир натижаси
Мутуализм	К	К
Комменсализм	К	0

Йиртқичлик	к	
Паразитизм	к	
Нейтраллизм	0	
Антибиоз	0	
Рақобат		

Жадвалдан күриниб турибдики, организмлар ўртасидаги алоқалар ҳар икки организм учун фойда келтирса **мутуалистик** муносабатлар келиб чиқади. Ҳар икки организм учун фойдали ҳисобланган бундай ўзаро муносабатлар симбиотик муносабатлар деб қаралади. Бундай алоқа турларига лишайниклар танасидаги сувұтлар билан замбуруғларни, дуккакли ўсимликлар илдизида яшовчи тугунак бактерияларни, гулли ўсимликлар билан замбуруғ гифаларининг биргаликдаги ҳәети кабиларни мисол қилиб күрсатиш мүмкін.

Ҳайвонот оламида эса моллюска чиғаноғи ичига кириб яшовчи қысқичбақа билан актинийни, чумолилар инига кириб яшовчи баъзи қўнғизларни, чумолилар билан ўсимлик битларини, тимсоҳ билан трохилус деб аталган қуш кабилар ўртасидаги алоқаларни мисол сифатида келтириб ўтиш мүмкін. Ҳайвонлар билан ўсимликлар ўртасида мутуалистик алоқага ҳайвонларнинг ўсимликларни чанглатишида иштирок этиши ва мева ҳамда ургуларни тарқатиши кабилар киради.

Организмлардан бири қандайдир фойда кўриб бу хол иккинчи организм учун унча зарар келтирмаса **комменсализм** туридаги алоқа келиб чиқади. Ўсимликларнинг эпифит ҳәёт кечириши, йирик сут эмизувчи ҳайвонлар томонидан маҳсус илашувчи ўсимталарга эга бўлган мева ва ургуларнинг тарқалиши, акулалар терисига ёпишиб олиб ундан қолган озука қолдиқлари билан озиқланиб ҳәёт кечиравчи прилипала балиғи, худди шунингдек балиқлар терисига ёпишиб яшовчи гидроид полиплар ва кўпчилик ҳайвон турлари ўртасидаги муносабатлар комменсализмнинг кўринишларидир. Организмлар ўртасида кенг тарқалган биотик муносабатларнинг муҳим тури йиртқичлик ҳисобланади. Бунда бир тур иккинчи бир турни йўқ қиласи, яъни еб кўяди. Йиртқичлик факат ҳайвонлар ўртасида кузатилиб қолмай, балки ўсимликларда ҳам содир бўлади. Бу ҳашаротхўр ўсимликлардан непентес, алдронанда, росянка ва бошқаларнинг ҳашаротларга бўлгав муносабатида яққол кўринади. Шунингдек, айрим замбуруғларнинг содда ҳайвонлар ва нематодларга бўлган муносабатларида намоён бўлади.

Бир тур (паразит) иккинчи организмдаги (хўжайин) озука моддалар ёки унинг тўқималари ҳисобига ҳәёт кечиради. Паразитнинг ташқи муҳит билан бўлга» алоқаси асосан хўжайин орқали амалга ошади. Паразит тур хўжайин организмнинг маҳсус муҳитида яшайди. Шунинг учун ҳам у, бир томондан, экологик фойдали бўлса, иккинчи томондан, тараққиёт даврини ўтказишида қийинчилик туғдиради. Паразитлар учун қулайлик унинг доимо мўл озука билан таъминланганлигидадир. Бу ўз навбатида тез ўсишга ва кўпайишга сабаб бўлади. Бундан ташқари паразит тур ташқи муҳитнинг ҳар қандай ноқулай таъсирларидан ҳимояланади. Ташқарига чиқиш тараққиётнинг маълум бир босқичига тўғри келади. Унда ҳам маҳсус мосланишларга эга бўлади. Паразит учун экологик ноқулайлик сифатида яшаш жойнинг чекланганлиги, кислород билан таъминланишининг мураккаблиги, бир хўжайниндан иккинчисига тарқалишнинг қийинлиги ҳамда хўжайнин организмнинг паразитдан ҳимояланувчи жавоб реакцияларини бериши кабиларни санаб ўтиш мүмкін.

Ўсимликлар орасида тўлиқ ва чала паразитлар ажратилади. Чирмовуқ ва шумғиялар тўлиқ паразитлар ҳисобланса, омела, погремок, очанкалар чала паразит, яъни ўзи мустақил ҳолда фотосинтез қила олади, аммо сув ва минерал моддаларни хўжайнин ўсимликтан олади. Паразитлар ўзига хос ва ўзига хос бўлмаган гурухларга ҳам ажратилади. Биринчisi битта хўжайнинг эга бўлади. Иккинчиси эса кўпгина турларни зарарлаши мүмкін. Одам аскаридаси ва шохкуя замбуруғлари ўзига хос паразитларга мисол бўлади. Паразитлар бир, икки ва кўп хўжайнли бўлади. Масалан, занг замбуруғи, безгакни кўзғатувчи плазмодийлар икки хўжайнли паразитлардир.

**Антропоген омиллар.** Антропоген омиллар ҳозирги вақтда табиатдаги энр кучли омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Инсон тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир

этиб ёка яшаш шароитини ўзгартириб унинг тарқалишига ёки қирилиб йўқ бўлишига сабабчи бўлиши мумкин. Инсон. камида 70 миллион йил давомида таркиб топган тирик дунё манзарасини бир неча ўн йилда ўзгартириб юборди. Унинг тирик организмларга салбий таъсири натижасида Ер юзида кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетди. Овчилик билан шуғулланиш дастлаб озуқага бўлган талабни қондириш мақсадида олиб борилган бўлса, кейинчалик кийим кечак ва ҳар хил қимматли материаллар олиш учун авж олиб кетди. Бу ўа навбатида кўпчилик ҳайвонларни йўқ қилиб юборди. Масалан, денгиз сигири 26 йил давомида бутунлай қирилиб кетди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Ахволнинг кескинлашганлиги ҳисобга олинган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш бирлашмаси томонидан «Қизил китоб» чоп этилди. Унга йўқолиш арафасидаги ёки ноёб турлар киритилган. Масалан, республикамизда ёввойи ҳайвонларнинг 99, паррандаларнинг 410, балиқларнинг 79 тури мавжуд бўлиб, улардан 32 ҳайвон, 31 парранда, 5 балиқ тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига киритилган. (Унинг биринчи нашрида 163 тур ўсимлик ноёб ва йўқолиб бораётган турлар сифатида кўрсатилган бўлса, кейинги тайёрланаётган нашрига 400 тур ўсимлик киритилиши кўзда тутилган. «Қизил китоб»ларнинг мақсади ҳавф ҳатар остида қолган кўпчилик ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолишдан иборатдир. Кўриқхона ва миллий боғларда ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш натижасида ҳам бир қанча турларнинг йўқолиш ҳавфи бартараф этилди. Инсоннинг онгли ёки онгсиз равишда ўсимлик ва ҳайвон турларини Ер шарининг бир жойидан иккинчи жойига олиб бориши баъзан флора ва фауна таркибини бирмунча ўзгартириб юборди. Инсон таъсири натижасида уйда яшовчи ҳайвонлар, уй сячқонлари, каламушлар, пашшалар, сувараклар, ўсимликлардан қокиёт, гумай, мачин, итузум, жағ-жағ, оқ шўра ва бошқалар жуда кевг тарқалган.

Инсон томонидан ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаш шароитлари ўзгартрилди. Натижада муайян жойда яшаётган ўсимлик ва ҳайвонлар жамоалари йўқ бўлиб ёки уларнинг шароити кескин ўзгариб кетди. Масалан, тоғ ўрмонларида дарахтларни кесиб ташлаш, шубҳасиз уларнинг остида яшаётган соясевар ўсимликларни яшаш имконидан маҳрум қилди. Бундан ташқари ҳаёти дарахтлар билан боғланган (озикланувчи, уя қурган) қушларнинг йўқолишига ҳам олиб келди. Худди шунингдек яшаш шароитларининг кескин ўзгариши (ерларни ҳайдаш, фойдали қазилмаларни ковлаб олиш, чиқиндиларни ташлаб қўйиш, ўтлоқзорларни ўриб ташлаш, у ерларда уй ҳайвонларини сурункасига боқиши кабилар) ушбу худудлар органик дунёсининг таркибини ўзгартриб, баъзи турлар учун кулай шароит вужудга келтиrsa, иккинчи бир турлар учун яшаш имкониятидан маҳрум . бўлишга олиб келди. Биз ҳозирги вақтда инсон томонидан кескин ўзгартририб юборилган сайёрада яшамоқдамиз. Йилдан-йилга табиий ҳолдаги ландшафтлар ва жамоалар эгаллаган майдонлар қисқариб кетмоқда ва уларнинг ўрнини инсон таъсиридаги ландшафтлар ва жамоалар эгалламоқда.

**Организмларнинг ҳаёт шакллари.** Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ташқи муҳитнинг асосий омилларига нисбатан морфологик мосланишлари ва ҳаёт кечириш тарзи организмларнинг ҳаёт шакллари дейилади. Организмларнинг узоқ тарихий ривожланиш жараёнида улар яшаб турган ташқи муҳитга мос равишида ҳар хил морфологик ва биологик мосланиш хусусиятлари келиб чиқсан. Бу ўз навбатида организмларда маълум ташқи қиёфани вужудга келтирган. Ўсимликларнинг ҳаёт шакли дейилганда (И.Г. Серебряков, 1962) маълум ташқи муҳит шароитида ўсимликлар гурухларининг ўсиш ва ривожланиш натижасида келиб чиқадиган умумий кўриниши (қиёфаси, габитуси) тушунилади. Ўсимликларнинг ҳаёт шаклига доир турли таснифлар ва тархлар мавжуд бўлиб, бундай таснифлаш Теофраст давридан бошланади. Даниялик ботаник К. Раункиер томонидан таклиф қилинган таснифлаш ўсимликларнинг янгиланиб турадиган органларининг, айникса, куртакнинг жойлашишига ва уларнинг қишининг нокулай шароитида қишлишига ёки қурғоқчиликдан ҳимояланишига асосланади. Ана шу белгига асосан Ер юзидаги барча гулли ўсимликларнинг ҳаёт шакллари етти турга бўлиб ўрганилади:

**1. Фанерофитлар** (фанерос— яққол кўриниб турувчи) дарахт ва буталар хисобланиб,

уларнинг қишилаб янгиланувчи куртаклари Ер юзидан анча баландда жойлашган ва қишида новдалари сақланиб қоладиган ўсимликлар.

**2.Хамефитлар** (хаме — паст, ер бағирловчи) майда бутачалар, чала бутачалар хисобланиб, уларнинг янгиланиш куртаклари Ер юзасидан унча баланд эмас, аммо тангачалар билан қопланган, қишида қор билан қопланади, новдалари сақланиб қолади.

**3.Гемикриптофитлар** (геми — ярим, криптос — яширин) кўп йиллик ўтсизмон ўсимликлар хисобланиб, уларнинг ер устки массаси қишида қуриб кетади, янгиланувчи куртаклари Ер сатҳи билан баробар жойлашган ҳамда қуриган новдалар билан ҳимояланган бўлади.

**4.Криптофитлар** кўп йиллик ўт ўсимликлар хисобланиб, уларнинг ер устки органлари қишида бутунлай қурийди, янгиланувчи куртаклари эса ер ости органлари тугунаклар, илдизпоялар ва пиёзбошларда сақланиб қолади.

**5.Терофитлар** бир йиллик ўсимликлар бўлиб, уларнинг ер устки ва ер ости органлари қишида қуриб қолади, фақатгина уруғларигина қишилаб чиқади.

**6.Гелофитлар** ботқоқлик ўсимликлари бўлиб, уларнинг куртаклари сув остида жойлашган, вегетатив органлари сувдан кўтарилиб туради.

**7.Гидрофитлар** гулли ўсимликлар бўлиб, куртаклари сув остида, вегетатив новдалари эса сувда жойлашган. К.Раункиер таснифида ҳаёт шаклларининг иқлим билан ўзаро боғлиқлигини тушунтиришга ҳаракат қиласи ва Ер шарининг турли зона ва районлари учун биологик спектр тузиб чиқади. Биологик спектр маълум бир худуддаги ўрганилаётган ўсимликлар жамоаларидаги ҳаёт шаклларининг фоиз нисбатларидир.

### 3- жадвал

#### Ер шарининг турли зоналаридаги ўсимликлар қопламиининг биологик спектрлари

Мамлакатлар ва вилоятлар	Текширилган турларнинг умумий сонига нисбатан % хисобида				
	фанеро-фитлар	хамефитлар	гемикриптофитлар	криптофитлар	терофитлар
<b>Тропик зона:</b> Сейшел ороллари	61	6	12	5	16
Ливия чўллари	12	21	20	5	42
<b>Ўртacha иқлимли зона:</b>					
Дания	7	3	50	22	18
Кострома вилояти	7	4	51	20	18
Польша	8	4	54	15	19
<b>Арктик зона:</b> Шпицберген	1	22	60	15	2

Ўсимликларнинг ҳаёт шаклларини таснифлашда Раункиер усулидан ташқари эколого-морфологик таснифлаш ҳам ҳозирги кунда кенг тарқалган. Эколого-морфологик таснифлаш мезонлари қуидагилар хисобланади:

1. Дараҳтсизон ўсимликлар; улар дараҳтлар, буталар ва бутачаларга бўлинади.
2. Ўтсизон ўсимликлар; кўп йиллик, икки йиллик,
3. Бир йиллик ўтларга ажралади.
4. Чала дараҳтсизон ўсимликлар, яъни оралиқ гурухни ташкил этиб, бунга чала бута ва чала бутачалар киради.

Юқоридаги мезонларнинг кейинги бўлиниши ўсимликларнинг ҳар хил белгиларига асосланган. Масалан, новданинг ўсиш характеристига ва йўналишига кўра (тик ўсуви, ёилиб ўсуви, ўрмалаб ўсуви, дараҳтлар, буталар ва ўт ўсимликлар: дараҳтсизон ва ўтсизон лианалар), озиқланиш усулига кўра (автотроф, симбиотроф ва чала паразит, паразит, ҳашаротхўр ўсимликлар, ер ости органларига қараб илдизпояли, тугунакли, пиёзбошли,

каудексли, кўп йиллик ўт ўсимликлар, бутачалар кабилар). Ҳайвонот дунёсида ҳаёт шаклларини таснифлашда ташқи муҳитнинг умумий хусусиятларидан ташқари айни шу муҳитдаги ҳаракатланиш имкониятлари ҳамда озуканинг характеристи муҳим аҳамиятга эга. Рус экологларидан Д.Н.Кашкаров таснифлашга кўра ҳайвонларнинг қуидаги ҳаёт шаклларини ажратади:

**I. Совуққонли (пойкилотерм) ҳайвонлар** — йил бўйи фаол, қисман фаоллигини тўхтатадиган, ёзги уйкуга кетадиган ва қишки уйқуни ўтказадиган ҳайвонлар.

**II. Иссик қонли (гомойотерм) ҳайвонлар**—1) ўтроқ ҳаёт кечиравчилар: йил бўйи фаол, қисман фаоллиги тўхтайдиган, ёзги уйкуга кетадиган, қишки уйқуга кетадиган; 2) мавсумий ҳаёт кечиравчилар: уя қурувчилар, қишлоғчилар, ёзгилар, кўчиб юрувчилар.

Турли муҳитларда ҳаракатланиш хусусиятларига кўра қуидагича ҳаёт шакллари ажратилади:

**I. Сузувчи ҳайвонлар:** 1. Сувда яшовчилар: нектонлар, планктонлар, бентослар; 2. Сувда ва қуруқликда яшовчилар: шўнғиб юрувчилар, шўнғимайдиганлар, фақат сувдан озуқа топадиганлар.

**II. Ковловчилар:** бутунлай ер ковловчилар (ҳаёти тупроқ остида ўтадиганлар), нисбатан ер ковловчилар, (ҳаётида тупроқ юзасига чиқадиганлар).

**III. Қуруқликда яшовчи ҳайвонлар:** 1) уя курмайдиганлар: югурувчилар, сакровчилар, ўрмаловчилар (судралувчилар); 2) уя қурадиганлар: югурувчилар, сакровчилар; 3) ўрмаловчилар (судралувчилар); 4) қояларда ҳаёт кечиравчи ҳайвонлар.

**IV. Дараҳтларга тирмасиб чиқувчилар:** дараҳтлар билан чиқишмайдиганлар, фақат дараҳтга тирмасиб чиқувчилар.

**V. Ҳаво муҳитидаги шакллар:** ҳавода озуқа топувчилар, ҳавода кузатиб туриб озуқа топадиганлар.

Тупроқда яшовчи майда ҳайвонларнинг ҳаёт шаклларини ажратишда тупроқ қатламишининг табиий-кимёвий хусусиятлари катта роль ўйнайди. Чигирткасимонлар орасида дараҳт ва буталарда яшовчи **тамнобионтлар**, ўт ўсимликлар ярусида яшовчи **хортобионтлар**, тупроқдаги органик қолдиқларда яшовчи **гернетобионтлар**, тош-шағалли жойларда яшовчи **петробионтлар**, очик жойларда яшовчи **эремобионтлар**, қумларда яшовчи **псаммобионтлар** каби ҳаёт шакллари ажратилади:

#### **Назорат учун саволлар**

1. Экологик омиллар нима?
2. Экологик омиллар қандай групкаларга ажратиладт?
3. Ёруғсевар (гелиофит) ўсимликлар нима?
4. Ўсимларнинг намлиқка мосланишини тушунтиргн?
5. Организмларнинг ҳаётий шаклларига мисоллар келтиринг?
6. Совуққонли ва совуқ қонли ҳайвонларни тушунтиринг?

#### **Таяинч иборалар**

Фанерофитлар, хамефитлар, гемикриптофитлар, криптофитлар, гидатофитлар, гидрофитлар, гигрофитлар, мезофитлар, ксерофитлар, абиотик омиллар, ё руғли ик.

### **МАВЗУ-4. БИОСФЕРА**

**•Биосфера тушунчаси, унинг ҷегаралари, маркибий қисми ва функциялари.**

**•Биосферада биомассанинг марқалиши, моддаларнинг, энергиянинг даврий айланини моҳияти ва аҳамияти. •Инсоннинг биосферага кўрсатадиган таъсирлари.**

**Биосфера (юнонча биос - ҳаёт, сфера - шар сўзларидан олинган)** тушунчаси фанга биринчи марта Австралиялик биолог олим Э.Зюус томонидан тирик организмлар яшайдиган ер қобиги белгилаш мақсадида киритилган. Биосфера ҳақидаги таълимотнинг рус академиги В.И.Вернадский яратган ва ривожлантирган. Биосфера тирик организмлар яшайдиган ва

уларнинг таъсирида тинмай ўзгарадиган ер шари қобигининг бир қисмидир. Ердаги ҳамма биогеоценозларнинг йифиндиси умумий экологик система - биосферанинг хосил қиласи. Шундай қилиб, биосферанинг элементар бирлиги биогеоценозлар хисобланади.

Биосфера тирик ва ўлик қисмлардан иборат. Сайёрамизда яшайдиган ҳамма тирик организмларнинг йифиндиси биосферанинг тирик моддасининг ташкил этади. Тирик организмлар, асосан ернинг газсимон (атмосфера), суюқ (гидрофера), қаттиқ (литосфера), биологик қобиқларида жойлашган. Кейинги маълумотларга қараганда биосферанинг юқори чегараси денгиз сатхидан 22 км баландликда атмосферанинг қуи қатлами тропосфера да жойлашган. Бу чегара қуёш нурлари энергияси таъсирида кислород озонга айланади ва озон экрани хосил бўлади. Озон экрани кўп миқдорда тирик организмларга заарли таъсир кўрсатувчи космик ва ултрабинафша нурларининг асосий қисмини ер юзасига ўтказмайди. Биосферанинг энг юқори чегарасида нокулай шароитда ўта чидамли бактериялар споралар учрайди. Гидросферанинг океанлар, денгизлар, кўллар ва дарёларнинг сувлари хосил қиласи. Гидросфера ер шарининг 70% га яқин қисмини эгаллади.

Ҳаёт гидросферанинг ҳамма қисмida, ҳатто энг чукур -11 км.гача бўлган жойларида ҳам учрайди. Ҳаёт ернинг қаттиқ қобиғи литосферанинг юқори қатламларида, 3-4 км чукурликда бўлган масофагача таркалган. Биосферанинг қуи чегараси океанларнинг энг чукур жойларига ва литосфера да нефть бор бўлган, анаэроб бактериялар яшайдиган қисмларига тарқалган. Биосферанинг ўлик таркиби атмосферанинг, гидросферанинг ва литосферанинг моддалар ва энергия алмашинуви жараёнида қатнашувчи қисмлари киради.

Сайёрада ҳаёт чегаралари биосферанинг чегараларини аниқлайди. Биосфера - ернинг тирик организмлар яшайдиган географик қобиқларнинг бир қисмидир.

Биосферанинг ўзига хослиги организмлар фаолият томонидан идора қилувчи моддаларнинг даврий айланишидир. Биосфера энергияни ташқаридан - қуёшдан олгани учун очиқ система хисобланади. Тирик организмлар моддалар даврий айланишини идора қилиб, сайёранинг юзасини ўзгартирувчи кучли геологик омил хисобланади.

**Тирик модданинг функциялари.** Тирик модданинг қуидаги асосий биокимёвий функциялари мавжуд:

1. Газ алмашиниши.
2. Оксидланиш ва қайтарилаш.
3. Концентрациялаш, жамғариш.
4. Биокимёвий.

**Газ алмашиниши** функциясини фотосинтез ва нафас олиш жараёнига боғлиқ. Афтотроф организмларнинг органик моддаларни синтезлаш жараёнида қадимги атмосфера таркибидаги корбонад ангидрид кўп миқдорда сарфланади. Яшил ўсимликлар тобора кўпайиб бориши билан атмосферанинг газ таркиби ҳам ўзгара боради. Карбонад ангидрид миқдори камайиб - кислород эса орта боради. Атмосфера таркибидаги кислороднинг ҳаммаси тирик организмлар фаолияти натижасида хосил бўлади. Нафас олиш жараёнида кислород сарфланиб, карбонад ангидрид хосил бўлади ва яна атмосферага чиқарилади. Шундай қилиб, тирик организмларнинг фаолияти натижасида хосил бўлган атмосфера хозирги даврда ҳам уларининг фаолияти туфайли сақланиб туради.

**Концентрациялаш функцияси** - тирик организмлар томонидан атроф муҳитга тарқалган кимёвий элементларнинг тўпланишидир. Масалан: ўсимликлар фотосинтез жараёнида кимёвий элементларни тупрокдан калий, фосфор, азот, водород ва бошқаларни, ҳаводан углерод олиб хужайранинг органик моддалари таркиби киради, жамғараш функциялари туфайли тирик организмлар кўп миқдорда чўкма жинсларнинг, масалан: бор, оҳак жинслари хосил килинади.

**Оксидланиш-қайтарилиш функцияси** - ўзгарувчан валентликка эга бўлган кимёвий элементларнинг темир, олтингугурт, марганец, азот ва бошқаларнинг айланиши таъминлайди. Масалан, тупроқдаги хемосинтезловчи бактериялар ана шу жараёнинг амалга оширади. Шунинг натижасида  $H_2S$  ва темир рудасининг баъзи турлари хар-хил азот оксидлари хосил бўлади.

**Биокимевий функциялар** тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти давомида ва уларнинг ўлимидан кейин биокимиевий жараёнларни таъминлайди. Биокимевий функция организмларнинг озиқланиши ва нафас олиши кўпайиши ўлган организмларнинг парчаланиши чириши билан боғликдир.

Биомасса қуруқлик юзаси ва океан биомассаси. Биосферадаги тирик моддаларнинг умумий массаси биомасса дейилади. Ҳозирги даврда ерда яшайдиган ўсимликларнинг 500 минга якин тури, ҳайвонларнинг эса 1.5 млн.га якин тури аниқланган. Шуларнинг 93% қуруклика 7% эса сувда яшайди.

**Куруқлик биомасаси.** Куруқлик юзасининг турли қисмларида биомассанинг микдори бир хил эмас. Қутблардан экваторгача биомасса микдори ва организмлар турларининг сони тобора ортиб боради. Айникса, тропик ўрмонларда ўсимликлар турлари жуда кўп бўлади, зич ва бир нечта ярусларда ўсади. Ҳайвонлар хам ҳар-хил ярусларда жойлашади. Экватор биогеоценозларида ҳаёт зичлиги жуда юқори бўлади. Организмлар ўртасида яшаш жойи, озиқ-овқат, ёруғлик, кислород учун кучли рақобат кузатилади. Қутбларда бунинг аксини кўрамиз. Одамнинг таъсирида биомасса хосил бўладиган майдонлар кескин ўзгариши мумкин. Шунинг учун хам саноат ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида табиий ресурслардан окилона фойдаланиш зарур. Куруқлик юзасининг асосий қисмини тупрок биогеоценозлари эгаллайди. Тупрокнинг хосил булиши жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг таркиб топишида тоғ жинслари бирламчи аҳамиятга эга. Тоғ жинсларига микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг таъсирида ернинг тупрок қатлами аста секин шаклланади. Организмлар ўзининг таркибида биоген элементларини тўплайди. Ўсимлик ва ҳайвонлар ўлганидан, парчаланганидан кейин улардаги элементлар тупрок таркибига ўтиб, биоген элементлар тўпланиб боради. Шунингдек, охиригача парчаланиб улгурмаган моддалар хам тупрокда тўпланади.

Тупроқда тирик организмлар хам зич жойлашган. Масалан, 1 тонна қора тупроқда микроорганизмларнинг сони 25·10 га этиши мумкин. 1 га тупроқда 2,5 миллионга якин ёмғир чувалчанги яшави мумкинлиги аниқланган, ҳаво таркибидаш кислород ўсимликларга ютилади ва кимёвий бирикмалар таркибига киради. Азот эса айрим бактериялар томонидан узлаштирилади. Кундузи тупроқ қизиганда ундан карбонат ангидрид водород сульфит, аммиак ажралади. Шундай килиб, тупроқ биоген усулида хосил бўлади. У органик ва органик моддаларда ҳамда тирик организмлардан ташкил топади. Биосферадан ташқарида тупроқнинг хосил бўлиши мумкин эмас. Тупроқ тирик организмларнинг яшаш мухити бўлиб, ундан ўсимликлар озиқ моддалар билан сувни олади. Тупроқда кечадиган жараёнлар моддаларни биосферада айланишини таркибий қисмини ташкил этади. Одамнинг хўжалик фаолияти кўпинча тупроқ таркибий ҳолати, Ўзгаришига, ундаги микроорганизмларнинг нобуд бўлишига олиб келди. Шунинг учун хам тупроқдан окилона фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқариш зарурдир.

**Океан биомассаси.** Сув биоскеранинг мухим таркибий қисмларидан бўлиб, тирик организмларнинг яшави учун энг зарур омиллардан бири хисобланади. Сувнинг океан денгизларда. Океан ва денгиз суви таркибига 60 га якин кимёвий элементлардан иборат бўлган минерал тузлар киради. Организмлар хаёти учун жуда зарур бўлган кислород ва карбонод ангидрид газлари сувда яхши эрийди. Сувдаги ҳайвонлар нафас олиш жараённида карбонад ангидрид ажратади. Ўсимликлар фотосинтези натижасида эса сув кислород билан бойитилади.

Океан сувларининг 100 м.гача бўлган юқори қатламида бир хужайранинг сув ўтлари жуда кўп бўлиб, улар микропланктонни (юононча планктос-саер, кўчиб юрувчи деган сўздан олинган) хосил килади. Сайёрамиздаги фотосинтез жараёнининг 30% га яқини сувда кечади. Сув ўтлари қуеш энергиясини қабул килиб, уни кимёвий реакциялар энергиясига айлантиради. Сувда яшайдиган ҳайвонларнинг озиқланишида планктон асосий аҳамиятга эгадир. Сувнинг тубига ёпишиб ҳаёт кечирадиган организмлар бентос деб аталади (юонон-чабентос - чќкурдаги деган сўздан олинган). Океаннинг тубида жуда кўп бактериялар мавжуд бўлиб, улар органик моддаларнинг анорганик моддаларга айлантиради. Гидросфера

ҳам биосферага кучли таъсир кўрсатади. Гидросфера сайёрада иссиқлик ва намликнинг тақсимланишида, моддалар айланишида муҳим рол ўйнайди.

**2. Биосферанинг энг асосий функцияларидан бири кимёвий элементларнинг даврий алманишини таъминлашдир.** Биосферадаги биотик айланиш ерда ҳаёт кечирадиган хамма тирик организмларнинг иштирокидаги кечади. Кимёвий элементларнинг бир бирикмадан иккинчисига, ер қобиги таркибидан тирик организмларга, кейин эса уларнинг анорганик бирикмаларига ва кимёвий элементларга парчаланиб, яна ер қобиги таркибига ўтиш моддалар ва энергиянинг даврий айланиши дейилади. Бир йил давомида ерга тушадиган қуёш энергияси  $10,5 \cdot 10^{20}$  кл жоулни ташкил этади. Бу энергиянинг 42% ердан коинотга қайтади. 58% эса атмосферага ва тупроққа ютилади. Бунинг 20% ер ўзидан қайтариб туради. Ерга ютилган қуеш энергиясининг 10% сув ва тупроқдан сувни буғлантириш учун сарфланади. Ҳар бир минутда 1 млрд тоннага яқин сув ер юзидан буғланниб туради. Сув ҳавзалари билан куруклик ўртасида сувнинг тинмасдан айланиб туриши ердаги ҳаётни таъминловчи ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг жонсиз табиатга муносабатини таъминловчи асосий омилларидан бири эди. Ердаги етиб келадиган қуёш энергиясининг 0,1-0,2 % дан яшил ўсимликлар фотосинтез жараёнини амалга оширишда фойдаланилади. Бу энергия сувни ер юзасини иситишга сарф бўладиган энергияга нисбатан жуда кам бўладиган бўлса, ҳам кимёвий элементларни айланиши таъминлашда жуда катга роль ўйнайди.

Азот энг муҳим элементлардан биридир. У оқсиллар ва нуклеин кислоталарнинг таркибига киради. Азот атмосферадан яшин пайтида азот ва кислороднинг бирикб азот 4 оксиди хосил қилиши натижасида ўзлаштирилади. Аммо азотнинг асосий массаси сувга ва тупроққа тирик организмларнинг ҳаво таркибидаги азотни фиксациаланиши натижасида ўтади.

Сувда ва тупроқда азот фиксациаловчи бактериялар ва сув ўтлари яшайди. Бу бактерия ва сув ўтлари ўлиб минералланиши натижасида улар тупроқни азот билан бойитади, шунинг натижасида ҳар бир га тупрокка 1 йилда 25 кг яқин азот утади. Азотнингэнг самарали фиксациаланувчи дуккакли ўсимликлар илдизларида ҳаёт кечиравчи тугунак бактериялари хисобланади. Ўсимлик оқсиллари ҳайвонлар учун асосий азот манбаи хисобланади. Нитратларнинг бир қисми эса айрим бактериялар томонидан элементар азотгача қайтарилиб атмосферага чиқарилади. Бу жараённи демитрификация дейилади. Шундай қилиб, жонли (биотик) ва жонсиз (абиотик) табиатнинг ўзаро муносабати натижасида анорганик материя тирик организмларга ўтиб, яна ўзгариб қайтадан абиотик холатга ўтади.

**Биоген миграцияда қатнашувчи организмларда 3 та катта гурухга ажратиш мумкин:**

**1. Продуцентлар** - ўлик моддалардан тирик моддаларни хосил килувчилар. Булар, асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир.

**2. Консументлар** - ёки истемол килувчилар. Продуцентлар хосил қилган органик моддаларнинг истемол қиласи. Уларга ҳайвонлар, паразит ўсимлик ва микроорганизмлар киради.

**3. Редуцентлар** - органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги холатга қайтарувчилар. Уларга бактериялар, замбуруглар, сапрофид ўсимликлар киради. Ифодали қилиб айтганда, ҳаёт эстафетасини яшил ўсимликлар бошлаб ҳайвонларга узатади. Уни бактериялар маррага олиб боради. Яна кайтадан яшил ўсимликларга узатади. Янги халқа бошланиб бу эстафета тинмасдан давом этаверади.

**Биосферанинг эволюциясини 3 та асосий босқичга ажратиш мумкин.**

**1. Биотик босқич** айланишига эга бўлган бирламчи биосферанинг хосил бўлиши. Бу босқич тахминан 3 миллиард йиллар олдин бошланиб палеозой эрасининг кембрый даврида тугалланади.

**2. 2-босқичда кўп хужайрали** организмлар пайдо бўлиб ривожланади ва биосферанинг эволюцияси янада давом этади. Бу давр 0,5 миллиард йиллар олдин кембрый даврида бошланиб, хозирги замон одамлар пайдо бўлиши билан тугалланади.

**Биогенез босқичи.** Ерда биосфера 1-тирик организмлар билан бир вактда пайдо бўлди. Шу вактдан бошлаб, тирик организмлар эволюцияси билан бирга биосфера хам Ўзгара боради. 1-пайдо бўлган тирик организмлар бир хужайрали гетеротроф анаэроблар эди. Улар тахминан 3 миллиард йил олдин пайдо бўлган, энергияни бижғиши жараёнларидан олган. Улар абиоген хосил булган тайёр органик моддалар билан озукланиб биомассани тўплаб борган. Эндиғина пайдо бўлган биосферада органик моддалар етишмас, бирламчи организмлар тез кўпая олмас эди. Табиий танлаш натижасида анорганик моддалардан органик моддаларни мустақил синтезлай оладиган автотроф организмлар келиб чиқкан. Биринчи хемосинтезловчи бактериялар, фотосинтезловчи ва кўк яшил сув ўтлари пайдо бўлган. 1-фотозинтезловчи организмлар карбонад ангидридни ютиб, кислород ажратиб чиқариб атмосферанинг таркибини ўзгартирган. Натижада атмосферада карбонат ангидрид микдори камайиб кислороднинг микдори тобора кўпайиб борган. Атмосферанинг юқори қатламида кислород озон экранини хосил қилган. Озон экрани эса ер юзидағи тирик организмларнинг қуёшнинг ультрабинафша нурлари ва космик нурларнинг халокатли таъсиридан химоя қилган.

**Ноогенез босқичи.** Инсоният жамиятининг пайдо бўлиши билан биосферанинг ноогенез даври бошланди. Бу даврда биосферанинг эволюцияси инсоннинг онгли меҳнат фаолияти таъсирида давом этади. Ноосфера тушунчаси 1927 йилда француз олимни Э.Леруа томонидан киритилган (юононча-"нооз" - акл, "сфера" - шар сўзларидан олинган). В.И.Вернадскийнинг таъбирига кўра ноосфера инсон меҳнати ва илмий фаолияти таъсирида ўзгарган биосферадир. Одамнинг пайдо бўлиши биосферанинг кучли ўзгаришларига сабаб бўлди. Фаннинг, техниканинг ва саноатнинг жуда тез ривожланиши элементларнинг биоген миграциясини тезлаштириб юборди. Бутун тарих давомида инсоният ўз меҳиат фаолияти билан атроф муҳитдан иложи борича кўпроқ ва тез фойда олишга харакат килиб келди. У табиат ходисаларига инсоннинг аралашishi кейинчалик қандай натижаларига олиб келиши хакида ўйлаб хам кўрмади. Инсон ўз мавжудлигининг энг дастлабки босқичларидан бошлабоқ ҳайвонлар айrim турларининг йўқолиб кетишига (озикланиш учун керагидан хам ортиқча микдорда) сабаб бўлган. Тош асрида ятаган одамлар мамонтлар каби йирик сут эмизувчиларни йўқолиб кетишига сабаб булган. Инсон хам биосферанинг таркибий қисмидир. Ўзи учун керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини инсон биосферадан олади, биосферага эса факат саноат чиқиндиларини ажратиб чиқаради. Узоқ вактлар давомида одам фаолияти биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келмаган, чунки инсон томонидан олишган табиий маҳсулотлар яна биосферага кайтарилади. Аммо кейинги асрда инсоннинг биосферага кўрсатадиган таъсири жуда кучайиб кетди ва ўткир муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Табиий ресурслар тобора камайиб кетмоқда. Кўплаб ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари йўқолиб кетди. Муҳит, саноат, турмуш чиқиндилари, захарли кимёвий моддалар томонидан ифлосланмокда ва захарланмокда.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида халқаро "БИОСФЕРА ВА ИНСОН" дастури (инглизча **Менд енд** биосфера - қискача MAB) қабул қилинган. Бу программа доирасида Ўзбекистон республикасида хам алоҳида дастур тузилган. "биосфера ва инсон" дастури атроф муҳитнинг холатини ва инсоннинг биосферага таъсирини ўрганади. Бу дастурнинг асосий вазифаси хозирги даврдаги инсон хўжалик фаолиятининг келажакда қандай оқибатпарга олиб келиши мумкинлигини аниқлаш, биосфера бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишидир. Табиат ёдгорликлари, илмий тарихий, маданий ва эстетик ахамиятга эга бўлган табиий обьектлардир. Буларга шаршаралар, гейзерлар, ғорлар каби ўлик обьектлар, қари дарахглар, ёдгорликлар, ҳиёбонлар, табиий музейлар киради. Бундай ёдгорликларга ясная полянадаги эман дарахти, ашхабоддаги "етти оға-ини" чинори каби табиатнинг нодир бойликларини киритиш мумкин. Табиат томонидан яратилган бойликларни асраш ва кўпайтириш биосферани муҳофаза қилиш умумий масала эканлигини ҳар бир ўқувчи ҳозирдан яхши тушуниб олмоги зарур. Биосферани осонлик билан бузиш мумкин, лекин уни қайта тиклаш жуда қийин. Ҳар бир

инсон табиат яратган бойликларни келажак авлодларга хам қолдиришни муқаддас вазифа эканлигини яхши англаб олмоғи зарур.

### **Назорат учун саволлар**

1. Биосфера сўзининг моҳияти ва мазмунини тушунтиринг?
2. Биосферининг асосий вазифасини изоҳланг?
3. Биосферада модда ва энергия алмашинувини тушунтиринг?
4. Биосферега антропоген таъсир динамикасини тушунтиринг?
5. Биосферанинг эволюция босқичларини тушунтиринг?
6. Ноосферани тушунтиринг?

### **Таянч иборалар**

Биосфера, атмосфера, литосфера, гидросфера, продуцентлар, консументлар, редуцентлар, биосфера эволюцияси, антропоген таъсир, ноосфера, «Биосфера ва инсон» дастури.

## **МАВЗУ-5. ПОПУЛЯЦИЯЛАР ЭКОЛОГИЯСИ**

**•Популяциялар ҳақида тушунча. •Популяциянинг асосий қўрсаткичлари.**  
**•Турнинг популяцион тузилмаси. •Ҳайвонлар популяциясининг этологик (хулқий) ҳатти-ҳаракат тузилмаси. •Популяциянинг динамикаси.**

Популяция (лотинча *populus* — сўзидан олинган бўлиб, халқ, аҳоли деган маъноларни билдиради) атамйиси XVIII асрнинг охирларидан бошлаб то 40—50- йилларга қадар биология фанида ҳар қандай индивидлар йиғиндиси сифатида қўлланилиб келинди. Экологик нуқтаи назардан эса популяция деб узоқ муддат давомида муайян бир жойда яшайдиган (ёки ўсадиган) ва бир турга мансуб бўлган индивидлар йиғиндисига айтилади.

Бир популяцияга мансуб индивидлар шу турнинг бошқа популяция индивидларига нисбатан бир-бири билан эркин ва осон чатишади. Популяциянинг асосий хусусияти унинг генетик бирлигидир. Популяциянинг мухим хусусиятларидан яна бири ўзини сон жихатидан идора этишидир. Айни шароитда оптималь сонда индивидларнинг сақлаб турилиши популяциянинг **гомеостази** дейилади. Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, популяция гуруҳли бирлашма ҳисобланиб, индивидлар ўртасида ўзаро алоқалар бўлиши билан бирга, яшаб турган жойлари билан ҳам алоқалар мавжуддир. Гуруҳли ҳаёт тарзи популяция учун ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Бундай хусусиятлар қўйидагилардан иборат: **1. Популяциянинг сони; 2. Зичлиги; 3. Тугилиши; 4. Ўлиши; 5. Популяциянинг ўсиши; 6. Ўсиши суръати.**

Индивидларнинг маълум худудда тарқалиши, жинс ва ёш нисбатлари, морфологик, физиологик, хулқий ва генетик хусусиятлари популяциянинг тузилмасини ифодалайди. Популяциядаги индивидлар бир-биридан ёши, жинси билан ўзаро чатишадиган ҳар хил авлодларга, ҳаёт циклининг турли фазаларига, бекарор гурухчаларга (пода, колония, оила ва ҳоказоларга) мансублиги билан фарқ қиласи. Популяциядаги индивидлар сони ҳар хил турлар орасидагина эмас, балки бир тур ичida хам ҳар хил бўлади.

**Турнинг популяцион тузилмаси.** Ҳар қандай тур популяциялар тизимидан таркиб топади. Унинг тузилмасини эса индивидларнинг ҳаракатланиши ёки маълум худудга боғлиқлик даражаси, табиий тўсиқларни енгигб ўта олиши каби биологик хусусиятлари белгилаб беради. У доимий эмас. Организмнинг ўсиши, туғилиш, ўлиш ва бошқа кўпгина сабабларга қўра, яъни ташқи мухитнинг ўзгариши, душманлар сонининг ўзгариши каби қатор омилларга боғлиқ ҳолда популяциялар ичida ўзгариш вужудга келади.

**Популяциянинг жинс тузилмаси.** Популяциянинг жинс тузилмаси турли ёшдаги

гурӯҳлардаги эркак ва урғочи индивидларнинг сон жиҳатдан нисбатидир. Популяциядаги жинслар нисбати, биринчидан, жинсий хромасомаларнинг қўшилиши билан, яъни генетик қонуниятларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, маълум даражада ташқи мухитга ҳам таъсир этиши мумкин. Популяциянинг эволюцияси учун урғочи организмларнинг сони мухим аҳамиятга эга. Масалан, одамлар популяциясининг потенциал ўсиши ўсмир ва қарияларга нисбатан 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёллар хисобига тўғри келади. Популяциядаги индивидларнинг нобуд бўлиши, жинслар нисбати амалий аҳамиятга ҳам эга. Бу ҳол кўпроқ сутэмизувчи ҳайвонлар учун тегишлидир.

**Популяциянинг ёш тузилмаси.** Популяциянинг ёш тузилмаси қайта тикланишнинг жадаллиги, нобуд бўлиш даражаси ва насллар галланишининг тезлиги каби мухим жараёнларни ифодалайди. У аниқ шароитга қараб ҳар бир популяция учун турнинг генетик хусусиятига боғлиқ бўлади. Ёш тузилмаси ҳар хил усуулларда ифодаланади.

**Ўсимликлар популяциясининг ёш тузилмаси.** Фитоценоздаги муайян турларнинг, ҳар хил ҳолатлардаги индивидларнинг йифиндиси ценопопуляция тупроқда (ёки уннинг юзасида) ўз ҳаётчанлигиня йўқотмаган уруғлар, ниҳоллар ва ҳар хил ёшдаги индивидлар киради. Ценопопуляциянинг таркибига баъзан ўт ўсимликларнинг иккиласми тиним ҳолатдаги ер ости органлари — илдизпоя, пиёзбош, тугунак кабилар ҳам киради. Шундай қилиб, жамоанинг турлар таркиби — ценопопуляциялар йифиндисидир. Турларнинг ўзи эса популяциялар тизимидан иборатдир. Жамоада ҳар бир турнинг ценопопуляцияси майдон бирлигига тўғри келадиган сони ва ёшларнинг нисбатлари билан фарқланиши мумкин. Т. А. Работнов ўсимликлар жамоасидаги ўсимликларнинг ҳаётини қўйидаги асосий ёш даврларига ажратади:

**а) Латент даври.** Бунда ўсимлик спора, уруғ ёки мевалар ҳолида тиним даврида учрайди. Тиним даври ҳар хил ўсимликларда турлича давом этади. Масалан, теракнинг уруғи ҳаётчанлигини 3—4 кундан то 3 хафтагача сақлай олади, баъзи бир бегона ўт ўсимликлар зса уруғининг ҳаётчанлигини бир неча ўн йиллаб сақлай олади. Тупроқда турли ўсимликларнинг кўп сондаги уруғларини топиш мумкин. Улар қулай шароит вужудга келганда униб чиқиш хусусиятларига эгадир. Шу билан бирга ҳар йили янги уруғлар тупроқка тушиб туради.

**б) Виргил даври.** Бу давр ўз навбатида ниҳол, ёш ўсимлик ва вояга етган ҳолатларда кўриниб, ниҳоллар ёш ўсимликлардан уруғ, палла баргларининг бўлиши билан фарқланади.

**в) Генератив давр.** Ўсимлик ҳаётида споралар ёки уруғлар билан кўпайишнинг бошланиши билан тавсифланади.

**г) Сенил (қариллик) даври.** Ўсимликнинг ёши улғайиши билан генератив кўпайиш хусусиятини йўқотади, ана шунда сенил даври бошланади.

Популяция таркибида ўсимликнинг ҳар хил даврлари учратилиб шу турнинг жамоадан турғун сақланиб қолиш ҳолатини белгилайди ва унинг нормал ҳаёт кечираётганидан далолат беради. Т.А.Работнов маълумотларига кўра инвазион, нормал ва регрессив турлардаги популяциялар ажратилади. Инвазион типдаги популяция дейилганда ўсимликлар жамоасига эндингина кириб келаётган популяциялар тушунилиб, уни ниҳоллар, ёш ўсимлик ҳамда вояга етган ҳолда учратиш мумкин. Бундай популяциянинг уруғлари фитоценозга ташқаридан келиб қолиб, жамоада энг мухим ўринни эгаллаша ёкн мутлақо яшай олмаслиги ҳам мумкин. Регрессив турдаги популяция генератив кўпайиш хусусиятини йўқотган популяциядир. Улар одатда гулламайдилар ёки гулласа ҳам уларнинг уруғлари унувчанлигини йўқотган. Ана шу ҳолат популяциянинг фитоценозда ўлиб, йўқолиб, чириб кетаётганидан далолат беради.

Нормал турдаги ўсимликлар популяцияси жамоада тараққиёт даврининг барча босқичларини тўлиқ ўтказувчи ўсимликлардир. Улар спора ёки уруғлардан тортиб то вояга етган ўсимликлар кўринишида учрайди. Ценотик нуктаи назардан улар ўсимликлар жамоасининг асосий популяцияси хисобланади.

Популяциянинг ёш тузилмаси ўсимлик ва ҳайвонларда ҳам бир неча омилларга

боғлиқ. Биринчи навбатда балоғатта, вояга етиш вақти, умр күриш муддати, күпайиш даври муддати, авлодларнинг давомийлиги, ота-онасидан бир вақтда туғиладиган индивидларнинг бунёдга келиш муддати, ҳар хил жинс ва ёшдаги индивидларнинг нобуд бўлиш характери, популяциянинг сон жиҳатдан ўзгариб туриш динамикаси кабиларга боғлиқ. Иккинчидан, юқоридаги омилларнинг тур ичидаги ҳар хил популяцияларда турлича кўринишда намоён бўлишидир. Бунда популяциянинг ёш тузилмаси бекарорлиги билан тавсифланади. Ўсимлик ва ҳайвонларда популяциянинг ёш тузилмасига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Аммо биз популяциянинг ёш тузилмасини яхшироқ тасаввур қилиш учун одамлардаги ёш давларига оид маълумотлар билан чекланамиз.

#### **Одамларнинг туғилган қунидан бошлаб то қаришигача бўлган ёш даврлари:**

1. Янги туғилган бола1—10 кунгача
2. Эмизикли давридаги бола 10 кундан бир йилгача
3. Гўдаклик 1—3 ёш
4. Илк болалик 4—7 ёш
5. Болалик 8—12 ёш (ўғил болалар) 8—11 ёш (қиз болалар)
6. Ўсмирлик (ўспиринлик)13—16 ёш (ўғил болалар), 12—15 ёш (қиз болалар)
7. Ёшлик 17—21 ёш (ўспирин), 16—20 ёш (қизлар)
8. Вояга етилишнинг биринчи 22—35 ёш (эркаклар), 21—35 даври ёш (аёллар)
9. Вояга етилишнинг иккинчи 36—60 ёш (эркаклар), 36—55 даври ёш (аёллар)
10. Ёши қайтган (кексайган) 61—74 ёш эркаклар), 56—74 давр ёш (аёллар)
11. Қарилик 75—90 ёш (эркаклар, аёллар)
12. Узок умр кўриш (узок 90 ёшдан юқори яшаш)

**Фазовий тузилмаси.** Популяциянинг фазовий тузилмаси популяция майдони (ареали)даги айрим индивидлар ва гурӯҳчаларнинг тарқалиш характерини ифодалайди. Одатда тур ичida ва айрим популяциялар ичida индивидлар бир текис тарқалмайди, чунки яшаш шароити, яъни озуқа ресурслари, бошпана кабилар нотекис тақсимлангандир. Бундан ташқари популяцияни ташкил этувчи ррганизмларнинг биологик хусусиятлари, характерчанлиги ва агрегирлик даражаси кабилар муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай популяциядаги индивидларнинг маълум даражада бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши кузатилади. Баъзи индивидлар туғилган жойида умрининг охиригача яшаб қолади, иккинчи бир популяциянинг индивидлари узоқ масофаларга кўчиб кетади.

Индивидларнинг ҳаёт давомида кўчиб юриш кўрсаткичи сифатида индивидуал фаоллик радиуси, панимистик бирлик ёки қўшничилик даражаси кабилардан фойдаланилади. Экологлар томонидан табиатда ҳайвонларнинг тарқалишини кузатиш натижасида фанга ўртacha масофада тарқалиш тушунчasi киритилган. У нишонланган барча индивидларнинг ўртacha учраш масофаларининг арифметик қиймати хисобланади. Индивидлар ва гурӯҳлар топографик усулларда ифодаланиши мумкин. Индивидларнинг уч турдаги тарқалиш усули маълум: диффузион, оролчали, лентасимон. Учала турнинг ўзаро аралаш ҳолатларидан доиравий ҳамда дона-дона шаклдаги турлар келиб чиқади. Кўпчилик турларнинг топографик тарқалиш усули уларнинг ҳаёти давомида ўзгариб туради.

**Ҳайвонлар популяциясининг этология (хулқий) ҳатти-ҳаракат тузилмаси.** Этология (грекча «ethos»— характер) ҳайвонларнинг ҳатти-харакатлари (хулқи)нинг биологик асослари ҳақидаги фандир. У экология фани билан чамбарчас боғланган. Этология фанининг натижаларидан қишлоқ ҳўжалиги, ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш мумкин. Ҳайвонларнинг хулқи уларнинг ҳаёт кечириш тарзи билан боғлиқ. одатда ҳайвонлар ёлғиз ва биргаликда ҳаёт кечирадилар. Ҳайвонларнинг биргаликда яшашининг бир неча шакллари маълум. Табиатда ҳаёти давомида бутунлай ёлғиз ҳаёт кечиравчи организмни учратиб бўлмайди. Ёлғиз ҳаёт кечириш нисбий маънода тушунилади.

Индивидларнинг жинсий мойиллиги ва ота-оналар билан янги авлод ўртасидаги боғланишлар, ҳудудий умумийлик, насл учун қайғуриш натижасида оила деб аталган ҳайвонларнинг биргаликда яшаш шакли келиб чиқади. Ота-оналар жуфти қисқа ёки узок

вақтгача, баъзи турларда эса умрининг охиригача бирга бўлиши мумкин. Ҳайвонларда ўз жуфтини топиш ўзига хос мураккаб кўринишларда ўтади. Бу нарса ўргимчаксимонларда эркакларининг ҳар хил ҳаракатлар орқали урғочисига яқинлашиши, қушлар ва сутэмизувчиларда «кўнглини овлаш», ҳатто эркаклари ўртасидаги ўзаро кучли кураш йўллари орқали боради.

Ҳайвонларнинг анча йирик бирлашмалари подалар, галалар ва колониялар хисобланиб, уларнинг шаклланишида популяциялардаги хулқий муносабатлар янада мураккаблашади. Колониялар ўтроқ ҳаёт кечирувчи, «хайвонларнинг биргаликдаги яшашидир. Улар узоқ вақт ёки кўпайиш олдидан бирга яшаши мумкин. Колонияни ташкил этувчи индивидлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ниҳоят»да хилма-хилдир. Энг оддий кўринишлардан бири хемотаксис асосидаги тўпланишдан иборат бўлса, мураккаброқ шаклдагиси эса бир-бирлари келишиб (хабар бериб) бирор-бир ҳаётй функцияни бажаришидир. Бундай функцияларга душмандан сақланиш учун зарур. бўлган огоҳлантирувчи сигналларни кўрсатиш мумкин. Сутэмизувчилар орасида колония бўлиб ҳаёт кечириш оиласи гурухларнинг кенгайиши ҳисобига келиб чиқади ва дастлабки оила билан боғланиш сақланиб қолади. Ҳашаротларда (термитлар, чумолилар, арилар) кузатиладиган колониялар ҳам мураккаб хисобланиб, уларнинг асосида ҳам оиласи мумкин. Кенгайиб ажралиб чиқиши ётади. Бундай колониялар биргаликда кўпайиш, ҳимоя, ёш авлодни ва ўзини боқиши, қурилиш ишларини бажариш каби функцияларни бажарадилар. Мехнат тақсимоти айрим индивидлар орасида ёшлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда берилган бўлади. Чумолиларнинг биргаликда яшашида турли хилдаги сигналлар тизимидан фойдаланиш катта роль ўйнайди.

Галалар бир турга кирувчи баъзи гурух ҳайвонларнинг бирон-бир биологик жиҳатдан фойдали ҳаракатни амалга ошириш учун вақтинчалик бирлашиши ҳисобланади. Галалар душмандан сақланиш, озука топиш, миграциялар каби функцияларни бажаришни енгиллаштиради. Гала бўлиб яшаш балиқлар, қушларда ва сутэмизувчилардан итсимонларда учрайди. Балиқлар галаси душмандан сақланишда, қушларники мавсумий миграция вақтида шаклланади. Ўтроқ ҳолда яшовчи қушлар ўртасида доимо товуш чиқариб туриш, кўриш билан боғлиқ сигналлар мавжуд. Бўрилар галаси қишида биргаликда ов қилиш учун ташкил топади. Подалар галаларга нисбатан ҳайвонлардаги анча узоқ муддат давомида доимий бирлашиш шаклидир. Подалар одатда тур учун хос бўлган барча функцияларни, яъни озука топиш, йиртқичдан сақланиш, миграция, кўпайиш ва болаларни тарбиялаш кабиларни амалга оширади. Подалардаги ҳайвонларнинг гурухли хулқий хатти-ҳаракатлари «хукмдор» ва «итоаткор» асосидаги ўзаро муносабатлардан ташкил топади. Подалар ташкил бўлишининг бир кўриниши вақтинчалик ёки доимий бирон-бир раҳбар ёки бошлиқ (лидер)нинг хатти-ҳаракатларига қараб бошқа индивидларнинг ўз фаолиятини амалга оширишида кўринади.

Подадаги ҳар бир индивид раҳбарга итоат қилган ҳолда бир жон бир тан бўлиб ҳаракат қилади. Бунинг учун у анча тажрибали, тадбиркор, одил ва кучли бўлиши керак. Раҳбарнинг биологик аҳамияти шундан иборатки, унинг индивидуал тажрибаси қолган барча индивидлар учун фойдали бўлсин. Подада бир-бирларига бўйсунувчи, яъни етакчи индивидлар бўлса, уларда хулқий муносабатлар янада ҳам мураккаб бўлади. Етакчи индивидлар ўта тажрибали ва тадбиркор подага фаол бошчилик қилиши билан раҳбарлардан ажралиб туради. Масалан, отлар подасидаги етакчилар ҳаракатни бошқарадилар, йиртқичлардан ҳимоя қиласидилар, жанжалларни тинчтадилар, касал ёки ёш индивидларга ғамхўрлик қиласидилар.

**Туғилиши ва ўлиши миқдори.** Одам популяцияси сонининг ортишини унинг биологик хусусиятларидан қидириш керак. Бундай омиллардан бири ва энг муҳими туғилиш ва ўлишдир. Ҳар икки кўрсаткич ҳам потенциал ёки реал коэффициентлар билан аниқланиши мумкин. Агарда туғилиш жараёнини олсак айрим тур ёки унинг барча индивидлари қулай шароитда энг юқори маҳсулдорликка эришиши мумкин бўлган шароит ҳисобга олинади ва у потенциал (имкони бор бўлган) туғилиш миқдори деб қаралади. Реал туғилиш эса бир

турнинг барча индивидумларининг ҳақиқий туғилиш миқдори ҳисобланади.

Одамлар популяциясидаги 100 индивидумдан 15 та бола туғилса, реал туғилиш миқдори 15%га тенг бўлади. Агарда жинслар нисбати 1:1 бўлса, реал туғилиш миқдорининг коэффициенти 30% ни ташкил этади. Реал туғилиш миқдори коэффициенти одатда бола туға оладиган ёшдаги аёллар сонини ҳисобга олади. Реал туғилиш миқдори коэффициентидан реал ўлиш миқдори олиб ташланса, аҳолининг ўсиш коэффициентини аниқлаш мумкин. Аҳоли сонининг ўсиш коэффициенти Европада 2,5%, АҚШда 10% ни ташкил этади. Аҳоли сонининг ўсиш коэффициентига жуда кўп омиллар таъсир этади. Масалан, сарҳисобчилар томонидан зътиборга олинмайдиган, аммо муҳим ҳисобланган жамиятнинг ҳаёт даражаси ва дин кабилар ҳам ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун юқоридаги мисолимизда Европада аҳоли сонининг реал ўсиш коэффициенти 1,25%, АҚШда эса 5% ни ташкил этади.

**Популяциянинг ўсиши.** Ҳайвонлар популяциясининг ўсиш тезлиги ташки мухитнинг таъсирига боғлиқ равишда ўзгаради. Организмлар учун бир неча даврларни ажратиш қабул қилинган. Латент даврида популяция таркиби сон жихатидан бир хил даражада ўзгармай ушлаб турилади. Латент давридан сўнг экспоненциал ўсиш даври бошланади. Бу вақтда популяция тез ўсади ва барқарорлашади. Сон жихатидан бир оз тебраниб турувчи барқарорлик мувозанат даври деб аталади. Одамлар бир неча асрлар давомида табиатнинг иқлим омиллари ва юқумли касалликлар таъсирида яшаб келмоқда. Оловнинг кашф этилиши, кейинчалик иш куроллари ва ҳарбий қуроллар яратиш туфайли инсоннинг ҳаёти аста-секин ўзгарди.

Одамларнинг Ер юзида сон жихатидан ўсиши бизнинг эрамиз бошларига тўғри келади. Утган даврлардаги цивилизация ва ҳозирги давр техникасининг тараққиёти ўз навбатида янги ерларни ўзлаштириш имконини яратди. Ғарбдаги давлатларда аҳоли сони анча. ўси. Ер шаридаги аҳоли сони XX асрнинг бошларидаги рўйхатга биноан 1 млрд. 800 млн. эди. 1960 йилги ҳисобга кўра 3 млрд.га етди. 1970 йилда эса 3,5 млрд., 1989 йил-да эса 4,2 млрд.ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, одам популяцияси сони 40—50 йил давомида тахминан 2 марта ўсган. Ҳозирги вақтдаги ўсиш суръатида эса одам популяциясининг ўсиши 2000 йилда 7 млрд. га, яъни икки баробарга ортади. 1971 йилда одам популяцияси экспоненциал ўсиш даврида эди. Энди қайси йилларга келиб мувозанат ҳолат қарор топади деган савол туғилади. 1971 йилдаги баъзи бир белгилар асосида яқин орада мувозанат ҳолатга келади деб тахмин қилиш мумкин. 1972 йилдан бошлаб ва ундан олдин ҳам Ғарбий Европадаги эркаклар ва аёлларнинг потенцияял яшаш муддати ўсгани йўқ аксинча бир оз пасайиш ҳоллари кузатилди. Бунга нималар сабаб бўлган экан? Бу хақда турлича гипотезалар илгари сурилмоқда. Уларнинг бирортаси ҳам етарли асосларга эга эмас. Баъзан йўл ва кўчалардаги баҳтсиз ҳодисаларнинг кўплиги (айниқса ўшлар ўртасида) деб қаралса, бундан ташқари тўйиб ёки етарли даражада овқатланмаслик кабилар потенциал яшаш муддатини чеклашга олиб келмоқда. Ниҳоят шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, баъзи мутахассисларнинг фикрича, шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиши ҳам ўртача потенциал яшаш муддатининг камайишига олиб келади. Баъзи бир юрак хасталиклари атмосферанинг ифлосланиши билан боғлиқ ҳолда келиб чиқмоқда. Иккинчи томондан, тиббиёт соҳасидаги рак, қон айланишининг бузилиши билан боғлиқ хасталиклар, инфаркт, миокард кабилар ўртача потенциал яшаш муддати кўрсаткичига салбий таъсир этади. Шундай қилиб, Европадаги аҳолининг потенциал яшаш муддати яқин орада ёки кейинчалик энг юқори даражага кўтарилимайди.

**Популяциянинг гомеостази.** Популяциянинг сон жихатдан бир меъёрда сақланиб турилиши гомеостаз (грекча «гомео»—ўхшаш, статис — ҳолат) дейилади. Популяциянинг ушбу ҳусусияти асосида ҳар бир индивиднинг, популяциянинг бошқа аъзолари ортиши ёки камайиб кетишига нисбаган физиологик ҳусусиятлар (ўсиши, хулқ-авторининг ўзгариши) ётади. Популяция гомеостазининг механизмлари турнинг экологик ҳусусиятлари, унинг ҳаракатчанлиги, йиртқич ва паразитлар ҳамда омилларнинг таъбир этиш даражасига боғлиқ бўлади. Популяциянинг зичлигини бошқариш ўсимликларда худудни ҳисобга олган ҳолда вегетатив қувватни оширишда намоён бўлса, ҳайвонларда эса озука захиралари чекланган

холатда рўй беради. Кўпчилик турлар популяциясининг ўсишини секинлаштирувчи механизмлардан бири индивидларнинг ўзаро кимёвий таъсир этишидир. Популяцияни сон жиҳатидан чеклашнинг иккинчи кўриниши зичлик ортиши билан физиологик ва хулқий ҳолатларнинг ўзгаришидир. Бу ўз навбатида ялпи кўчиб кетиш инстинктларини келтириб чиқаради. Натижада ўтрок ҳаёт кечираётган популяциянинг кўпчилик қисми ушбу ҳудуддан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Ҳайвонлардаги ҳудуд билан боғлиқ ҳатти-харакатлар инстинктлар тизими сифатида келиб чиқсан бўлиб, у популяциянинг айни бир майдонда сон жиҳатидан ўсишини бошқаришнинг самарали механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Популяция зичлигининг ортиши индивиднинг туғилиш ва ўлиш миқдорининг пасайиш ёки ортиши каби физиологик ўзгаришлар билан бирга бориши мумкин. Сутэмизувчи ҳайвонлардаги стресс (кўзғалиш) ҳолати ҳам дастлаб одамлар учун қўлланилиб, кейинчалик у ҳайвонлар учун таалукли эканлиги аниқланди. Стресс ташки мухитнинг ҳар қандай салбий таъсирига жавоб тариқасида ҳамда популяциянинг ўртacha зичлигининг ўзгаришидан келиб чиқади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Популяциялар экологияси фанининг предмети вазифаларини тушунтиринг.
2. Турнинг популяцион тузилмаси нима?
3. Ҳайвонларнинг этологик(хулқий) ҳатти-харакат тузилмасини изохланг.
4. Популяциянинг ёш таркибини тушунтиринг.
5. Популяциянинг жинсий таркиби нима?
6. Популяциянинг асосий қырсақчиchlарини тушунтиринг.
7. Популяция гемостази деганда нимани тушунасиз?

### **Таянч иборалар**

Популяциянинг ўсиши, Популяциянинг гомеостази, Туғилиш ва ўлиш миқдори, Ўсимликлар популяциясининг ёш тузилмаси. Латент даври. Виргил даври. Генератив давр. Сенил (карилик) даври, Популяциянинг сони; Зичлиги. Туғилиш, Ўлиш, Популяциянинг ўсиши, Ўсиш суръати

## **МАВЗУ-6. БИОЦЕНОЗЛАР ВА ЭКОСИСТЕМАЛАР**

**•Экологик ниша. •Биоценоз тузилмаси. •Биоценознинг фазовий тузилмаси**  
**•Биоценозларда популяциялар сонининг идора этилиши.ю •Экосистемалар**  
**•Экосистемада моддалар айланнишини. •Экосистемаларнинг ўзгариши**  
**•Экосистемаларнинг ўзгариши**

Сайёрадаги барча ўсимлик ва ҳайвонлар одатда жамоа ҳолида яшайди. Жамоа дейилганда ривожланишнинг турли погонасида бўлган бир гурӯҳ тирик организмларнинг муайян шароитда биргаликда яшаши тушунилади. Бунда улар ўзаро муносабатда бўладилар. Муайян тупроқ шароитида ўсимликлар, ҳайвонлар, айrim замбуруғлар ва микроорганизмларнинг биргаликда яшашига биогеоценоз дейилади. Фақат бир неча тур ўсимлик биргаликда қавм бўлиб яласа фитоценоз (ўсимликлар жамоаси) дейилади. Худди шу сингари факат бир неча тур ҳайвонларнинг биргаликда қавм бўлиб яшашига зооценоз (ҳайвонлар жамоаси) дейилади. Тирик организмларнинг бирбирларига ўзаро таъсири мухитнинг биотик омиллари деб қаралса, уларнинг атрофини ўраб олган барча тирик организмлар биоценотик мухитни ташкил этади. Ҳар бир тур нормал ҳаёт кечириши учун у якка холда яшай олмайди, балки атрофидаги бошқа тирик организмлар билан биргаликда ҳаёт кечиради.

Шундай қилиб, биоценоз (лотинча «биос»—ҳаёт. «ценоз»— умумий) дейилганда бир хил мухитга мослашиб олган ва бир жойнинг ўзида бирга яшайдиган барча организмлар

тушунилади. Биоценознинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлиши мумкин. Бунга оддий лишайнк дўнглигидан тортиб то ўрмон, дашт, чўл ва шунга ўхшаш йирик ландшафтларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кичик ўлчамдаги биоценозлар (дарахт танаси ёки баргидаги, ботқоқликдаги моҳлардан иборат дўнгликлар, чумолилар уяси ва бошқалар) учун микрожамоа биоценотик гурухлар каби атамалар ишлатилади. Ер шарида турлича яшаш шароитлари мавжуд бўлиб, улар маълум даражада ажратиб олинган ҳолда турлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишда қўл келади. Ана шундай яшаш шароитлари **биотоп** деб аталади.

Биоценознинг энг мухим хусусиятларидан бири унинг турлар таркибидир. Айни бир биоценоз учун хос бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларининг умумий сони деярли доимий бўлиб, ҳар хил турдаги биоценозларда у кескин ўзгариб туради. Нам тропик ўрмонлардаги биоценозлар турларга бой ҳисобланса, қурғоқчили ва совук вилоятлардаги биоценозларда турлар кам учрайди. Майдон бирлигига тўғри келадиган турлар сони биоценознинг турларга тўйинганлиги деб аталади. У ҳам турли биоценозларда турлар таркиби каби ўзгариб туради. Ҳар қандай биоценоз маълум таркибдаги ҳукмронлик қилувчи ҳаёт шаклларига эга бўлади. Масалан, ўрмон биоценозларида фанерофитлар ҳукмронлик қилса, ўт ўсимликлардан ташкил топган биоценозларда гемикириптофитлар, арид (курғоқчили) вилоятларда эса хамефитлар ва терофитлар ҳукмронлик қилади. Биоценоз, одатда фитоценоз, зооценоз, микоценоз ва микробиоценозлардан ташкил топади. Биоценоз ва у билан боғланган биотопнинг чегаралари биринчи навбатда ўсимлик қоплами ўзгариши билан аниқланади. Шунинг учун ҳам биз қуйида биоценознинг мухим таркибий қисми ҳисобланган фитоценоз ва унинг баъзи бир хусусиятлари ҳакида тўхталиб ўтамиз. Фитоценоз ёки ўсимликлар жамоаси дейилганда Ер юзининг бир хилдаги муайян участкаларида қавм (гурух) бўлиб яшаётган тубан ва юксак ўсимликлар йигиндиси тушунилади. Улар ўзаро бир-бирлари билан ҳамда яшаш шароитлари билан алоқада бўлиб, натижада ўзига хос маҳсус мухитни ҳосил қилади. Ҳар қандай ўсимлик жамоаси (фитоценоз) ҳам турлар таркиби, турлар ўртасидаги ўзаро миқдор ва сифат муносабатлари, қаватлик (ярус) горизонтал тузилиш, ташки қиёфаси, даврийлиги, ҳаёт шаклларининг хилма-хиллиги, яшаш жойининг характеристи ва шунга ўхшаш бир неча хусусиятлари билан тавсифланади ва бир-биридан фарқланади. Фитоценозни ҳосил қилишда ўсимликлар орасида сон жихатидан кўпчиликни ташкил этувчи ёки кўзга яққол ташланувчи тур ажратилади ва бу тур одатда ҳукмрон (ёки доминант) тур дейилади. Демак, доминантлар ёки ҳукмрон бўлиб ҳисобланган турлар миқдор жихатдан кўп учрайди ва бошқа турлар орасида яққол кўриниб туради. Улар асосан органик масса тўпловчи ҳамда фитоценознинг фонини (кўринишини) ва характеристини белгилайди. Доминант турларга мисол қилиб қарағайзор ўрмонларидағи оддий қарағайни, қорақарағайзорлардаги қорақарағайни, Ўрта Осиё тоғларининг арчазорларида ўсуви арчанинг бир неча турларини, сакоувулли чўлларда эса саксовулни кўрсатиш мумкин. Жамоада ҳар қандай доминант турлар биоценозга таъсир этавермайди. Улар орасида **эдификатор турлар** ажратилиб, жамоанинг маҳсус мухитини ҳосил қилади. Улар жамоанинг қурувчилари бўлиб, фитоценознинг хусусиятларини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистондаги қумли чўлларда дараҳт кўринишидаги эдификатор тур оқ саксовулдир. Даشتларда чим ҳосил қилувчи ҷалов ва бетагалар, ўрмонларда эса оддий қарағай, қорақарағай, эман каби дараҳтлар эдификаторлар ҳисобланади. Баъзи ҳолларда ҳайвон турлари ҳам эдификатор ҳисобланиши мумкин. Масалан, катта майдонда тарқалган, ер ковловчи хусусиятга эса бўлган суғурлар колонияси ўсимликларнинг ўсиш шароитига, микроиқлимга ва асосан ландшафт характеристига катта таъсир кўрсатади. Доминант турларга нисбатан озроқ миқдорда учрайдиган, аммо фитоценозда маълум аҳамиятга эга бўлган турлар субдоминант (иккинчи ҳукмрон) турлар деб аталади. Доминант ва субдоминант турлардан ташқари жамоа таркибида камроқ сонда учрайдиган турлар ҳам мавжуд. Улар компонентлар дейилади. Кам сондаги ва ноёб турлар ҳам биоценознинг ҳаётида мухим роль ўйнайди. Биоценоздаги ҳар бир турнинг ролини аниқлашда уларнинг мўллиги, учровчанлиги ва ҳукмронлик даражаси каби миқдор кўрсаткичлар эътиборга олинади.

Фитоценозларда мүллик оғирлик, балл ва ўсимликлар сони билан ифодаланади. Масалан, Тошкент атрофидаги эфемерли чўлларда  $1 \text{ m}^2$  майдонда 5000 нусхадан ортиқ ўсимлик рўйхатга олинган бўлиб, 47 турдан иборат эканлиги аниқланган. Оғирлик усули амалий мақсадлар учун фойдаланилади. Табиий пичанзорлар ва яйловларнинг ҳосилдорлиги шундай усул билан аниқланади. Учровчанлик даражаси биоценозда турларнинг текис ёки нотекис тарқалганлигини ифодалайди. У умумий намуна майдончалар сонини тур учраган майдончалар сонига нисбатан ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Доминантлик даражаси айни бир тур индивидлар сонининг ушбу гуруҳдаги умумий сонига нисбатини билдиради. Масалан, маълум майдонда 200 та қуш рўйхатга олинган бўлса, шулардан 80 таси сайроқи қушларни ташкил этади. Демак, сайроқи қушларнинг доминантлик даражаси 40% га тенгdir. Биоценозларда бактериялар ва бошқа микроорганизмлар ҳам учрайди. Шундай қилиб, биоценоздаги турларни миқдор ва сифат жиҳатдан характерлаш натижасида унинг турлар таркиби ҳақида маълум бир хulosага келиш мумкин. Биоценознинг юқорида кўрсатиб ўтилган тузилиш бирликларидан ташқари унинг функционал тузилиш бирлиги, яъни консорциялар характерлидир. Биоценозларнинг ҳосил бўлиши ва яшави асосида муайян (биронта) жойдаги организмларнинг ўзаро муносабати, улар ўртасидаги алоқа ётади. Б. Н. Беклемишев бундай муносабатларни воситали ва воситасиз турлараро муносабатларга бўлиб кўрсатади. Жамоада ҳар бир турнинг ўзаро алоқаси, ташқи мухитга бўлган талаби ва таъсири шу турнинг экологик ўрни ёки экологик шинаси дейилади. Бошқача қилиб айтганда, организмнинг табиатда эгаллаган ўрни дейилганда унинг ҳаёт тарзи, озиқланиш усули тушунилади. В.Н.Беклемишев таснифотига кўра бундай экологик ўрин (экониша) тўрт тоифага бўлинади: **трофик, топик, форик ва фабрик.**

**Трофик** алоқа бир турнинг иккинчи тур билан озиқланишида намоён бўлади. Бунда ўлжа ўлик ёки тирик ҳолда емиш бўлиши мумкин. Масалан, буни ниначи учун ҳашаротларнинг емиш бўлиши, гўнг қўнғизнинг тўёқли ҳайвонлар тезаги билан озиқланиши, асаларининг асалшира билан озиқланиши каби мисолларда тушунтириш мумкин.

**Топик** алоқа бир тур томонидан иккинчи турнинг яшаш шароити ўзгартирилишида намоён бўлади. Даражатлар танасида лишайникларнинг яшави, ўрмондаги даражатлар томонидан шу ерларда ўсуви ўтлар ҳаётига кўрсатиладиган таъсирларда бу яққол намоён бўлади.

**Форик** алоқа бир турнинг тарқалишига иккинчи турнинг таъсир этишида кўринади. Кўпгина ҳайвонлар томонидан ўсимлик уруғ ва меваларининг тарқалиши бунга мисолдир. Шундай тарқалиш актив ёки пассив тарзда ўтиши мумкин. Бир турнинг ўзига ин қуриши учун бошқа турнинг қолдиқларидан фойдаланишида **фабрик** алоқа намоён бўлади. Масалан, қушлар ин қуриш учун дараҳтларнинг барги, шохчаларини ташиб келади, ҳайвонларнинг жун ва патларидан фойдаланиб ин қуради.

**Биоценоз тузилмаси** Биоценоз ҳам хилма-хил тузилмага эга. Одатда у тур, фазо ва экологик тузилмаларга бўлиб ўрганилади. **Биоценознинг тур тузилмаси** дейилганда биоценоздаги турларнинг хилма-хиллиги, миқдори, уларнинг фенологик ҳолати ва ҳоказолар эътиборга олинади. Инсон томонидан бунёд қилинган боғ, полиз ва бошқа экинзорларда биргалиқда яшаётган турлар ёки табиий зоналардаги (тундра, ўрмон, дашт, чўл ва бошқалар) тирик организмлар жамоаси турли биоценозларга мисол бўлади. Бунда биоценозда қатнашаётган ҳар бир турнинг мўллиги, учраш даражаси, ҳўжалик аҳамияти ва бошқа қатор масалаларга эътибор берилади. Сон жиҳатдан ортиқ ва эгалланган майдони жиҳатидан кўзга яққол ташланган тур доминант (хукмрон) тур ҳисобланади. Аммо барча доминант турлар ҳам жамоада мухит ҳоснл қиласкермайди. Қайси тур етакчи бўлса ва бошқа турлар унинг таъсирида яшаса бундай тур **эдификатор тур** дейилади.

**Эдификатор тур** шу ҳудудда биотопиинг микроиқлимини белгилайди. Масалан, арча ўрмонида арча, қарағай ўрмонида қарағай эдификатор тур ҳисобланади. Ҳайвонлар колониясида ҳам эдификатор турлар бўлади. Масалан, суғурлар яшайдиган колонияда улар қазувчанлигига кўра манзарани ва микроиқлимни белгилайди ва шу сабабли эдификатор

бўлиб ҳисобланади.

Топик алоқалар туфайли биоценозда консорция вужудга келади. Консорция дейилганда бирон-бир тур танасида (ичида ёки устида) бир неча хил организмларнинг яшashi тушунилади. Масалан, қарағай дарахтинг танасида, шох-шаббаларида ва илдизидаги моҳлар, лишайниклар, замбуруғлар ва бўғимоёқлиларнинг яшashi консорцияга яққол мисол бўлади. Демак, биоценоз одатда турлар ўртасидаги трофик ва топик алоқалар, муносабатлар асосида вужудга келган консорциялардан ташкил топгандир.

**Биоценознинг фазовий тузилмаси.** Ҳар қандай жамоа унинг таркибий қисми ҳисобланган ўсимлик билан боғланган ва тавсифланади. Жамоанинг шаклланиш даврида турлар ҳар хил ҳолатларда жой оладилар. Баъзи бир турлар тупроқда, иккинчи бирлари унинг юзасида, сувлиқда ва ҳатто тропосферанинг анча юқори қисмларида тарқалиши мумкин. Баъзи бир турлар дарахт таналарида (эпифит) ва баргларида (эпифил) ёпишган ҳолда яшайди. Натижада фитоценознинг тузилишида қаватлик келиб чиқади. Қаватлик дейилганда жамоадаги турларнинг тупроқ юзасига нисбатан ҳар хил баландликларда қаватма-қаватлиги ва унинг қатламида ҳар хил жойланиши тушунилади.

Қаватлик айникса ўртача иқлими ўрмон фитоценозларида яққол кўринади. Ўрмонларда одатда 3—5 қаватлик кузатилади. 1—2-қаватлар биринчи, иккинчи ва учинчи даражалардаги дарахтлар, 3- қават—буталар, 4-қават — ўт ва бутачалар, 5- қават — моҳ ва лишайниклар қавати. Ўт ўсимликлардан ташкил топган фитоценозларда ҳам 2—3 ва 4 қаватлар ажратилади. Жамоадаги ҳар бир қават ўзининг микроклимига эга бўлиб, ўзига хос ёруғлик ва ҳарорат тартиби, намлиқ ва ҳаво таркиби ҳамда ҳаракатига эга бўлади. Юқори қаватдаги ўсимликлар соясида пастки қаватда ўсувлчилар учун қулай ҳаёт шароити вужудга келади. Кўпчилик куруқликда ва сувда яшовчи ҳайвонлар бирор-бир маҳсус қаватлик билан боғланган бўлмасада, умуртқасиз ҳайвонлар кўпинча тупроқнинг ўсимлик илдизи билан боғлиқ қаватларда яшashi мумкин.

Куруқликда яшовчи ҳайвонлар ўз ҳолатларини йил давомида жамоанинг у ёки бу қаватларида турли муддатларда яшаш билан бошқарib туради. Шунга қармасдан баъзи систематик гурӯҳдаги ҳайвонлар учун қаватлик ажратилади: ҳашаротлар орасида тупроқда яшовчилар — геобий, тупроқ юзасида яшовчилар — герпетобий, моҳлар қаватидагилар—бриобий, ўт ўсимликлар қаватидагилар — филлобий ва анча юқори ҳаво қаватларидағилар — аэробийлар. Қушлар орасида тупроқ юзасига, буталарга, дарахтларга уя қурувчилар, дарахт танаси ва шохларидан тўғон ёки бошпана қуришда фойдаланиши, қушларнинг уя қуришлари ва убошқа кўп мисоллар келтириш мумкин.

**Экологик ниша** Биогеоценоздаги барча тур популяциялари органик моддаларни ҳосил қилувчи, истеъмол қилувчи ва тўпловчилар сифатида фаоллик кўрсатади. Биогеоценозда турларнинг бундай фаоллик кўрсатиши **екониша** деб аталади. Ч. Элтоннинг таърифига кўра, экониша турнинг тирик организмлар орасида тутган ўрни, унинг озуқа ва душманларга бўлган муносабатидан иборат. Экониша ҳудудий маънода қаралмай, балки биоценозда организмларнинг функционал ҳолатини ифодалайди. Бирор тур (популяция) нинг у ёки бу эконишага мансуб эканлиги аввало ушбу организмнинг озиқланиш характеристи, озуқани топиши кабиларга боғлиқ. Масалан, ҳар қандай яшил ўсимлик биогеоценозда бир неча эконишаларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Улар орасида илдиз, баргларнинг тўқималари билан озиқланувчи ёки гуллари, мевалари, илдиздан ажralиб чиқадиган моддалар билан озиқланувчи турлар бўлиши мумкин. Ҳар бир экониша турлар таркиби хилма-хил бўлган организмлар гурӯҳини бирлаштиради. Масалан, илдиз билан озиқланувчиларга нематодлар, баъзи бир қўнғизларнинг личинкалари кирса, ўсимлик ширасини сўрувчи эконишага эса ўсимлик битлари ва қандалалар киради. Юқоридаги эконишалар ҳам ўз навбатида майдада бирликларга бўлинниб кетиши мумкин.

Даштлардаги биоценозларда кўпчилик ҳайвонлар ўт ўсимликлар билан озиқланади. Булар туёқлилар (отлар, кўйлар, антилопалар, сайфоқлар), кемирувчилар, суғурлар, юронқозиқлар ва кўпчилик сичқонсимонлардир. Уларнинг ҳаммаси ўтхўр ҳайвонлар бўлсада, доимо ўт ўсимликлар қопламининг турли қисмларини истеъмол қилади. Масалан,

түёклилар бўйи баланд тўйимли ўтларни танлаб олади, шу ернинг ўзида яшовчи суғурлар туёклилар истеъмол қилмаган ўтлар билан озиқланади. Юмронқозиқ каби бир оз кичикроқ ҳайвонлар эса ўтсумликлар қоплами анча эзилган ва туёклилар, суғурлардан қолган ўтларни йигади. Шундай қилиб, жамоадаги ушбу уч гурухдаги ўтхўр ҳайвонлар ўртасида ўт ўсимликлар биомассасидан фойдаланиш тартиби ва чегараси келишиб олинган десак бўлади. Бу ерда бир экониша иккинчисини тўлдиради, натижада биомассадан тўлиқ фойдаланиш кузатилади. Табиатда баъзан турларнинг бир эконишадан иккинчисига қўчиб ўтиши кузатилади. Бу ҳодиса биогеоценоздаги шароитнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, мосланиш характеристига эгадир.

**Биоценозларда популяциялар сонининг идора этилиши** Популяциялар сонининг ўзгариши аввало ўз-ўзини идора этиш жараёни ҳисобланиб, икки хил, яъни модификацион ва регуляцион бошқарувчиларга ажратилади. Ҳар қандай популяция маълум шароитда ўртача даражадаги индивидлар сонига эга бўлади. Популяциялар сонининг модификацион ўзгариши тасодифий ҳодиса бўлиб, популяциянинг зичлиги билан боғлиқ бўлмаган турли омиллар таъсирида содир бўлади. Популяциялар сонини модификацияловчи омилларга барча абиотик омиллар, организмларнинг ўзаро таъсири, озуканинг микдори ва сифати, душманларнинг фаоллиги ва бошқалар киради. Регуляцион ўзгаришлар популяциянинг дастлабки ҳолатига қайтиши ҳисобланиб, регуляцияловчи омиллар фақат популяция сонини ўзгартириб қолмай, унинг тебранишларини ҳам камайтиради. Регуляцияловчи кучлар сифатида организмлар ўртасидаги, турлар ичидаги ва турлараро муносабатлар катта роль ўйнайди. Табиий шароитда популяциялар сонининг ўзгариши ўз-ўзидан идора этиладиган жараёндир. Инсон томонидан қулай равишда ҳосил қилинган жамоаларда бошқарувчи боғланишлар кучсиз бўлганлиги учун биоценозда айрим турларнинг ҳаддан ташқари қўпайиб кетиши хавфи кузатилади.

Организмлар сонининг ўзгаришини аниқлашда ўзгартирувчи ва бошқарувчи омиллар катта амалий аҳамиятга эга. Популяциялар сони ўзгаришининг уч асосий тури маълум. Уларнинг биринчиси барқарор тур ҳисобланиб, популяциялар сони биоценозда унча ўзгармайди, яъни популяциянинг гомеостази ҳолати юз беради: бунга юқори яшовчанлик кўрсаткичи ва бошқа хусусиятлар сабаб бўлади. Иккинчиси флуктуацион тур деб аталади ва бунда маълум оралиқларда жшуляциялар сони ўзгаришга учрайди. Флуктуацион турда бир неча давр фазалар ажратилади. Учинчи тур портловчи тур, дейилади. Бунда популяция тўсатдан сон жиҳатидан қўпайиб кетади, унинг барқарор ҳолатга келиши ҳам секин боради ва бир неча босқичларни ўтайди.

Популяцияларнинг ўзгариш механизми ўрмон жамоаларидаги ҳашаротларда яхши ўрганилган. Ҳашаротлар деярли дараҳтларнинг барча қисмлари билан озиқланади, лекин ўсимликларга хавф тутдирмайди. Баъзи турлар ўтрок ҳаёт кечиргани учун уларни текинхўр анча заарлаб туради. Популяция сони ўзгаришининг иккинчи тур кўринишда бориши кўпчилик қислофаг (пўстлоқхўр ва ёғочхўр) лар учун характеристидир. Мўйловдор қўнғизлар ва пўстлоқхўрларнинг дараҳтларга биргалиқда тушиши ва яшши характеристидир. Бу эса ўз навбатида улар ўртасидаги рақобатни кучайтиради, натижада популяциялар сон жиҳатидан ўз-ўзидан бошқарилишга олиб келади. Портлаш йўли билан ялпи қўпайиш ўрмондаги айрим ҳашарот турлари учун ҳосдир. Зааркунandalарнинг сон жиҳатдан ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш уларга нисбатан у ёки бу кураш чораларини қўллаш муддати ва кураш меъёрини аниқлаш каби имкониятларни беради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам популяциянинг ўзтариш механизмини аниқлашда ҳар бир турнинг экологик хусусиятлари, тур атрофидаги биотик шароитлар ва ўзгартувчи (модификацияловчи) омилларнинг таъсир этиши характеристи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш керак.

**Экосистемалар** Яшаш шароити ўхшаш ва ўзаро муносабати натижада бир-бирига таъсир кўрсатувчи ҳар хил турга мансуб бўлган биргалиқда яшовчи организмлар йиғиндисига экологик система дейилади. Ўрмон, чўл, ўтлоқ, сув ҳавзаси ва бошқалар экосистемага мисол бўла олади. Маълумки, ҳар хил турдаги организмлар бир-бирларига ва теварак-атрофидаги жонсиз табиатга ҳар томонлама мослашганлар; бундай узвий

боғланишлар биоценозларни ташкил этади. Биоценоз умумий табиий комплекс биогеоценознинг бир қисмидир. **Экосистема тушунчаси фанга 1935 иили инглиз экологи А.Тенсли** томонидан киритилган. Биогеоценоз («биос»— ҳаёт, «гео»— ер, «ценоз»— умумий ёки жамоа) тушунчасини эса рус ботаник олими, агад. В.Н.Сукачев таклиф этган. Шундай қилиб, биогеоценоз (ёки экосистема) дейилгандан ўзаро ички қарама-қаршиликлар бирлиги асосида доимо ҳаракатда ва ривожланишда бўлган, ўзига хос модда ва энергия алмашинуви ҳамда табиатнинг бошқа ҳодисалари билан Ер юзининг муайян қисмida бир хил табиий ҳодисаларнинг бир-бирлари билан ўзига хос тарзда таъсир этувчи бириималар йиғиндиси тушунилади. Кўпинча экосистема ва биогеоценоз тушунчалари бир-бирининг синоними сифатида қўлланилади ва деярли бир хил маънони билдқради. Аммо баъзи томонлари билан улар фарқланади (9-жадвалга қаранг).

### Биогеоценоз ва экосистемаларнинг баъзи бир фарқлари

**4- жадвал**

Биогеоценоз	Экосистема
<p>1. Табиий ҳодиса ҳисобланади</p> <p>2. Маълум табиий чегарага эга булган фазовий бирлик; у қўшни биогеоценозлардан (фитоценози билан ажралиб туоади</p> <p>3. Биогеоценоз таркибига одам кирмайди</p>	<p>Табиий ёки бутунлай сунъий ҳодиса бўлиши мумкин</p> <p>Функционал бирлик бўлгани учун қўшни экосистемалардан ажралиб туриши шарт эмас.</p> <p>Йирик экосистемалар одатда одам таъсирдаа бўлади</p>

Биогеоценознинг асосий компонентлари атмосфера, тоғ жинслари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳисобланади. Унинг органик дунёси (ўсимликлар, ҳайвонлар, замбуруғлар, микроорганизмлар) биоценоз деб аталиб, мухит эса экотоп дейилади. Экотоп ўз навбатида климатоп (атмосфера) ва эдафотоп (тупроқ) деган таркибий қисмлардан иборат. Биогеоценозлар ҳар хил ўлчамда, яъни кичик ва катта майдонда бўлиши мумкин. Ботқоқликдаги дўнглик, ўрмондаги тўнка, бирор ҳайвон уяси (ин) атрофи, аквариум кабилар кичик биогеоценозларга мисол бўлса, ўрмон, дашт, чўл, ўтлокзор ва бошқа майдонлар йирик биогеоценозлардир. **А. Тенсли** таърифига кўра экосистема ички ва ташки таъминлаш учун маълум миқдорда керак бўладиган анорганик моддалар захираси ва бажараётган иши жиҳатидан уч хил экологик гурухни ташкил этувчи организмлар бўлиша зарур. Биринчи гурухга яшил ўсимликлар киради. Улар қуруқликдаги ҳар қандай биоценознинг асосий таркиби ва энергия манбаи сифатида хизмат қиласи. Бундай автотроф организмлар **продуцентлар** деб аталади. **Продуцентлар** — ассимиляция жараёнида тўпланган энергиясини бошқа организмларга берувчилардир. Иккинчи гурухга ҳайвонлар киради. Улар ўсимликлар томонидан тўпланган органик моддани истеъмол қилувчилар бўлиб ҳисобланади ва **консументлар** деб аталади.

**Энергия оқими.** Экосистемалардаги организмларнинг ҳаёт фаолияти ва моддаларнинг айланиши учун энергия талаб этилади. Яшил ўсимликлар ҳаёт учун зарур бўлган кимёвий моддаларни олиб, фотосинтез жараёнида органик бирикмалар тўплайди ва Куёш энергияси кимёвий энераияга айланади. Улар ҳайвонларга озука берадиган тирик

модданинг асосий қисмини ташкил этади. Ҳаво таркибидаги кислород ва карбонат ангидрид газларининг миқдорини тиклади ва сувнинг айланиш жараёнида қатнашади. Ўсимлик чириндилини тупроқда фосфор, калий, кальций, марганец каби элементларнинг бир меъёрда тарқалишига ёрдам беради. Бундай организмлар **автомотрофлар** деб аталади. Ўсимликлар ва бошқа жониворлар билан озиқланиб яшовчи гетеротрофлар эса озиқланиш жараёнида органик моддаларни карбонат ангидрид, сув ва минерал тузларга айлантиради. Улар органик моддаларни ўсимлик такрор фойдаланиши учун яроқли бўлган даражагача парчалайди. Шундай қилиб биоген моддалар табиатда узлуксиз айланиб туради. Моддаларнинг бундай даврий айланиши ҳаёт учун зарур шароит бўлиб, бу узоқ эволюция жараёнида вужудга келгандир. **Гетеротрофлар** яъни ҳайвонлар, замбуруғлар ва бактериялар икки гурухга бўлинади. Булардан биринчиси истеъмол қилувчилар, яъни консументлар озуқа сифатида тирик организмлардан фойдаланиб, органик моддаларни ўзгартирувчи, қисман парчаловчи гетеротрофлардир. Аммо бу организмларнинг бирон тури ҳам ўсимликлардаги органик моддаларни охиригача парчалай олмайди. Ҳар бир тур органик моддани муайян даражада парчалай олади, холос. Бундай турлардан қолган чиқиндилар эса бошқа гетеротроф организмларга ем бўлади.

Гетеротрофларнинг иккинчи гурухи емирувчилар ёки редуцентлар бўлиб (редуцентлар, замбуруғлар, бактерия), булар ўлган организмлардаги мураккаб органик моддаларни парчалаб оддий минерал бирикмаларга айлантира олади. Шундай қилиб, узоқ эволюция жараёнида вужудга келган бир-бирига боғлиқ турлардан барқарор занжирлар пайдо бўладики, булар бошланғич озуқа моддалардан энергия ва моддаларни бирин-кетин олиб турли йўллар билан табиатда моддаларнинг даврий ҳаракатини таъмклайди. Организмлар Қуёш энергиясини кимёвий, механик ва иссиқлик энергияларига айлантиради. Бунда борадиган ҳамма ўзгаришлар энергияни йўқотиш билан боғлиқ бўлиб, у охирги иссиқликка айланиб тарқалиб кетади. Жамоалардаги озуқа занжирлари жуда мураккаб бўлиб, улар аслида яшил ўсимликлар томонидан ҳосил қилинган энергияни 4—6-бўғин орқали ўтказади. Бундай қаторлар бошланғич энергиянинг сарфланиш йўли ҳисобланаб, озуқа занжири деб аталади.

Озуқа занжиридаги ҳар бир бўғиннинг ўрни трофик даражани ташкил этади. Озуқа занжирларига доир мисоллар табиатда жуда кенг тарқалган. Ўтхўр ҳайвонларнинг ўсимликларни истеъмол қилиши, гўнгхўр ва ўлаксахўр ҳашаротлар ҳамда чиритувчи микроорганизмларнинг ҳайвонлар чиқиндилари ва ўлаксалари билан кун кўришлари ҳаммага маълум. Лекин табиий шароитда озуқа занжирлари мураккаб ва кўп бўғинли бўлади. Организмлар орасида ҳам гўштхўр, ўтхўр ва ҳар хил озуқани истеъмол қиласидиган турлар оз эмас. Турли экосистемаларда энергия оқимининг сарфланиш занжири орқали ўтиш куввати ва тарқалиши турлича бўлади.

**Экосистемаларнинг биологик маҳсулдорлиги** Жамоанинг ҳаёт фаолияти натижасида органик моддалар тўпланади ва сарф бўлиб туради. Демак, ҳар бир экосистема маълум даражада маҳсулдорликка эга. Биомассанинг ҳосил бўлиш тезлиги биологик маҳсулдорлик деб аталади, у айрим турлар, бутун экологик система ҳаёт фаолияти энергиясининг энг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласи.

Экосистеманинг асосий ёки бирламчи маҳсулдорлиги яшил ўсимликлар томонидан фотосинтез жараёни натижасида вақт бирлигига тўпланган маҳсулот ҳисобланади. Масалан, фотосинтез натижасида ўрмондаги ўсимликлар 1 га майдонда 5 т органик модда ҳосил қиласа, бу умумий ёки ялпи бирламчи маҳсулдорли деб қаралади. Аммо ўсимликнинг ҳаёти учун ҳам ҳосил бўлган моддалар сарф бўлади. Шунинг учун вақт ва майдон бирлигига тўғри келувчи биомасса бир оз кам бўлади. Экосистемада тўпланган барча маҳсулот (нафас олишга сарф бўлгандан ташқари) жамоанинг ҳақиқий бирламчи маҳсулдорлигини ташкил этади Ҳақиқий бирламчи маҳсулдорликни ҳосил қилувчи органик моддалар гетеротроф организмлар учун ўзлаштирилиши мумкин. Биомасса дейилганда жамоадаги барча тирик организмлар умумий оғирлириннинг йиғиндиси тушунилади. Консументлар ҳам ҳақиқий бирламчи маҳсулот ҳисобига органик модда тўплайди. Улар ҳосил қилган маҳсулдорлик

иккиламчи ҳисобланади. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, 1 га ўрмон жамоаси йилига ўртacha Қуёш нурининг  $2,1 \cdot 10^9$  кЖ энергиясини ўзлаштиради. Агарда шу ердаги ўсимликлар ёқиб юборилса атиги  $1 \cdot 10^6$  кЖ ёки тўпланган энергиянинг 0,5% ни ташкил этади. Демак, продуцентлар томонидан тўпланадиган бирламчи маҳсулдорлик жуда кам экан. Иккиламчи эса бундан ҳам кам миқдорда бўлади. Озуқа занжирининг бир бўғинидан иккинчисига ўтиши вақтида 80—99% энергия сарф бўлади. 1 м<sup>2</sup> майдондаги ўсимликлар бир суткада ҳосил қилган моддалар эквиваленти тахминан 84 кЖ ни ташкил этса, бирламчи консументлар ҳосил қилгани 8,4 кЖ, иккиламчи консументларники 0,8 кЖ дан ошмайди. 1 кг мол гўшти ҳосил бўлиши учун 90 кг кўк ўт массаси зарур бўлади.

Эманзор (дубзор) ўрмонларда йиллик тўпланган органик моддаларда 9 миллиард ккал потенциал энергия йифилади. Тўпланган органик моддаларнинг деярлк ярми ўсимликларнинг нафас олиши учун кетади. Ўсимликларнинг ер устки қисмларида органик модда йилига гектарига 5—6 т (қуруқ вазнда), ер остки қисмларида эса 3—4 т кўпаяди, жами тўпланган йиллик бирламчи биомасса 10 тоннани ташкил этади. Бу массанинг 4 тоннаси барглар, гул, мева ва шунга ўхшашларга тўғри келади. Ўрмонда ўсимликларни истеъмол қиладиган ҳайвон турлари уларга озуқа бўладиган ўсимлик турларига ниобатан анча кўп бўлади, ҳайвонларнинг биомассасининг йиғиндиси нихоятда кам. Масалан, туёклилар (буғу, кийик, ёввойи чўчка) биомассаси гектарига 2 кг, кемирувчилар ва сутэмизувчилар ҳамда майда ҳайвонларники 5 кг, кушлар биомассаси эса 1—3 кг.

Юқорида энергиянинг автотроф организмлар органик моддалари кимёвий боғларида тўпланиши, кейинчалик гетеротроф организмларга ем бўлиши, ҳайвон томонидан ўзлаштирилган энергиянинг кўп қисми унинг ҳаёт фаолияти учун сарфланиши, озукадаги энергиянинг фақат 5—20%игина ҳайвоннинг ўсиши учун сарфланиши тўғрисида фикр юритилди. Ўтхўр ҳайвоннинг йиртқич томонидан истеъмол қилинишида озукадаги энергиянинг яна каттароқ бир қисми йўқолади. Фойдали энергиянинг шундай кўп сарф бўлтани учун ҳам озуқа занжирлари узун бўлмайди.

Озуқа занжирларининг кейинги ҳалқаларида масса тобора камайиб боради. Масалан, 1 т ўсимликдан ўрта хисобда 10 кг ўтхўр ҳайвон гавдаси массаси ҳосил бўлиши мумкин. Озуқа занжирининг асоси ҳисобланган ўсимлик массаси ўтхўр ҳайвонларнинг умумий массасидан ҳамиша бир неча баробар кўп бўлади. Шундай қилиб, **табиатда экологик пирамида ҳосил бўлади. Дастлаб экологик пирамида Ч. Элтон** томонидан тузилиб, у сонлар пирамидаси деб аталган. Пирамидалар ҳар бир озуқа занжирларидаги биомасса ва унинг эквиваденти ҳисобланган энергия нисбатларини яхши ифодалайди ва амалий мақсадларда ундан фойдаланилади. Куруқликдаги экосистемаларда биомаоса пирамидалар қоидаси кўлланилади. Барча экосистемалар учун эса бирламчи ва иккиламчи маҳсулдорликнинг нисбатлари, яъни маҳсулотлар пирамидаси қоидаси характерлидир. Сонлар, биомассалар ва маҳсулотлар пирамидалари график тарзида яхши ифодаланиши мумкин. Унда ҳар бир трофик даражадаги вақт бирлигига тўпланган биомасса кейингисидан кўп бўлади. Турли экосистемаларнинг маҳсулдорлиги бир хил эмас. Маҳсулдорлик бир неча омилларга боғлик бўлиб, биринчи навбатда иқлим омилларига боғликдир. Энг маҳсулдор экосистемалар қирғоқлар бўйи, саёз лиманлар, сув босиб турувчи ўтлокзорлар ҳисобланади.

**Экосистемаларнинг ўзгариши** Бирор-бир биогеоценозни бир неча йил давомида кузатиш орқали унинг ўзгаришининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бунда яшаш шароити, организмлар гурӯхи, жамоа-нинг тузилиш таркиби ва организмларнинг ўзаро муносабат хусусиятлари ўзгаради. Натижада биогеоценозда аввалгидек сифат жихатдан фарқланиш сезилиб қолади. Экосистемаларнинг маълум вақт ўтиши билан бирининг иккинчиси билан алмашиниш ҳодисаси **сукцессия** («сукцедо»)— кимнинг ёки ниманинг изидан бориш демакдир) деган ном олган.

Жамоадаги ўзгаришларнинг икки асосий тури ажратилади: циклик ва аста-секин борадиган ўзгаришлар. Циклик ўзгаришлар ташки мухитнинг суткалиқ, мавсумий ва кўп йиллик даврий ўзгаришларида ҳамда организмлардаги эндоген маромларида намоён бўлади. Жамоанинг суткалиқ ўзгариши ўсимликлар ва айниқса ҳайвонлар учун тааллуқлидир. Нафас

олиш, фотосинтез, модда алмашинишининг ўзгариши, гулларнинг очилиши ва юмилиши кабилар, ҳайвонларда эса турли систематик гурухдаги вакилларнинг суткалик фаолликнинг алмашиниб туриши, гулли ўсимликларнинг чанглатувчи ҳашаротларда қўниш интенсивлиги, йиртқич ҳайвонларнинг сутканинг ҳар хил вақтларида овга чиқиши ва ҳоказолар бунга мисол бўлади. Жамоа учун мавсумий ўзгариш ҳам характерли бўлиб, у жамоанинг ташки қиёфаси ёки баъзи жиҳатларининг алмашиниши билан ифодаланади. Ташки қиёфанинг ўзгариши жамоадаги ҳайвонлар таркибининг ёки ўсимликлар мавсумий ҳолатларининг ўзгариши билан боғлиқдир. Кўп йиллик ўзгаришлар об-ҳавонинг бир неча йиллар давомида ўзгариши—флуктуация билан боғланган бўлиб, бунга мисол қилиб кенг баргли ўрмонларда турли йиллардаги меваларнинг ҳосилини олиш мумкин. Одатда, яхши ҳосил 2—4 йилда бир марта олинади. Мевалар ҳосили кам бўлган йиллари сичқонсимон кемириувчиларнинг сони ҳам камайиб кетади. Қушларда сойка учун ҳакалак (эманинг меваси) ва бошқа дараҳтларнинг меваси севимли озуқа ҳисобланади.

Истеъмолчиларнинг сони камайган йили одатда юқори ҳосил олинади. Натижада уруғлар ялписига униб чиқади, ўртacha ёшдаги дараҳтлар ҳам яхши ривожланади,. чунки уруғлар билан озиқланувчи ҳайвонлар сони камайиб кетади. Мўл ҳосил ўз навбатида ҳайвонлар ва қушларнинг жадал кўпайишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, юқори ҳосилдан бир йил кейин кемириувчилар ва қушлар сони ортиб кетади. Иккинчи йили эса кемириувчилар қонини сўрувчи каналарнинг сони ортади. Ҳайвонлар сони кўпайган йили ёки келгуси йили ҳосилдорлик тушиб кетади. Шунинг учун ҳайвонларнинг сон жиҳатдан ўсиши тўхтайди. Шу даврда дараҳтлар мўл ҳосил беради, бу ўз навбатида ҳайвонлар сонининг ортишига олиб келади.

Жамоанинг аста-секин ўзгаришлари натижасида бир жамоа иккинчиси билан алмашинади. Бундай ўзгаришларнинг сабаби жамоага узоқ вақт давомида ташқаридан маълум бир йўналишдаги омилнинг таъсири натижасидир. Биоценозлардаги бундай алмашиниш экзогенетик алмашиниш деб аталади. Агарда жамоанинг тузилиши моддалашиб, турлар таркиби камайиб, ҳосилдорлик ҳам пасайиб кетса, дегрессион алмашиниш келиб чиқади. Эндогенетик алмашинишлар жамоанинг ичидаги ўзгаришлар натижасида пайдо бўлади. Агарда жамоа ҳаёт йўқ жойда ривожлана бошласа, бирламчи сукцессия деб аталади. Бир жамоанинг иккинчиси билан алмашиниши эса иккиламчи сукцессия ҳисобланиб, бу яшаш шароитининг кескин ўзгариши ёки жамоа таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиши натижасида келиб чиқади. Жамоанинг ҳаёт йўқ жойда, яъни куриб қолган чўл ва денгизлар, кумли ётқизиклар, яланғоч қоялар, тош шағалли жойларда ривожланиши уч босқичда боради. Ҳаёт бўлмаган жойларга тирик организмларнинг келиб қолиши тасодифий ёки субстратнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Тасодифий келиб қолган маълум ўсимлик уруғларининг ушбу майдонда униб, ривожланиши қандайдир ҳайвон турларининг ҳам келишига олиб келади. Бу ерга келиб қолган организмларнинг ҳаммаси ҳам яшаб кетавермайди. Дастлабки организмлар ўсимликлар ҳисобланиб, консументлар ўсимликларсиз яшай олмайди. жамоанинг ривожланишидаги бу босқич дастлабки босқич дейилади. Бу босқич турлар таркибининг турғун эмаслиги, айрим ўсимликларнинг тарқоқ ҳолда ўсиши ҳамда бир-бирларига етарли таъсир кўрсата олмаслиги билан тавсифланади. Аммо ташки муҳит билан бўлган алоқа ва унга таъсир этиш кабилар маълум даражада амалга ошади. Дастлабки босқичдаги жамоанинг ўзгариши ўсимликларнинг вегетатив ёки уруғ ёрдамида кўпайиши, янгиланиши билан бошланади. Ана шу вақтда ҳайвонлар ҳам кўпая бошлайди. Ёш индивидлар эгаллаган майдон кенгаяди, ўсимликлар қопламида маълум турлардан иборат худудлар ҳосил бўлади. Жамоанинг таркибини шу даврда ҳам барқарор деб бўлмайди. Янги турларнинг келиб қўшилиши давом этади. Жамоанинг тузилмаси анча содда, аммо жамоада турлар ўртасидаги рақобат маълум даражада роль ўйнайди. Жамоанинг ушбу босқичи гурухланиш деб аталади. Ниҳоят организмларнинг биргалиқда ҳаёт кечириши экологик дифференциациянинг шаклланишига олиб келади. Ёргувсевар ўсимликлар тагида соясеvar ўсимликлар ўса бошлайди, ҳар хил тартибдаги консументлар келиши натижасида

анча мураккаб озука занжирлари ва консорциялар вужудга келади, турлар таркиби барқарорлашади. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг жамоада бундай ривожланиш босқичи шаклланган жамоа деб аталади. Кейинчалик жамоанинг ривожланиши янада ҳам ташқи мухит билан боғлаиган муносабатлар уйғунлиги билан давом этади. Жамоанинг ташқи мухит билан уйғунлиги чет эл адабиётларида **климакс** деб аталади.

Иккиласми сукцессиялар жамоанинг аста-секин ташқи мухитга таъсири этиб уни ўзгартириши ёки тўғридан-тўғри ташқи таассуротлар натижасида келиб чиқиши мумкин. Ташқи таассуротлар натижасида алмашиниш ўз-ўзидан ёки тўсатдан бўлиши мумкин. У иқлим, тупроқ, тирик организмлар ва ёнғин ҳамда инсон таъсири кабилар билан боғланиши мумкин. Аста-секин ўзгарувчи иккиласми сукцессияларга мисол қилиб сув ҳавзасининг ўт босиши, дашт жамоасининг ўрмон билан алмашиниши кабиларни кўрсатиши мумкин. Жамоанинг тўсатдан алмашиниши ҳар хил характердаги ҳалокатли таъсирилар натижасида содир бўлади. Булар сув босиши, сурилиши, ёнғин, ерни ҳайдаб юбориши, ўрмонларни кесиш ва ҳоказолардир. Тўсатдан жамоанинг алмашиниши турларнинг ҳалок бўлиши ва унинг кейинчалик аста-секин тикланишида кузатилади.

**АгроЭкосистемалар.** АгроЭкосистемалар қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган экин майдонлари, ем-хашак олинадиган яйловлар ҳамда туёқли уй ҳайвонларини ўз ичига оловчи ҳудудлар мажмуидир. АгроЭкосистемалар таркибига инсон ҳам киради, чунки у ҳар доим экологик занжири бошқариб иложи борича кўп энергияга эга бўлган маҳсулот олишга харакат қилади ва энергетик пирамиданинг чўққисида туради. Агрофитоценоз агроЭкосистемалар-нинг энг мухим бир қисми ҳисобланиб, у маълум майдондаги маданий ва бегона ўтлар мажмуидан иборат. Агрофитоценознинг маданий, бегона ўтлар ҳамда тупроқдаги сувўтлари ва микроорганизмлари агроЭкосистеманинг мустақил қисми ҳисобланади. Агрофитоценознинг ҳаёти учун зарур бўлган ва уларсиз яшай олмайдиган ҳайвонлар унинг таркибига кирмайди. Агрофитоценозлар сунъий фитоценоз деб қаралади ва унинг табиий фитоценозларга ўхшашиб томонлари ва фарқлари бор. Ўхшашлик томонлари куйидагилар: 1. Ҳар икки жамоада ҳам қуёш энергияси автотроф организмлар томонидан ўзлаштирилади; 2. Табиий ва сунъий жамоаларнинг турлар ўртасида ўзаро алоқа муносабатлари мавжуд; 3. Бегона ўтларнинг турлар таркиби, табиий жамоаларнинг турлар таркиби ҳам ташқи мухит шароитлари билан белгиланади ва улар барқарор (алмашлаб экишнинг баъзи босқичларида ўзгарса ҳам) гурух сифатида иштирок этади; 4. Экинлар орасида ўсадиган турлар ва табиий ценозлардаги турлар учун ҳам қонуний равишда алмашинадиган фенологик фазалар характерлидир. Фарқлари эса қуйидагилардан иборат: 1. Микдорий кўрсаткичи билан; 2. Доминантлар агрофитоценозларда инсон томонидан киритилади ва бошқарилади; 3. Табиий жамоаларда турларни турли стратегик типларга ажратиш мумкин; 4. Агрофитоценозлардаги бегона ўтлар кенг экологик амплитудадаги ва космополит организмлардир; 5. Агрофитоценоздаги маданий ўсимлик популяцияси маълум бир навга тегишли бўлгани учун яхши дифференциаллашмаган.

Маданий ўсимликлар жамоаси (агрофитоценозлар) экологик нуқтаи назардан энг юқори фойдали маҳсулот бериши ва ташқи мухитни энг паст даражада ифлослантириши лозим, шунингдек табиий ресурслар сақлаб қолиниши керак. Масалан, пахта даласи биоценозини автоматик бошқариш қобилиятига эга, бу ерда бир турлар иккинчи тур билан алмашинади ва қайта тикланиш юз беради. Натижада ҳамма организмлар, сони ўз-ўзидан идора қилинади. Бахор ва ёз ойлари бошларида пахтада ғўза шираси кўпаяди. Айни вақтда хонқизлари, йиртқич пащшалар ва учиб юрувчи афидлар ҳам кўпая боради. Бир турдаги зааркунандалар тамом бўлиши биланоқ, уларнинг кушандалари бошқа зааркунандаларга ўтади ва ёки бошқа тур кушандаларга жой бўшатиб беради. Шундай қилиб, далаларда йиртқич бургалар, канахўрлар, стеторуслар каби ўргимчак каналар билан озиқланувчилар пайдо бўлади. Албатта, зааркунандалар билан курашишга қаратилган табиий конвейерлар узилиб қолиши мумкин. Энтомофаглар ҳам зааркунандаларнинг кўпайишини тўхтатиб тура олмаслиги мумкин. Бундай пайтда инсон араласиши зарурдир. Далаларни кезиб қайси участкаларда қанчадан-канча зааркунанда борлигини аниклаш,

энтомофаглар етарли участкаларда кимёвий воситалардан фойдаланишга шошилмаслик, кимёзий ишловни эса фақат хавфли ўчоқлардагина елкага осиладиган ёки тракторларга ўрнатилган асбоблар ёрдамидагина ўтказиш керак. Бу ҳолда зааркунандалар бой жойгагина кимёвий ишлов берилади. Кўшни участкаларда эса уларнинг табиий кушандалари тирик қолади. Экинзорларга кимёвий ишлов беришни биологик усууллар билан чамбарчас боғлаш янада мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги вақтларда зааркунандаларга қарши курашда микробиологик препаратлар ва биофабрикалар ташкил килинмоқда.

### **Назорат учун саволлар**

1. Агроэкосистемалар нима?
2. Биоценозларда популяциялар сонининг идора этилишини изоҳланг?
3. Экосистемаларнинг биологик маҳсулдорлигини тушунтинг?
4. Экологик ниша нима?
5. Биоценозларда популяциялар сонининг идора этилиши қандай?
6. Сукцессия нима?

### **Таянч иборалар**

Популяциянинг ўсиши, популяциянинг гомеостази, трофик, топик, форик ва фабрик. Экосистемалар, агроэкосистемалар. Сукцессия, биоценоз, климакс, биотоп.

## **МАВЗУ-7. ФЛОРА ВА ФАУНА**

**•Флора ва унинг таркиби. •Фауна ва унинг таркиби. •Флора ва фауна йўналтирувчи гурӯҳлар.**

**Флора ва фауна деганда** - ўз ареали ва келиб чиқиши тарихига кўра маълум худудда яшовчи ўзаро яқин турлар турмлар ва оммаларнинг йиғиндиси тушунилади.

Флора ёки фауна деганда шу айни жойнинг ёки майдоннинг барча категорияга мансуб ўсимликлари ёки ҳайвонларини ўз ичига олади. Флора ёки фаунанинг характерли хусусиятлари шу организмлар яшаётган аниқ майдоннинг флораси ёки фаунаси бўлши мумкин. Шундай майдонларни бир нечаси бирлашиб районни ташкил килиши мумкин.

Районларнинг бир нечаси бирлашиб округ, флора округидан эса провинция вужудга келади. Провинциялар бирлашиб областларни, областлар ўз навбатида ўсимлик ва ҳайвонларнинг хукмронлиги худудларини ташкил қиласи ва уларнинг флораси хамда фаунаси тушунчаси бирмунча умумийроқдир. Маълум майдоннинг флора ёки фаунасини ўрганишда, бу ердаги организмларнинг барча турлари ва уларнинг ўзаро бир-бирига якинилик даражаси, генетик боғланиш ва келиб чиқиш тарихи маълумотларини аниклаш керак бўлади, яъни аникроқ қилиб айтганда, шу майдонни инвентаризация қилинади, яъни рўйхатга олинади. Масалан, шу жойдаги микроорганизмлардан тортиб токи сут эмизувчиларгача ҳисобга олинади ёки ўсимликлардан яшил эвгеленадан тортиб ёпиқ уруғли ўсимликларгача ҳисобга олинади. Ер шарининг қайси бир нуқтасидаги флора ва фауна аниқланмаса шу жойдаги мухит флора ва фаунага жуда кучли таъсири курсатади ва мухитнинг таъсирида узоқ йиллар мобайнида экологик мухитнинг таъсирида флора ва фаунанинг ўзига хос марфологик ва анатомик шаклига эга булган тузумлари юзага келади.

Флора ва фауна маълум бир худудда жойлашган ўсимлик ёки ҳайвонларнинг турларини системасини, сонини, ёшини аниклашга ўаратилган. Фақат бир нарсани аниклаш керакки, маълум худуднинг ўсимликлар ёки ҳайвонлар гурӯхи билан уларнинг флораси ва фаунасини фарқ кила билиш керак.

Биз тундра флораси деса ёки чўл ҳайвонлари деганда кўзга яққол ташланадиган ўсимлик ёки ҳайвонларни тушуниб колинади. Ўрмон флорасида асосан шу ўрмонни хосил қилувчи игна барглилар ёки кенг баргли бир неча ўсимликлар тушунилади.

Флора ва фаунада энг кичик микроскопик кўринишга эга бўлган ресурслардан тортиб, юкори сут эмизувчи ҳайвонларгача, ўсимликларда эса яшил эвгеленадан тортиб, уруғли ўсимликлар ҳаммаси биргалиқда тушунилади. Шунга кўра хар бир жойнинг ўзига хос флораси ва фаунаси бўлади. Масалан, катта худудга эга бўлган Африка қитъасида ўсимликларнинг 500 тури мавжуд бўлса, майдон жиҳатидан бунга бир неча юз баробар кичик бўлган Филиппин оролларида 200 оила ва 8000 дан ортик ўсимлик тури мавжуд. Флора ва фаунага бой деган тушунча шу майдондаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг сони билан эмас, балки турларнинг оз ёки кўплиги билан ўлчанади. Масалан, жуда катта майдонларни эгаллаган ўрмонзорларда асосан 1-2 тур ўсимлик доминантлик килади, холос. Бошка майдонларда бунчалик ўсимликлар бўлмаса хам турлар сони жуда кўп бўлиши мумкин. Масалан, ўтлоқзорлар флорага ўрмонларга нисбатан бойроқ бўлади.

Флора ва фауна шу (ўрганилаётган) майдонда учраши ва яшаш холатига кўра бир неча группаларга бўлинади:

**1. Энг қадимги (рельект)** жой учун организмлар шу жой учун бирламчи флора ёки фаунани ташкил қиласди. Айни вақтда шу ерда бундай организмлар яшаса хам улар шу майдон флора ва фаунасини йўналтирувчи бўла олмайди. Сабаби рельект организмлар археоорганизмлардир.

**2. Флора ёки фауна ядроси** - бу груупа организмларига шу жойнинг биоценозидаги кўзга яққол ташланадиган доминант организмлар группаси киради. Булар узок ўтмишда шу жой шароити учун яхши мослашиб, ривожланиб кетган ва айни пайтда шу жойнинг флораси ёки фаунаси учун хал қилувчи ёки йўналтирувчи кучга эга бўлган группалар ҳисобланади. Бундай этмайди. Қачонки иқлим шароигининг кескин ўзгариши турли хил ҳодисалар ва геологик ўзгаришларгина уларнинг флора ва фаунасига таъсир қила олиши мумкин.

**3. Автохтон организмлар** - "авто" ўзи "хтон" ер дегани грекча. Флора ва фаунадаги бундай организмлар шу ўрганилаётган майдоннинг ўзида пайдо бўлган, яъни абориген (туб ерли) турларгина ва уларнинг узок йиллар давомида ўзаро дурагайланиши ва табиий танланиши натижасида вужудга келган турларни хосил қиласди. Булар шу майдон учун хосил қилувчи ёки йўналтирувчи кучга эга бўлмаса хам экологик шароитга чидамлилик жиҳатидан устун туради.

**4. Аллохтон ёки миграцион** - флора ва фауналарнинг пайдо бўлиши грекча "аллос" бошқа, бегона "хтон" ер дегани. Миграция эса қўчиш дегани. Маълум турларни бир Худуддан иккинчи худудга келиб яшаб қолиши тушунилади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Флора тушунчасини моҳиятини тушунтиринг?
2. Faуна тушунчасини изоҳланг?
3. Флора ва фауна инвентаризацияси деганда нимани тушунасиз?
4. Флора ва фаунанинг маълум майдонда ўзгариши ва яшаш шароитига кўра гурухлари қандай?
5. Флора ва фаунани ўрганишдан мақсад нима?

### **Таянч иборалар**

Флора, фауна, флора ва фауна инвентаризацияси, викаризм, энг қадимги рельект организмлар, флора ва фауна ядроси, автохтон, аллохтон организмлар.

## **МАВЗУ -8. ЎСИМЛИКЛАРНИ ГЕОГРАФИК ТАРҶАЛИШИ**

**•Ўсимликларни аҳамияти. •Таксономик бирликлар тизими. •Ўсимликлар дунёсини географик тарқалишига кўра хукмронликларга ажратилиши. лористик областлар.**

Ер шарининг барча экологик шароитларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг маълум турлари шу шароитга мослашиб қолади. Натижада бир-бири билан келиб чиқиши ва генетик жиҳатлари яқин бўлган бир қанча экологик шароитлар ёнма-ён жойлашган бўлиши мумкин. Ўсимлик ва ҳайвонлар экватордан шимолга ва жанубга томон бир-биридан кескин фарқ қилади. Сабаби қуёшнинг тик бурчак асосида тушиши натижасида зоналлик келиб чиқади. Фарбдан-шарққа томон эса кучли фарқ қилмайди. Шунга кўра ўсимлик ва ҳайвонларнинг тарқалишини ўрганишда таксономик бирликлардан фойдаланилади:

**1. Хукмронлик.** Хукмронлик энг катта таксонамик бирлик бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонларнинг тарихан келиб чиқиши ва генетик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган оила, синф, типларнинг бир қанча группировкасини ўз ичига олади. Лекин хукмронлик фақат ҳудуд жиҳатидан катта майдонларгагина эмас, у флористик ва фаунистик жиҳатдан жуда бой ва уларнинг бошқа жойларда такрорланмаслиги, яъни яққол ажralиб турадиган кичик ҳудудларга ҳам бу категориялар берилади. Масалан: кап хукмронлиги жуда кичик область бўлса ҳам флора ва фаунаси бошқа жойда учрамайди. Шунинг учун алоҳида ажратилган.

**2. Флора ва фауна области** - майдон жиҳатдан хукмронликка нисбатан бир неча баробар кичик. Шу хукмронликнинг маълум бир қисмининг, яъни ўзига хослиги ўсимлик ва ҳайвонларнинг шу хукмронлик ичида бошқа областларга ўхшамаслиги билан ажralиб туради.

**3. Провинциялар** - Область майдонининг бир неча провинцияларга булиниши. Бу провинциялар область ичида бошқа провинциялардан флора ва фаунасининг ўзига хослиги билан ажralиб туради.

**4. Провинциялар** - ўз навбатида бир неча округларга бўлинади. Округлар эса районларга бўлинади. Районлар эса ценопопуляцион майдонларга бўлинади, яъни аниқ майдонларга бўлинади.

Хозирги вақтда яшаб турган ўсимлик ареалларини ўрганиш ва уларнинг бир-бирига солиштириш асосида ҳамда тарихий келиб чиқиши палеанталогик методлар билан аниқланиб ва генетик жиҳатдан бир-бирига боғлиқлигини ўргангандан холда ер шарининг барча қуруқлик қисми 6 та ўсимлик хукмронлигига ва 34 та флористик областларга бўлиб ўрганилади.

Флористик областларга бўлиб ўрганиш учун жуда кўп олимларнинг ишлари мавжуд. Булар ичида дунё бўйича тан олингани А.Л.Тахтаджаннинг иши тан олинган. Ер юзи куйидаги флористик хукмронликларга бўлинади:

1. Голларттик ўсимликлар хукмронлиги - бу хукмронлик ўз навбатида 9 та флористик областларга бўлинади.
2. Палеотропик ўсимликлар хукмронлиги - 12 та областга бўлинади.
3. Неотропик ўсимликлар хукмронлиги - 5 та областга бўлинади.
4. Кап ўсимликлар хукмронлиги областларга бўлинмайди.
5. Австралия ўсимликлар хукмронлиги - 3 та областга бўлинади.
6. Голантаркттик ўсимликлар хукмронлиги - 4 та областга бўлинади.

**1. Голаркттик ўсимликлар хукмронлиги** - барча флористик областлар бир-биридан ёшига ва тарихий тараққиётiga кўра бир-биридан фарқ қилади. Бир флористик областдаги ўсимлик турлари 3-ламчи даврлардан бошлаб кўп ўзгаришга учрамаган, релект турларга бой бўлса, 2 област эса музлик таъсирида ўзгарган. Рельект турлар камайган. Голаркттик ўсимлик хукмронлиги қолган хукмронликларни ичида энг катта майдонни ўз ичига олади, яъни ер шари қуруқлигининг деярли ярми шу хукмронликка тўғри келади. Бунинг ҳудудида бир неча юзлаб эндем тур ва авлодлар бўлиб, жумладан 30 дан ортиқ оила эндем ҳисобланади. У куйидаги областларга бўлинади:

**1. Циркумбориал области** - энг катта флористик область бўлиб, МДҲ худудининг асосий қисми, Европа, Шимолий Америка шу область худудига киради. Бу область катта бўлишига қарамай унда эндемик оилалар йўқ. Лекин Альп ва Кавказ, Карпат тоғлари, Канада худудларида кўп эндемик тур ва авлодларга эга. Бу областнинг майдонлари турли қитъада жойлашган бўлса ҳам, уларда тарқалган ўсимликлар келиб чикиш жиҳатларидан бир-бирига яқин ва ландшафт кўриниши ҳам монотом. ўзига хос хусусиятларидан яна бири ер юзида ўсимликлар қомламининг юқори даражадалиги билан биринчи ўринда туради.

**2. Шарқий-Осиё области** - бу область худудига шарқий Химолай, Ҳиндистон чегарасидан бошлаб, Хитойнинг шарқий қисми, шимолий Бирма, Корея, Япония, Сахалин ороллари киради. Майдон жиҳатидан олдинги областларга нисбатан кичик бўлишига қарамай, бу область ўсимликлар турига ниҳоятда бой. Ўсимликларининг ўзига хослиги билан ажralиб туради. Бу областда 300 дан ортиқ тур ва 14 дан ортиқ оила эндем ҳисобланади. Бунга сабаб бу область худудида турли хил иқлим шароити бўлганлигидир..

**3. Атлантик-Шимолий Америка области** - бу область худудига Атлантика океанининг қирғоқлари, Шимолий Америка, Жанубий Канада худудлари киради. Бу областда 1 та эндем оила ва 100 дан ортиқ эндем ва бир неча юзлаб эндем турлар бор. Бу областда айқтовондошлар, атиргулдошлар, кўкноридошлар кенг тарқалган.

**4. Қояли тоғлар области** - бу область Шимолий Америка қитъасида Канаданинг ғарбий қисми ва АҚШ ғарбий штатлари ҳам киради. Бу областда юқори ўсимликлардан эндем оила йўқ. 1 та жигарсимон моҳдан ташқари, лекин эндем турлар жуда кўп.

**5. Макронезия области** - Бунга бир қанча ороллар киради. Буларни умумий ном билан Азор-Мадейра, Яшил бурун ороллари деб аталади. Бу областда кўплаб ороллар бўлганлиги учун эндем тур ва авлодга бой. Лекин эндемик оила йўқ. Сабаби иқлим хусусияти бир-бирига яқин.

**6. Ўрта ер денгизи области** - бу областга Ўрта ер денгизи атрофидаги барча мамлакат ва бир қанча ороллар киради. Бу область худудида битта эндемик оила ва 150 дан ортиқ авлод ва бир неча юз турлар эндем ҳисобланади. Эндемизмни кучлилигига сабаб ўсимликларнинг келиб чиқсан марказлардан биридир.

**7. Араб Саҳрои Кабир области** - бу область Худудига Африка саҳросининг тропик бўлмаган қисми киради. Синай ярим ороли, Арабистон ярим ороли, Иорданиянинг бир қисми, Сирия саҳроси, Қуий Месопотамия киради. Бу областда ҳам эндемик оила йўқ. 300 дан ортиқ эндемик тур аниқланган.

**8. Эрон-Турон области** - Сириянинг катта қисми, Шимолий Фаластан, Иордания, Юқори Месопотамия, Арманистон тоғлари, Жануби-шарқий Закавказия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Тибет системаси, Монголия, Шимолий Сибирнинг жанубий қисми киради. Бу область худуди кескин континентал иқлиmlи бўлиб, лекин хилма-хил ўзига хос иқлим шароитига эга бўлган бир неча тоғликлар системаси жойлашганлиги сабабли эндем турларга бой ҳисобланади. Масалан, айқтовондошлар, атиргулдошлар, шўрадошлар, кўкноридошлар, итузумдошларнинг кўп турлари эндем ҳисобланади. Мавжуд турлардан бир қанчалари бу область учун рельект ҳисобланади.

**9. Мадейра ёки Санор области** - бу область Шимолий Америка қитъасининг ғарбий соҳилларида Калифорния саҳролари, Мексика тоғликлари ва АҚШнинг бир қанча штатларини ўз ичига олади. Бу область худудида 4 та эндемик оила, 45 та авлод ва 200 дан ортиқ эндем турлар бор. Иқлим шароити ниҳоятда хилма-хил.

**2. Полеотропик ўсимликлар ҳукмронлиги.** Бу ҳукмронликка Тинч океанининг тропик ороллари (Шарқий Америкадаги тропик ороллар бунга кирмайди), Африка қитъасининг океандаги қатор ороллари, Ҳиндистон, Ҳиндихитой, ярим ороли, Индонезия ороллари киради. Бу ҳукмронлик яхлит қитъалардан иборат бўлмасдан иқлими жиҳатидан ўзига хос 1000 лаб оролларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам эндемик турларга бой ва 40 та энден оила мавжуд.

**10. Гвения-Конголез области** - Бунга шарқиј Африка Республикалари, Камерун, Конго, Кот-Иуар ва бошқалари, Гвения ва Конго дарёсининг ҳавзалари киради. Конго дарёсининг ҳавзаси ниҳоятда хилма-хил иқлим шароитига бой бўлганлиги учун бу область ўзининг қўшни областлардан флорага бойлиги билан фарқ килади, унинг учун областнинг ўзида 6 та оила эндем бир неча юзлаб эндем турлар мавжуд.

**11. Судан-Замбия области** - бу область катта худудни эгаллади. Деярли Африка мамлакатлари, Арабистон ярим ороли, Хиндистоннинг шимоли-ғарби киради. Бу область худудининг катта қисми иқлим жиҳатидан бир-бирига яқин, лекин океан ва денгиз қирғоқларидаги иқлим шароити бир-биридан кескин фарқ қилганлиги сабабли бу область ҳам эндем турларга бой, 3 та эндемик оила мавжуд

**12. Карунамбия области** - Намибия киради. Ҳудуди бир мунча кичикроқ. Африканинг жануби-ғарбидаги жойлашган. Бунга Оранживий дарёси ҳавзаси ва ЖАРнинг бир қисми киради. Бу область худудида 1 та оила эндем ва 10 лаб турлар эндем ҳисобланади.

**13. Вознисения в Авлиё Елена ороллари области** - бу область худудига 2 та орол киради. Лекин бу 2 та оролни 1 та область таркибига киритилишига сабаб, уларнинг иқлими, ўсимликлари ўзига хос ва тақорланмас. Авлиё Елена оролида ўсадиган 39 турнинг 38 таси эндем ҳисобланади. Вознисения оролида обориген ўсимликлар йўқ, миграцион йўл билан ўсимликлар кўпайган. Бу оролда ҳам ҳозирги пайтда 2 та эндем тур яшайди.

**14. Мадагаскар ороли области** - бу область худудига Мадагаскар ороли, унинг атрофидаги бир қанча ороллар, яъни Камор ороллари, Альдабр ороллари, Сейшал ороллари, Маскирент ороллари киради. Бу область оролларида иқлим шароити турлича бўлганлиги учун ўсимликлар ҳаёти учун ниҳоятда қулай ва шунинг учун бу кичик худудда 9 та 450 дан ортиқ авлод 780 тур эндем турлар бор.

**15. Хиндистон области** - бунга Хиндистон ярим ороли, унинг жанубидаги Хинд океани ороллари, Мальдив ороллари, Чагос архипелаги, Цейлон ороли киради. Бу областда эндем оила йўқ. 100 дан ортиқ авлод ва бир неча юзлаб эндемик турлар бор.

**16. Хиндиҳитой области** - бунга Бирманинг тропик қисми, Таиланд, Хиндиҳитой, Андаман, Никабар ороллари киради. Бу областда ҳам эндемик оила йўқ. Лекин 250 дан ортиқ эндем авлод ва бир неча юзлаб эндем турлар мавжуд.

**17. Малинезия области.** Бунга Индонезия, Филиппин, Суматра, Калимантан, Янги Гвинея, Саломон ороллари ва жуда кўплаб майдони ўз ичига олади. Бу област майдони бир неча юзлаб ороллардан ташкил топган. Иқлим шароити ниҳоятда хилма-хил, лекин уларда умумийлик бор. Бу область худудида иккита эндем оила ва кўплаб эндем турлар мавжуд. Айниқса, Янги Гвинея ороли ўзига хос бўлиб, бу ерда 140 дан ортиқ эндем авлод яшайди.

**18. Фиджи ороллари области.** Ҳудуди жуда кичик ороллари жуда кўп. Бунга Янги Гибрит, Самоа, Тонго ороллари киради. Бу областда битта оила, жуда кўп эндемик авлодлар ва турлар мавжуд. Фиджи ороллари эндемик турларга жуда бой.

**19. Поленезия области.** Бу область худудига Тинч океанининг катта майдони ва юзлаб ороллар киради. Бунга Королин, Маршалл, Гилберт, Мариан, Эллис, Феникс, Маркиз ороллари киради. Бу област табиий шароити хилма-хил бўлишига қарамай, буларда эндемик оила йўқ. Лекин бир неча юзлаб авлод, юзлаб эндемик турлар бор.

**20. Гавайи ороллари области.** Майдон жиҳатдан бошқа ороллардан бир неча марта кичик, лекин ер шаридаги мавжуд ороллар ичида ўзига хослиги билан ажralиб туради. Сабаби қуруқликдан анча узоқда жойлашган, яъни сув билан изоляцияланган орол ҳисобланади. Шунинг учун бу област ўсимлик олами ниҳоятда хилма-хил. Шунинг учун олимлар майдони жуда кичик бўлишига қарамай, бунга област даражасини беришган. Бу област ўсимликлари кўпчилиги обориген, лекин инсон фаолияти натижасида миграцион йўл билан келиб қолган турлар ҳам мавжуд. Булар Америка қитъасига бирмунча якинроқ бўлганлиги сабабли шимолий Америкада ва Америкада ўсадиган ўсимликлар ҳам учрайди.

**21. Янги Каледония области.** Бу област ҳам майдон жиҳатидан кичик худудни ўз ичига олади. Асосан бунга Янги Каледония ороли ва унинг атрофидаги бир неча ороллар

киради. Эндемизмга жуда бой. Ўсимликларнинг олтита оиласи 130 дан ортиқ авлод ва минглаб эндем турлар бор.

**3. Неотропик ўсимликлар ҳукмронлиги.** Бу ҳукмронлик ҳудудига Флорида ярим оролининг жанубий қисмлари, Мексика қирғоқлари, Марказий Америка, Антил ороллари ҳамда экваториал Американинг катта қисмидаги бир қанча мамлакатлар ҳудудлари киради. Бу ҳукмронлик ҳудуди хилма-хил иқлим шароитига эга бўлганлиги туфайли ўзига хос ўсимлик дунёсига эга ва флорага жуда бой. Бу ҳукмронликда 28 та оила эндем хисобланади. Бу ҳукмронлик қўйидаги 5 та областларга бўлинади.

**22 (1). Карип области** - бу областга Флорида ярим оролининг тропик қисми, Кичик Антиль, Галапагос, Багам, Бермуд ороллари киради. Карип области ҳудуди бир қанча ороллар бўлганлиги сабабли уларда эндемизм кучли, яъни бу областда 2 та оила 500 дан ортиқ авлод, 100 лаб турлар эндем хисобланади.

**23 (2). Гвиан тоғлари области** - бу область майдони унча катта эмас, лекин Гвиан яssi тоғларида жуда қадимги архио ўсимликлар кўплаб учрайди ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яъни бу областда яшайдиган 8000 тур ўсимликнинг 4000 дан ортиғи эндемик турлар хисобланади. Бу яssi тоғларнинг юқори қисмларидағи айrim воҳаларда эндемизм 97 фоизгача боради. Эндем оила фақат битта холос.

**24 (3). Амазонка области** - бу область ҳудудига Амазонканинг барча ирмоқлари билан бирга бўлган ҳавзаси киради. Територияси катта ва ўзига хос ўсимликлар дунёсига бой 1 та оила 500 дан ортиқ авлод ва 3000 дан ортиқ тур эндем хисобланади. Бу област ҳудудида тропик ёмғирли ўрмонларнинг жуда катта майдони мавжуд. Бундай ўрмонлар ер шарининг бошқа майдонида унчалик катта яхлит майдонда учрамайди.

**25 (4). Бразилия области.** Бунга Бразилия Яssi тоғлиги, Атлантика океани қирғоғидаги бир неча майда ороллар киради. Бу област ҳудудида эндем оила йўқ. 400 дан ортиқ авлод ва 100 лаб турлар эндем хисобланади.

**26 (5). Анд области** Патагониядан шимол тарафга токи карибгача бўлган қисми киради. Чеккасидаги ороллари ҳам киради. Бу областда 1 та оила 10 лаб авлод ва бир неча юзлаб турлар эндем хисобланади.

**27 (1). Кап ўсимликлар ҳукмронлиги ва области.** Бу ҳукмронлик жуда кичик майдонни эгаллаб, Африка материгининг энг жанубий қисмида жойлашган. Бу ҳукмронлик 1 та област хисобланади. Олимлар бу кичик областга ҳукмронлик даражасини беришига сабаб нихоятда ўсимликлар флорасига бой ва ўзига хос такрорланмас. Шунинг учун ер шаридаги энг кичик Циркомбориал областга нисбатан бир неча юз баробар кичкина ўсимликлар ҳукмронлиги хисобланади. Бу ҳудудда 7 мингдан ортиқ ўсимлик тури булиб, уларнинг ичидаги бир неча минглаб эндемик тур, 280 дан ортиқ авлод ва 7 та оила эндем хисобланади.

**5. Австралия ўсимлик ҳукмронлиги** - бу ўсимлик ҳукмронлигига асосан Австралия материги ва унинг атрофидаги бир неча ороллар киради. Бу ҳукмронлик ҳудудидаги ўсимликлар ер шарининг бошқа областидан кескин ажралиб туради. Эндемик турларга бой. Ўзига хос ўсимлик турлари мавжуд. 8 дан ортиқ эндем оила 570 дан ортиқ авлод ва 1000 лаб ўсимлик тури эндемик хисобланади. Бу ҳукмронлик 3 та областга бўлинади.

**28 (1). Шимоли-шарқий Австралия области.** Бунга Австралиянинг шимоли-шарқий қисми, Тасмания ва бир неча майда ороллар киради. Бу областда 4 эндем оила 200 дан ортиқ авлод ва бир неча юзлаб турлар эндем хисобланади.

**29 (2). Жанубий-Ғарбий Австралия области.** Бу област Австралия ҳукмронлиги ичидаги энг кичиги булиб, Австралиянинг жануби-ғарбида жойлашган. Бунга қирғоқка яқин бир неча ороллар ҳам киради. Лекин бу област эндемик турларга бойлиги билан ажралиб туради, яъни материклар ичидаги ягона. Бу областда 2841 тур ўсимлик яшаб, 2472 эндем тур, 125 авлод, 4 та оила эндем хисобланади.

**30 (3). Марказий Австралия области.** Бу уччала област таркибида энг каттаси хисобланади. Бунга Австралия чўллари, Хинд океани қирғоғидаги бир неча ороллар киради.

Бу област ҳудудида 85 авлод эндем бир неча юзлаб турлар эндем хисобланади. Эндем оила Австралия чўлларида дараҳтли ва бутали саванна ўрмонлари кўпроқ учрайди.

**6. Голантартик ўсимликлар ҳукмронлиги.** Бу ҳукмронлик ҳудудига жанубий ярим шарнинг совуқ зоналари кириб, Жанубий Американинг Патагония қисми атрофидаги ороллари билан бирга, ҳамда Янги Зеландия киради. Бу ҳукмронлик 4 та областга бўлинади.

**31 (1). Хуан Фернандес ороллари области** - Патагониянинг гарбий томонидаги Хуан Фернадес оролини ўз ичига олади. Бу област ҳудудида 1 та оила, 20 дан ортиқ авлод ва бир неча юзлаб тур эндем хисобланади.

**32 (2). Чили Патагон области.** Бу област ҳудудига Жанубий Американинг Чили Патагония Фонкленд, Оловли Ерлар ва бошқа оролларни ўз ичига олди. Бу област ҳудуди майдон жиҳатдан катта ва хилма-хил бунга икки материк (жанубий Америка ва Антарктиданинг яримороли ҳам) киради. Бир неча ўзига хос иқлимли ороллар ҳам киради. Натижада бу област ҳудудида 7 та оила, 250 та авлод, бир неча юзлаб тур эндем хисобланади.

**33 (3). Суб антартик области.** Бу област ҳудудига Гоф, Принс Эдувард, Амстердам, Сент Пол, Кергелен оролларини ўз ичига олади. Бу ерда 2 та авлод, ўнлаб эндем турлар мавжуд, эндем оила йўқ.

**34 (4). Янги Зеландия области-** бу област ҳудудига Янги Зеландия, Кермадек, Чатем, Антипот ороллари билан биргаликда бир қанча майда ороллар ҳам киради. Бу област ҳудудида битта оила, 45 та авлод, бир неча ўнлаб эндем турлар мавжуд.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Биогеография фани таксономик бирликлар системасини изохланг?
2. Голаркттик ўсимликлар ҳукмронлиги ва унинг областларини тушунтиринг?
3. Палеотропик ва неотропик ўсимликлар ҳукмронликларини изохланг?
4. Кап ва ўсимликлар ҳукмронликларини областларини тахлил килинг?
5. Галантартик ўсимликлар ҳукмронлигини тушунтиринг?
6. Ўсимликлар дунёсини флористик ҳукмронлик ва областларга ажратилиши сабабларини тушунтиринг.

#### **Таянч иборалар:**

Таксономик бирликлар, ҳукмронлик, область, округ, ценопопуляцион майдон, голаркттик, палеотропик, неотропик, Кап, Австралия, Голантартик ўсимликлар ҳукмронликлари, ўсимликларни географик таркалиши.

### **МАВЗУ-9. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ**

**•Ҳайвонот дунёсининг географик тарқалишига таъсир этувчи омиллар.**  
**•Ҳайвонот дунёсининг ҳукмронлик ва областга ажратилиши, палеогейва арктогей ҳайвонлар ҳукмронлиги. •Арктогей ҳайвонлар ҳукмронлиги. •Неогей ва нетогей ҳайвонлар ҳукмронликлари**

Ер шарида ҳайвонот олами тур жиҳатдан хилма-хил бўлиб, ўсимликларга нисбатан деярли 3 баробар кўрдип. Масса жиҳатидан жуда оз, яъни 1% холос, 99% ўсимликлар хиссасига тўғри келади.

Ҳайвонлар ер шарининг иурли қисмларида иқлим шароитининг турлилигига қараб турлича тарқалган. Ҳайвонот оламини ҳукмронликка, областластларга ажратишда кўп олимлар ўз ишларини олиб боришган. Улар ичida тан олингани 1976 йили қрўжановский

таклиф қилған системадир. Бунга күра ҳайвонот олами 4 та ҳайвонлар хукмронлигига ва 14 та фаунистик областга бўлинади.

**1. Палеогей ҳайвонлар хукмронлиги.** Буларнинг ҳудудига 4 та область киради. Яъни, Африка материгининг асосий қисми, Мадагаскар ороли, Хиндистон ярим ороли, Хиндиҳитой, Зонд оролари, Янги Гвинея, Полинезия ороллари киради.

**2. Арктоғей Ҳайвонлар хукмронлиги.** Бу хукмронлик 2 та кичик хукмронликка бўлинади.

**1.Палеарктик фаунистик кичик хукмронлиги.** Бу хукмронлик 3 та областга бўлинади:

1. Европа-Сибирь области
2. Қадимги Ўрта ер области (Турон)
3. Шарқий Осиё области

**2. Неоарктик фаунистик ҳайвонлар кичик хукмронлик 2 та оластга бўлинади.**

1. Канада области
2. Санор области

**3. Неогей ҳайвонлар хукмронлиги 2 та областга ажратилади:**

1. Неотропик
2. Карип

**4. Нотоғей ҳайвонлар хукмронлиги 3 та областга бўлинади:**

1. Австралия области
2. Янги Зеландия области
3. Патагония области

Палеогей ҳайвонлар хукмронлиги куйидаги 4 та областга бўлинади:

**1. Эфиопия области.** Бу область ҳудудига Африка материгининг жанубий қисмидан бошлаб, Сахрои Кабргача булган майдонни Ўз ичига олади. Бу областнинг асосий қисмини экваториал иқлим минтакаси ташкил килғанлиги учун экваториал ўрмонлар ва саванналардан иборат. Шунинг учун бу областда узига хос ҳайвонлар таркалган. Сут эмизувчиларнинг кўпчилик турлари эндем хисобланади. Жумладан, Антилопа, Аленларнинг 2 тури, Жирафа, зебра, Африка фили, Шимпанзе, Горилла, Мартишка, Бегемотларнинг 2 тури, Носорок, йирткичлардан Африка йулбарси, Геопард, ёввойи мушук, Гиена (бўри йўқ). Гиена Африка саванналари учун санитариялик вазифасини бажаради. Бу областда судралиб юрувчилар кенг таркалган. Масалан: калтакесак эчкиэмарлар, геконлар, аспидлар иоласига мансуб булган кобралар, умуман 20 дан ортик хил илонлар яшайди. Экваториал ўрмонлар зонасида 7-9 метр келадиган питонлар яшайди. Бу областда эндем туркумлардан страус (Африка түяқуши). Умурткасизлардан турли хил хашаротлар эндем хисобланади.

**2. Индомалай области.** Бу область ҳудудига Осиёнинг тропик ва субтропик қисми киради, яъни Хиндистон, Покистон, Хитойнинг жанубий қисми, Бирма, Вьетнам, Катта ва Кичик зонд ороллар, Янги Гвинея ва Фиджи ороллари киради. Бу область иқлими жуда хилма-хил. Кўп ороллар бир-биридан яхши ажралган. Шунинг учун ҳайвонот олами ҳам бир-биридан кескин фарқ қилиб, хилма-хилдир. Биргина сут эмизувчиларнинг 46 оиласи эндем хисобланади.

Коқчиглийларни 5 та оиласи, йирткичларнинг жуда куп вакиллари йулбарс, леопард, геопард кенг таркалган. Узига хос ҳайвонлардан Хиндистон филлари, тапрлар, носороклар, тунгизлар, буйволлар, архарлар кенг таркалган. Приматларнинг орангутан, гибbon, лемур, шимпанзе каби турлари таркалган. Қушлардан жаннат қуши, казауралар, товуслар, бойёғли (сава), судралиб юрувчилардан тошбақалар, калтакесаклар, илонлар, тимсоҳлар, учар калтакесаклар, илонларни 45 та эндем тури бор. Жумладан, гадюка, аспид, кузанакшли

илонлар эндем хисобланади.

**3. Мадагаскар фаунистик области.** Бу область худудига Мадагаскар ороли ва унинг атрофидаги бир неча ороллар группаси, Канор ва Сейшель ороллари биргаликда киради. Бу область ўсимликлар хукмронлигига хам 1 та алохиди областга ажратилади. Ҳайвонот олами бу областда узига хослиги билан бошқа областдагидан кескин фарқ килади. Биргина приматларни 20 дан ортик тури бор. Ёки кемирувчи йирткичларнинг деярли хамма тури эндем хисобланади. Энг ўзига хос кемирувчи йирткичлардан мушукка ўхшаш фаскосидир (рельект). Бу олимларнинг фикрига кўра энг қадимги археологик сут эмизувчилардан хисобланади. Жуда кўп сут эмизувчи ҳайвонлари Африка области сут эмизувчи ҳайвонларига ўхшаш. Қушларнинг жуда кўплаб турлари эндем. Судралиб юрувчилардан хамелион, геккон, тошбақа, тимсоҳлар яшайди. Лекин хақиқий захарли илонлар бу ерда йук. Факатгина Мадагаскар довини 4 тури яшайди. Лекин бақаларга бой. 150 дан ошик бақа тури мавжуд. Умурткасиз ҳайвонларнинг асосан ҳашаротлар кенг тарқалган.

**4. Палинезия области.** Бу область худудига Тинч океанининг жуда катта майдонидаги бир неча юзлаб ороллар киради. Бу областдаги барча ороллар бир-биридан маълум даражада изоляцияланганлиги сабабли ҳайвонот олами хам хилма-хил учрайди. Сут эмизувчилардан энг куп таркалгани куршапалаклар. Қизиги шундаки хамма томони сув бўлишига қарамасдан тошбака ва тимсоқлар учрамайди. Илонлар ҳам кам, фақат фиджи оролларидағина эндемик аспид учрайди. Хамда бир неча тур квакша бакалари учрайди. Бу областнинг асосий ҳайвонот дунёсини қушлар ташкил килади. Уларни юздан ортик авлоди яшаб унинг 35 таси эндем хисобланади. Биргина Гавай оролларининг узидағина яшаш шароитига кура тарли организмларнинг метаморфозлашиши куплаб учрайди. Масалан: Гвай светичниги деган қушни некторниги 22 хил куринишга эга ёки бир турга оид қушларнинг ранг узгаришлари нихоятда хилма-хил. Умурткасизлардан хилма-хил капалаклар доминант организмлар хисобланади.

**2. Арктоғей ҳайвонлар хукмронлиги** – Голартик ўсимликлар хукмронлиги чегарасига тўғри келади. Иккита кичик ҳайвонлар хукмронлигига булинади.

### 1. Полеарктик кичик ҳайвонлар хукмронлиги

### 2. Неоарктик кичик ҳайвонлар хукмронлиги

1. Полеарктик ҳайвонлар к. хукмронлигига 3 та фаунистик областга бўлинади.

**1. Европа – Сибирь области** – бу область худудига Евросиё материгининг шимолий қисми шимолий Америка, Аляска, Греландия, Чукотка, Камчатка ороллари киради. Жуда катта худуд ва иқлим шароитига эга. Лекин маълум даражада иқлимда умумийлик бўлганилиги сабабли фаунаси жуда бой эмас. Уларда шимолдан-жанубга қараб маълум даражада ҳайвонот дунёси хилма-хил бўлиб боради. Сут эмизувчилардан айиқлар, тулки, оленлар, олмахонлар, зулбарлар, йирткичлардан бури, ласка, расамах, кемирувчилардан леминглар, суслик, юмронқозик, бобрлар, қушлардан чумчуқлар, карга ва кўпчилик бошқа қушлар миграция йули билан келган қушлардир. Умурткасиз ҳайвонлар бошқа областларга нисбатан иқлим шароити совук булганлиги учун кам яшайди. Балиқлардан асосан карпсимонлар, ласоссимонлар оиласи вакиллари яшайди.

**2. Ўрта ер-Турон ҳайвонлар области** – бу областга шимолий ярим шарнинг тропик қисмидан шимолий ҳудудлари киради. Шу билан бирга шимолий ярим шарнинг арид ва субарид зоналарини уз ичига олади. Иқлими чўл, курук ва нам оз булган зоналар Ўрта Осиё, Марказий Осиё, шимолий Африка, урта ер денгизи уз ичига олади. Бу областда кузга яккол ташланадиган очик ландшафт ҳайвонлари куп таркалган. Сут эмизувчилардан куйлар, муфлонлар, эчкилар, туялар, эшак ва йирткичлардан бури, тулки, айик кемирувчилардан юмронқозик, каламуш, сичконлар, судралиб юрувчилардан турли хил илонлар, тошбакалар, калтакесаклар, гекконлар, эчкимарлар, амфибиялар кам учрайди. Урта ер денгизи буйларида иқлим бир мунча бошқа зоналарга нисбатан узига хос булганлиги ҳайвонлари хам бир мунча куп тарқалишига сабаб бўлган. Сут эмизувчилардан яклар, жайронлар, ёввойи эчкилар, йирткичлардан кор йулбарси, (Марокко тоғларида) гиеналар куп таркалган. Қушлардан ўлимтиқхўр бургутлар, ок бош сиф, кук карга кенг таркалган. Судралиб

юрувчилардан калтакесаклар, саламандралар, чучук сув хавзаларида баликларнинг жуда куп турлари яшайди. Ҳашаротлари хелицералийлар кенг таркалган. Бу зонада инсоният таъсирида жуда куп ҳайвонлар вахшийларча йук килинди. Масалан: йулбарс XIX асрни ўрталарига келиб йўқолиб кетди. Чунки асримизни ўрталарида Ўзбекистон ва қозоғистон чўлларини ўзлаштирилиши ҳайвонот оламига тузатиб бўлмайдиган заар келтирди. Хозир йўлбарслар факат тоғларда колган холос.

**3. Шаркий Осиё области** – бу область худудига собиқ СССРнинг шаркий кисмидан Приморя ўлкаси, Шимолий ва Урта Хитой, Корея, Япония (Хокайдо ороли кирмайди). Ўсимликлар хукмронлигидаги 2-чи областга мос келади. Гималай тоғларининг жанубий ва шаркий ёнбагрлари хам шу областга киради. Иқлими ҳайвонот олами учун жуда кулай. Шунинг учун ҳайвонот олами бу областда жуда хилма-хил. Сут эмизувчилардан Гарбий Хитой тоғларида узига хос Гораль деб номланувчи эчкилар яшайди. Бу областда кемирудчилардан каламушлар, сичконлар, олмахонлар, қушлардан фазанларнинг бир неча турлари чомга, лайлак, урдак, гоз, товук, майна, каклик, беданалар кенг таркалган. Судралиб юрувчилардан тошбака, чипор илонларнинг бир неча турлари, гадюка, аспидлар (королевская кобра) кенг таркалган. Амфибиялардан тритонлар, саламандралар яшайди. Тирнокли торитон Хитой, Корея, Япония ва Россиянинг Приморя ўлкасида учрайди. Булар териси оркали нафас олади. Мазали таом хисобланади.

**2. Неоарктик кичик хукмронлик – бу хукмронлик иккита областга булинади:**

- 1. Канада области**
- 2. Санор области.**

Неоарктик кичик хукмронлик худудига Шимолий Американинг асосий кисми, Тинч ва Хинд океанидаги бир канча ороллар билан биргаликда киради. Бу кичик хукмронликда конуний равишда жанубдан шимолга караб, яъни Аляска ва Греландияга караб ҳайвонот турлари камайиб боради. Бу жойлар учун энг характерли сут эмизувчилардан узига хоси халтали америка опоссиумидир. Жанубий Канададан бошлаб шимолгача булган худудларда хашоратхур ҳайвонлар кенг таркалган. Уларни ичидаги энг кузга ташланадигани кротлардир. Бу худуд учун кемирудчилардан эндемик турга Гоферлар ва апаладонтлар киради. Йирткичлардан бури, Америка корлик тулкиси, америка малла буриси кабилар эндем турлар хисобланади. Мушуксимонлардан пума мушуги, сут эмизувчилардан халк хужалигида куп ишлатиладиган бизонлар куп таркалган. Қушлардан гагра қушлари, паганкалар, урдак, гоз, турналар, эндемик йирткичлардан ок бош, Курмбош, гриф кенг таркалган. Судралиб юрувчилар ичидаги ҳакикий эчкиэмарлар ва гадюкалар учрамайди. Агамалар урнига игуанлар яшайди. булар ичидаги захар тишли игуан ягона эндемик тур хисобланади. Илонлардан калкон тумшук, чинкирок илон куп учрайди. Тошбакаларга бой. Улар ичидаги энг машҳури Гофер тошбакаси (деликатес таом хисобланади)

**1. Канада области** – бу шимолий Америка материгининг Канада чегарасидан бошлаб шимолгача давом этади. Ландшафти тайга ва тундра ўрмонларидан иборат булиб, улар Евросиёдаги тундра ва тайгага ухшаб кетади. Шунинг учун ҳайвонлари хам ухшашрок (айик, куён, олен ва бошкалар). Жанубга томон иқлими узгариши билан ухшашлик камайиб боради. Ҳайвонот дунёси Евросиёга нисбатан бир мунча бойрок. Шимолида оленлар, жанубий ўрмонларда ок думли олен, тоғларда кор куйлари, кор эчкилари, ўрмон безони, йирткичлардан айик, пума, енот, Америка кинуцаси, кемирудчилардан ўрмон суроги, олмахон, Канада бобри, ондатралар яшайди. Қушлардан Америка слафкаси, сойка, колибра, шимолий кисмларида фазанлар яшайди. Судралиб юрувчилари бир мунча кам. Саламандра, тритон, илонлардан ужимонлардан бир вакили бор холос.

**2. Санор области** – бу область Канада областнинг жанубий томонидан бошлаб Марказий Америкагача давом этади ва у табиити характери жихатидан 3 та кичик фаунистик областга булинади.

- 1) Калифорния кичик области
- 2) Марказий ёки кояли кичик фаунистик област
- 3) Шаркий ёки Атлантик фаунистик област.

1). **Калифорнияга шимолий** Американинг Тинч океани киргоклари шимолидан Ванкувердан бошлаб, жанубда Мексикагача боради. Майдони катта бўлмаса ҳам иқлими илик, қиши қаттиқ, ёзи қуёшли. Эндемик сут эмизувчилардан апладонт, ер казир, йирткичлардан енот, тулки, пума кенг таркалган. Эндемик қушлардан Калифорния грифи, Калифорния беданси, Калифорния кокуси. Рептилярадан удвлар, чинкирок илон, шох илони, амфибиялардан думли бака учрайди.

2). **Марказий ёки кояли тоғлар** кичик областига материкинг марказий кисми кириб, ландшафти асосан тоғлардан иборат. Унга Оризонт, Войораинг, Колорадо штатлари киради. Преира даштларида бизонлар кенг таркалган. 50 йилларгача бизонлар преидаларда доминантлик килган булса кейинчалик куплаб овланиши натижасида жуда оз колган. Маълумотларга кура асrimiz бошида 60 млн. бизон булган булса, хозирги кунда 10 минг бизон колган холос. Бизонлар деярли кириб ташланган. Бу ҳудудда кадимги ҳайвонлардан виларак куп учрайди. Йирткичлардан кайотлар, биздаги чия буриларга ухшайди. Бурилар, итлар куп таркалган. Қушларнинг асосан утлокзор қушлари булиб (уларнинг хаммаси уясини ерга куяди), группа-группа булиб яшайдиган бир неча тур қушлар булиб, булар узларига жуфтини танлашда катта жанглар эвазига амалга оширади. Судралиб юрувчилардан характерлиси захар тишли калтакесакдир. Умурткасиз ҳайвонлари куп жихатдан Калифорния областига ухшаш.

3) **Шаркий ёки Атлантик** фаунистик областига материкинг шаркий томони киргоклари ва бир неча кичик ҳайвонлар, сут эмизувчилардан ок думли оленлар, чучкалар, йирткичлардан кунгир айик, ягуар, пума куплаб яшайди.

3. **Неогей ҳайвонлари хукмонли** – бунга шимолий Америка ва деярли жанубий Америка материги патоғониядан ташкариси киради. Бунга Катта ва Кичик Антиль ороллари, Багам ороллари, Галапагос ороллари, Хуан-Фернандес ороллари ҳам киради. Бу хукмонлик майдонида орол ва материкин турли иқлиmlари дашт, саванна, тропик ёмгирили шароитлари ҳайвонлар учун иқлиmlи шароит хисобланади. Бу хукмонлик 2 та областга булинади.

### 1) Неотропик област

#### 2) Кариб области.

1) Неотропик обласгининг юкори чегараси Санор областидан бошланиб Марказий Америка ҳамда Жанубий Америка материкларини хаммаси (Патагониядан ташкари) бир канча ороллари билан киради. Бу область 3 та кичик областга булинади.

##### 1. Гвиана Бразилия кичик фаунистик области

##### 2. Марказий фаунистик кичик области

##### 3. Чили фаунистик кичик области.

1. **Гвиана Бразилия** кичик областига энг катта майдон тугри келади. У материқдаги барча тропик ўрмонларни Бразилия саванналарини уз ичига олади. Характерли ҳайвонлари маймунлар, мирог, ревен, чумолихўр тапрлар, қушлардан машхур анаконда, захарли бушмистр, дараҳт игуанлари, квашалар, тимсоклар кўп тарқалган.

2. **Марказий фаунистик** кичик областига Мексика тоғлари, Панама ҳудудлари киради. Кичик майдонни эгаллаган булса ҳам бу ернинг эндем ҳайвонларидан мексика еноти, тапр, қушлардан шох грифи, калибралар, судралиб юрувчилардан игуана-Васильск турлари куп учрайди. Умурткасиз ҳайвонлар дунёси ҳам ниҳоятда бой.

3. **Чили фаунистик кичик** областига жанубий Америка материги тоғлари, ўрмонсиз яssi тоғлар, дашт ва саванна майдонлари кириб, унинг жанубий чегараси Патоногиягача боради. Характерли ҳайвонларидан тоғ олени (Ланд), Лам энг машхури. Ягона кузойнакли айик Каола, кемирувчилардан нутрия, халтали ҳайвонлар, қушлардан Нанду туюкуши, амфибиялардан Дарвин рино зермассиви кенг тарқалган.

2. **Кариб фаунистик области** – Кариб области ҳудудига Катта ва Кичик Антиль, Багам атрофидаги майда ороллар киради. Яъни бу ороллар области хисобланади. Факат ороллардан тузилган. Иқлими бир-бирига якин булишига карамасдан ороллар изоляцияланган ва ҳайвонлар учун қулай. Лекин бу область территриясида сут эмизувчилар фаунаси бой эмас. Аммо қушларга ниҳоятда бой. Бу ерда яшайдиган қушлардан 140 ортик

турининг 251 эдем хисобланади. Күшлардан колибралар, тритонлар, коккулар хамда теронлар машхур. Судралиб юрувчилардан тошбакалар ва тимсоҳлар куплаб учрайди. Илонлари куп эмас, аммо ҳашоратларга, жумладан капалакларга нихоятда бой.

**4. Нотоғей ҳайвонлар хукмронли** – бу хукмронлик ҳудудига жанубий Американинг Патагония кисми, оловли ерлар ороллари, Австралия, Тасмания, Янги Зеландия ҳудудлари киради. Бу хукмронликни ороллар хукмронлиги дейиш мумкин. Бу хукмронлик иқлим шароити ва ҳайвонларнинг хилма-хиллигига кура 3 та областга булинади.

### **1. Австралия области**

#### **2. Янги Зеландия области**

#### **3. Патагония ёки Галантарктик области**

**1. Австралия областига** – Австралия материги билан Тасмания ва унинг атрофидаги бир неча майда ороллар киради. Австралиянинг иқлими хилма-хил (чўл, саввана) шунинг учун ҳайвонот дунёсига хам бой. Энг муҳуми бу материк ҳайвонлари, бошка материк ҳайвонларига нисбатан яхши изоляцияланган. Натижада бу ерда кадимги ҳайвонлар куплаб учрайди. Бундай ҳайвонлардан бир тешикликлар, халтали сут эмизувчилар энг машхурлари хисобланади. Бир тешикли ҳайвонлар жуда кадимги ҳайвонлар булиб, буларга масалан: урдак бурунлар, халталийлардан нанбатлар, кенгурулар, халтали чумолихурлар, вамбатлар, ва энг машхури халтали айик (коола), халтали бурилар, халтали кротлар, халтали шайтонлар, халтали тушканлар (қушоёк) ва бошка халтали ҳайвонлар яшайди. Йирткичлари асосан кулканотлиларни бир неча вакиллари хамда динго итлари, күшлардан австралия түяқушлари, какаду қүшлари, розелла қүшлари куплаб учрайди. Судралиб юрувчилардан илонсимон тошбака, турли гекконлар, агамалар, калконли эчкиэмар, кур илонлар куп таркалган. Ужсимонлардан аспидларнинг бир неча тури бор. Гадюкалардан захарли йулбарс илон куплаб учрайди. Бакаларнинг бир неча тури мавжуд. Умурткасизлардан ҳашоратларнинг бир неча турлари бор.

**2. Янги Зеландия фаунистик области** – бу область ҳудудига Янги Зеландиянинг шимолий ва жанубий кисмлари киради. Унинг атрофидаги Окленд, Чатем, Кермадек ороллари киради. Ҳайвонот дунёсига уналиқ бой эмас.

**3. Патагония ёки Галантарктик области** – бунга Патагония, Антарктида материги ороллари билан киради. Сут эмизувчилардан пингвинлар, ок айик, бури, тулки, курапатка, фазанлар куп учрайди.

### **Назорат саволлари**

1. Ҳайвонот дунёсининг инсон ва табиат учун ахамиятини тушунтиринг?
2. Ҳайвонот дунёсининг хукмронликларга ажратилишини изоҳланг?
3. Ҳайвонот дунёси кандай фаунистик областларга ажратилади?
4. Ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги деганда нимани тушунаси?
5. Ҳайвонот дунёсининг географик таркалишига кандай омиллар таъсир курсатади?
8. Латент даврининг моҳиятини тушунтиринг.

### **Таянч иборалар:**

Популяция, этология, ҳайвонларнинг ҳулқий ҳатти-ҳаракати, популяция қўрсаткичлари, популяция динамикаси, популяция гемостази, популяция тузилмаси, популяция ёш ва жинсий таркиби, популяциянинг фазовий тузилмаси.

### **МАВЗУ -10. ЕР ШАРИ ТАБИАТ ЗОНАЛАРИ**

**•Ер шарида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг географик таркалишига таъсир этувчи омиллар. •Ер шарини табиат зоналарига ажратилиши. •Табиат зоналаридағи ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси. •Шимолий ярим шар ўрмонлари минтақаси ҳақида тушиунча. •Баргли ўрмонлар минтақаси. •Қорақарағай туркүмининг географик тарқалиши.**

Ернинг куруклик кисмида ўсимликлар дунёси ўзи яшаётган экологик шароитларга мослашиши ва шу мослашиш генетик жихатдан ўзининг маълум шаклига эга бўлади. Ўсимликлар ер шарини хамма жойида иклим-хар хил бўлганлиги учун тарқалиши хам хар хил бўлади. Бунга бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатади:

1. Ўсимлик микдори экватордан кутубларга караб пасайиб боради.
2. Ўртacha кенгликларда доимий нам шамолларни денгиздан курукликка караб эсиши.
3. Экваторда эса курук шамолларни пассатларни курукликдан денгизга эсиши.
4. Денгиздан узоклашган сари курукликнинг ичкари томонларида ёғингарчиликни камайиб бориши натижасида.
5. Куёш ёруглигининг ер шарига бир хил бурчак остида тушмаслиги.
6. Тупрок типларининг турлийчалиги каби хусусиятлар ер шарида ўсимликларнинг турлийча тарқалишига сабаб булган.

Ер шарида ўсимликлар тарқалиш хусусиятларига кура куйидаги зоналарга ажратилади.

**1) Арктика муз саҳролари зonasи** – Арктика юончча «шимол» дегани. Арктика зonasининг майдони 27 млн км<sup>2</sup>. Арктика совук саҳросида ўсимлик хаёти учун ўта нокулай киш 8-9 ой бўлади. Қиска муддатли совук ёзниг уртacha температураси 0 °C дан ошмайди. Лекин шу шароитда хам киска вакт ичida бир неча тур ўсимликлар вегитациясини тугатиб улгуради. Биргина Греландияда 450 тур ўсимлик яшайди. Булар сув утлари, замбуруглар, лишайниклар, моҳлар булиб гулли ўсимликларни пакана вакиллари пакана кайн, пакана тол, бабуклниклар ўсади.

**2) Тундра зonasи** – Тундра сўзи Карелия тилида ўрмонсиз дегани. Бу ҳудуд арктика саҳросининг жануби хисобланади. Қиши 1-8 ой, ёз 4-5 ой кучли шамолларнинг эсиши ва тупрокнинг 15-20 м чукурда, абадий муз копламлари мавжудлиги билан характерланади. У ерда асосан бутасимон куп йиллик ўсимликлар ўсади.

**3) Мұтадил иқлимли (уртacha иқлимли)**, шимолий кенгликлар ўрмон зonasи. Бу зона жуда катта ҳудудни эгаллаганлиги сабабли З қисмга бўлинади.

1. Нинабаргли ёки баргли доимий яшил ўрмонлар ва бутазорлар зonasи.
2. Арапаш ўрмонлар зonasи.
3. Кенг баргли ўрмонлар зonasи.

**Нинабаргли ўрмонлар зonasи**-бу зона ёзи иссик киши совук ва қалин қор қоплами узоқ сақланади. Буғланишнинг йиллик микдори 700-600 мм атрофида, йиллик уртacha ёғинлар микдори 800-1000 мм ни ташкил килади. Шунинг учун бу ҳудудлар майдони намлик юкори, боткок холатда бўлади. Нинабаргли ўрмонлар тайга ўрмонлари хам дебаталади. Улар географик жихатдан кенг таркалган. Дунё нинабаргли ўрмонларининг 70% МДХда жойлашган. Шимолдан-жанубга томон борган сари иқлим узгарганлиги туфайли нинабаргли ўрмонлар 4 га булинади.

1. Сийрак нинабаргли ўрмонлар.
2. Шимолий нинабаргли ўрмонлар
3. Жанубий нинабаргли ўрмонлар.
4. Урта нинабаргли ўрмонлар.

**Арапаш ўрмонлар** – арапаш ўрмонлар Шаркий Европа текислигига жойлашган. У Скандинавиядан бошланади. Гарбий Европа ва Шаркий Тайга ўрмонлари ўзининг чегаралари билан арапашиб кетган. Бундай майдонлар Болтик денгизи буйида, Урал тоғларида мавжуд. Бундай зонада асосан заранг арғувон, шумтол, бук, эман, тоғ терак, ок кайнин, пихта, веймут кайрағочи каби ўсимликлар учрайди.

**3. Баргли ўрмонлар** – аввлги зоналарга нисбатан бир неча бор илик ёзи иссик, киши совук, ёғин ва буғланиш микдори тенг. Шунинг учун бундай ўрмонларда ўсимликлар турларга бой, энг муҳими яруслар кузга ташланади. Ер юзаси утсимон ўсимликлар билан копланган. Бу ўрмонлар саноатда катта ахамиятга эга. Умуман баргли ўрмонлар хал хужалигига энг куп ишлатилади. Масалан: тилгоч, карагай, кора карагай, пихта, ель, тист, кайн, эман, дуб,

заранг, бук кабилардир.

**Дашт зонаси** – кенг баргли ўрмонларнинг жанубий кисми сийраклашиб аста-секин ўрмон дашт, дашт зоналарига айланиб кетади. Ўрмон-дашт зонасининг флораси нихоятда бой ва улар асосан мезофитлар хисобланади. Бундай даштлар асосан Европа, Осиё, жанубий Америка, шимолий Америка (кисман), Австралия ва Янги Зеландияда учрайди. Дашт зоналарига МДХнинг асосан Россиянинг жанубий кисми, шимолий Қозогистон худудларида жойлашган бўлиб, 4 млн.  $\text{km}^2$  дан ортиқ майдонни эгаллаган. Дашт зонаси Монголия худудида хам кенг тарқалган. Унинг иқлими қуруқ континенталдир. Масалан: Қозогистон даштларида ёз 170-190 кун булса, гарбий даштларда 105-120 кун булади. Ёзниң ўртача ҳарорати  $+21 - +23 ^\circ\text{C}$  ни ташкил қиласди. Йиллик ўртача  $+ 3-7 ^\circ\text{C}$  бўлади. Жануброқда эса ўртача температура  $10 ^\circ\text{C}$  бўлади. Даш зонаси асосан чорвачиликни ривожлантиришда ахамияти катта.

**4. Чўл зонаси ўсимликлари** – бу зона ўсимликлари узига хос иқлим хусусиятига эга. Чўл зонаси фаунаси ўзига хос булиб, бу зона шимолий ва жанубий кенгликларда таркалган. Иқлим шароитига кура 3 га булинади.

1. Тропик чўллар.
2. Уртача иқлими чўллар.
3. Субтропик иқлими чўллар.

Ер шаридаги энг машхур чўллардан Ўрта Осиё чўлларини, Африка сахроси, Намиб, Арабистон сахроси чўлини, Марказий Осий чўлини, Жанубий Америка чўлларини киритиш мумкин. Умуман чўл зонасининг барчасида хам сув етишмаслиги умумий хусусиятдир. Лекин чўл мухитида эфемер, эфемероид, чала бута, бугачаларнинг жуда куп турлари усади. Ҳайвонлари асосан сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар, кенг тарқалган. МДХнинг чўллари 2 млн  $\text{km}^2$  дан ортиқ булиб уларнинг деярли барчаси Ўрта Осиё Республикалари худудига туғри келади. Ёғин микдори бу зоналарда 100-150 мм дан ортмайди. Ёзи иссиқ.

**5. Тропик ўрмонлар зонаси** – бу зона асосан экваторнинг шимолий ва жанубий зоналарига жойлашган булиб, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун энг кулай шароитига кўра тропик ўрмонлар 4 группага булинади.

1. Нам тропик ўрмонлар.
2. Қишида яшил ўрмонлар ёки бутазорлар.
3. Магра ўрмонлари ёки нам тропик бутазорлар.
4. Саванналар қишида яшил ксерофилл ўрмонлар.

Нам тропик ўрмонлар-экваторда ва унинг шимолий ва жанубий томонларида жойлашган. Улар Шаркий Осиёнинг, Хиндистон, Бангла деш, Шри-Ланка, Бирма, Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Индонезия, Жанубий Америкада Амазонка кўп тарқалган. Нам тропик ўрмонларда, ёғингарчилик нихоятда катта, ўртача йиллик ёғин 2000-4000 мм ни ташкил киласди. Атмосферанинг нисбий намлиги, деярли 90% дан кам булмайди. Йиллик ҳарорат  $25-30 ^\circ\text{C}$  булиб, энг совук даврда  $1-5 ^\circ\text{C}$  атрофида фарқ қиласди холос. Ёз ойининг энг иссиқ температураси  $35-36 ^\circ\text{C}$  дан ортмайди. Пасти  $18 ^\circ\text{C}$  дан пастга тушмайди. Чунки бугланишнинг кучлилиги таъсир киласди. Шунинг учун нам тропик ўрмонларда ўсимликнинг энг калин (зич). Маълум майдонда яшаси мумкин булган организмнинг тула имконияти фойдаланилган. Бу ўрмонларда ерни юза кисми утлокзорлар эмас, нихоятда кам тур усади. Ўрмон ости флораси камбагал. Бу зонада лианалар (чирмасиб ўсуви) эпифидлар ва каулифлор ўсимликлар куп учрайди. Каулифлорлар гуллари шохларида булмасдан, бевосита танасида буладиган ўсимликлардир. Нам тропик ўрмонларда учрайдиган дараҳтларнинг бошка жойда учрамайдиган турлари узига хос. Фонерофитларнинг терофитларга ўзига хос турлари кўп. Айникса бу жойларда сапрофидлар кўп, лекин паразитлар кам.

**2. Магра ўрмонлари** – нам тропик бутазорлар асосан булар денгиз кирғоқларида яшайдиган ўсимликлар, улар шўр мухитда ўсади. Улар сувни кутарилиши ва пасайишига караб, илдиз кисми gox сув ичиди, gox атмосферада яшайдиган ўрмонзорлар киради. Булар

экватор зонасидаги деярли барча океан ва денгиз киргокларида учрайди. Калифорния, Бермут, Бразилия, Янги Зеландия, Австралия ва Африка киргокларида кўплаб ўсади.

3. **Ёзда баргини тўқадиган қишида яшил ўрмонлар** – булар континентал иқлими жойлардаги характерли булиб, гоҳ куруқ, гоҳ нам шамоллар эсиб туради. Ўрмонлари нам тропик ўрмонларига ўхшаса хам аммо қурғоқчилик даврларида баргларини тўқади. Бу ерда ёғин миқдори 900-1500 мм гача, йилнинг совук фасли билан иссиик фасли орасидаги хароратнинг фарки 8-14 °С. Бу ерларда июнь-октябрь ойлари қурғоқчилик хисобланади ва бу ерларда дараҳтлар баргини тукади.

4. **Саванналар** – булар хам тропик ўрмонлар асосан Африкада, Жанубий Американинг Венесуэла, Гвиана, Бразилия, Хиндистон ва Австралияда учрайди. Йиллик ёғингарчилик бу ерларда 4-6 ой давом этади. Масалан: Бразилия саванналарида йиллик ёғингарчилик 1500 мм булиб, шундан қурғоқчилик даврида 100 мм атрофида ёғин тушади холос. Ёки Африка саванналарида 1000 мм ташкил этса, қурғоқчилик даврида 10 мм ёғин ёғади холос. Натижада саванна ўрмонлари баргини тукиб тиним холатига ўтади. Купчилик турларининг танаси йуғон сув тўплайдиган яъни ёзги қурғоқчилик шароитига қарши кураша оладиган турларигина яшайди холос.

**Шимолий ярим шар ўрмонлари минтақаси.** Шимолий ярим шарда катта майдонларни ишғол этувчи ўрмонзорлар ўрмон зонасини ташкил этади. Бу зонанинг жанубий ва шимолий чегараларида иклим ва тупроқ шароити, шунингдек, ўсимликлар оллами бир-биридан кескин фарқ қиласиди. Шунга кўра бу зона ўсимликлари, одатда учта кичик зонага: **нинабаргли** (доим яшил), **аралаш ва баргли** (ёзда яшил) ўрмонларга бўлиб ўрганилади.

Ўрмон асосан мезофилл (ўртача намлиқда ўсувчи) дараҳтлар, буталар ва ўт ўсимликларидан ташкил топган маҳсус ўсимликлар жамоасидан иборат. Ўрмон зонаси Евросиёда кўзга яққол ташланиб туради. Шимолий Америкада эса унинг чегараси меридиан буйлаб эгри чизик ҳосил қиласиди.

**Ўрмон зонасида** ўсувчи ўсимликлар учун шароит анча ноқулай бўлсада, лекин Шимолий кутб зонаси ўсимликларининг хаёт шароитларига нисбатан бирмунча яхши.

Ўрмон зонаси факат МДҲ (худудида 11,160 минг км<sup>2</sup> ни ёки унинг умумий худудининг 52,5% ини ташкил қиласиди. ёзнинг иликлиги, қишининг совук ва узоқ давом этиши, цалин қор копламининг узок, туриши, тупрогининг нордон подзол-чимли ва ботқоқ тупроқлардан ташкил топганлиги, буғланишнинг ёғин миқдорига кўра кам бўлиши, шунингдек ўсимлик оламининг асосан дараҳтлардан ташкил топганлиги зона учун характерли белгилардан ҳисобланади. Ўрмон зонасида арктик хаво массаси илик, денгиз хавоси ҳамда ўртача кенгликдаги континентал хаво билан алмашиниб туради.

МДҲ худудидаги Ўрмонларнинг жанубий чегараси Львов-Курск -Калуга, Ока дарёси буйлаб Рязань ва Горький, Козон шахарлари орқали Вятка, Кама ва Оқ дарёлари буйлаб Уфагача боради. Унинг чегараси Урал тоғидан бошланиб жанубироққа бурилади, яъни Тагил — Нарбит — Тюмень — Томскнинг жануброғидан ўтиб Олтой тоғи этакларига бориб туташади. Фарбий ва Ўрта Сибирь ерларида 46—50°лар буйлаб, Узок Шарқда шимолий кенгликнинг 42° ни уз ичига олади. Шундай қилиб, МДҲ худудидаги урмон зонасининг кенглигиги (эни) Фарбий Сибирда 600 км ни ташкил этса, Байкал кўли атрофида 2300 км ни ташкил этади.

Зонанинг деярли кўпчилик қисми текисликдан иборат бўлиб, Ўрта Сибирда бир оз тепаликлар бор. Шарқий Сибирь ва Узок Шарқда эса тоғли рельефлар асосий қисмини ташкил этади. Ёғингарчилик 300 мм дан (Фарбий Сибирда) 700 мм гача (МДҲнинг Европа қисмida), Узок Шарқда эса 1000 мм ни ташкил қиласиди.

Буғланишнинг йиллик ўртача миқдори 350 мм ни, тайга ўрмонларида 500 мм ни, аралаш ўрмонларда эса 600—800 м ни ташкил этади.

Ёғингарчиликнинг буғланишга нисбатан кўплиги, тупроқнинг доим нам холда бўлиши баъзи жойларнинг ботқоқланишига сабаб бўлади. Ўрмон зонасининг асосий ўсимлик

типлари ва уларнинг ҳаёт шароитлари билан яхшироқ танишиш учун кичик зоналар бўйича МДХ худуди мисолида кўриб чиқиш максадга мувофиқдир.

**Нинабаргли ўрмонлар** яна доим яшил ёки тайга ўрмонлари ҳам дейилади. Нинабаргли ўрмонлар ғарбдан шарққа томон чўзилган бўлиб, шимолий кенглийкнинг 57-58° ларида жойлашган. У Ўрта Сибирь ва Узоқ Шарқ чегарасида анча катта майдонни ташкил этади. Бу кичик зона ўзининг шимолий нукталарида тундра зонасининг ўрмон тундра кичик зонаси билан ва жанубий нукталарини аралаш ўрмонлар кичик зонаси билан чегараланади. Нинабаргли ўрмонларнинг иқлими ғарбий ва шарқий чегараларида илиқ, Шарқий Сибирь ўта континентал бўлиб, 300—500 мм атрофида ёғин ёғади.

Нинабаргли ўрмонлар географик жиҳатдан анча кенг тарқалган бўлиб, Европада, Шимолий Осиёда ва Шимолий Америкада катта худудни эгаллайди ва шимолий кенгликнинг 57-58°ларини ўз ичига олади. Фақат МДҲдаги нинабаргли ўрмонлар 9 млн. км<sup>2</sup>дан ортиқ майдонни ёки дунё бўйича нинабаргли ўрмонлар майдонининг 70% ини ташкил қиласиди. МДҲ худудидаги ўрмонларнинг 73% ини нинабаргли ўрмонлар, 20% ини баргли ўрмонлар ва 7% ини бутазорлар ташкил этади.

Шимолдан жанубга томон умумий иқлим ва тупроқ шароитининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нинабаргли ўрмонлар кичик зонаси ўз навбатида яна 4 та кенжা зоналарга: **сийрак нинабаргли, шимолий нинабаргли, ўрта нинабаргли ва жанубий нинабаргли ўрмонларга бўлиб ўрганилади.**

**Сийрак нинабаргли** ўрмонлар зонаси нинабаргли ўрмон зонасининг энг шимолий нуктасига жойлашган бўлиб, ўрмон-тундра кичик зонаси билан чегараланади. Бу кенжা зонача асосан ўрмон тундра кичик зонасига деярли ўхшаш бўлса ҳам, лекин Сибирь қарағайи (*Pinus sibirica*)нинг ўсиши ва типик арктик хамда альпик ўсимликларининг йўқлиги билан ўрмон-тундрадан фарқ қиласиди.

**Нинабаргли ўрмон** кичик зонасининг жанубий чегараси 4-кенжা зона, яъни жанубий нинабаргли ўрмонлар зонасига чегараси билан белгиланади. Бу кенжা зона ўрмон зонасининг аралаш ўрмонлар деб аталган кичик зонасига ўхшаб кетади. Мазкур кенжা зонада баъзи бир кенг баргли дараҳт турлари дарё бўйларида учрайди.

Юқорида кўрсатилган ҳоллар қарағай, пихта ва Сибирь қарағайи ўсадиган Европа ва Ғарбий Сибирдаги барча нинабаргли ўрмонлар учун характерли бўлиб, Енисей дарёсидан шарққа томон бу қонуният бузила боради. Бунга асосан рельефнинг шарққа томон анча нотекисланиб бориши, тоғлик-тепаликларнинг учраши сабаб бўлади. Бу ерларда энди асосан Сибирь ва даур тилғочидан ташкил топган оч яшил нинабаргли ўрмонлар учрай бошлайди. Аммо, Азов ва Беринг денгизларига яқин келганда тўқ яшил нинабаргли қарағай ўрмонлари қайта тиклана боради. Шундай қилиб, шимолдан шарққа томон йўнал-гандан тўртта кичик зона ажратилганидек, ғарбдан шарққа томон 3 та кенжা зонага — ғарбий нинабаргли, Европа ва Ғарбий Сибирь тайга ўрмонларига ажратиш мумкин.

**Ғарбий нинабаргли** ўрмонлар Европанинг шимоли-ғарбида жонлашган бўлиб, Скандинавия ярим оролидан Онега дарёсигача ва Кола ярим оролининг каттагина ерини ўз ичига олади. Бу ерларда **оддий қарағай, фин қарағайи** (*Picea finnica*), **қарағай** (*Pinus silvestres*, *Pjaronica*), **қайнин ва тоғтерак** асосий ўрмон хосил килувчи ўсимликлар ҳисобланади. Бу хилдаги ўрмонлар нинабаргли ўрмонлар дейилади холос.

Ҳақиқий тайга ўрмонлари Онега дарёси ва кўлидан бошланади. Тайга ўрмонларини ташкил этувчи нинабарглилар тўртламчи даврда содир бўлган музликнинг орқага қайтиши натижасида Сибирнинг Олтой-Саян манбаидан тарқала бошлаган. Европа ва Ғарбий Сибирь тайга ўрмонлари тарқалган жойда яна ўзига хос бир неча групчачалар (Сибирь тайгаси, жанубий тайга, Ёкутистон тилоғоч тайгаси) пайдо бўлган.

Ғарбий Европадаги нинабаргли ўрмонларни **Европа тилоғочи** (*Larix europaea*), **оқ пихта** (*Abies alba*) **Пиреней ўрмонларини қарағайнинг** (*Pinus uncinata*) тури ва Грецияда **пихтанинг** (*Abies cephalonica*) тури ташкил этади.

Шимолий Америка нинабаргли ўрмонлари. Улар Лабрадор ярим ороли ва Алясканинг каттагина қисмини ишғол этиб, ғарбда Тинч океанигача, шимолдан жанубга ва Марказий

Америкагача чўзилиб боради. Шимолий чегараларида текисликда, жанубий чегараларида эса тоғликлар учрайди.

Турлар сони хилма-хил бўлиб, булар орасида эндемик турлар ҳам бор. Шимолий Американинг нинабаргли ўрмонлари учун қуидаги ўсимликлар: **оқ қарағай** (*Pinus alba*), **бальзам пихтаси** (*Larix alba*), **Америка тилоғочи** (*Larix americana*) **банкс, веймут қарағайи ҳамда сарик қарағай**, чуганнинг бир неча тури **қизил дараҳт ёки секвоя, мамонт дараҳт** (*Sequoia Sempervirenes S. gigantea*), **арча** (*luniperus*), дуглас **пихтаси** (*Pseudotsuga*) кабилар характерлидир. Пастки ярусларида жуда хилма-хил ўтлар ва замбуруғлар билан бирга доим яшил магония (*Mahonia nervosa*) ва арбутус каби бутасимон дараҳтлар учрайди. Нинабаргли ўрмонлар эгаллаган майдонларнинг кўпчилиги подзол ёки ботқоқ тупроқлардан иборат.

Шундай қилиб, Шимолий Америка ва Евросиёдаги нинабаргли ўрмонларда қарағай, пихта, тилоғоч, секвоя каби туркумларнинг бир неча турлари учрайди. Шунинг учун ҳам улар доминант ўсимликлар бўлиб ҳисобланади.

**Нинабарглилар** баъзи хусусиятларига кўра 2 та группага бўлинади. **Биринчи группага** қорақарағай, пихта, Сибирь қарағайи кабилар киради. Қоронги ўрмонларни ҳосил қилувчи нинабарглилар, асосан, МДҲнинг дарё ва тоғ этакларида сернам озиқقا бой гил тупроқларда ўсиб, коронги ўрмонзорларни ташкил қиласди.

**Иккинчи группага** оддий қарағай (*Pinus silvestrus*) ва тилоғоч кабилар киради. Улар одатда унумдорлиги паст тошли ва тошлоқ тупроқларда ўсади, барглари ёруғликни ўзидан тупроқ бетига кўп ўтказади. Шунинг учун бундай дараҳт турлари ёруғ ўрмонларни ташкил қиласди.

Қуруқ, таркибида озиқ моддаси кам қумли тупроқларда ўсувчи нинабаргли ўрмонларнинг энг пастки қаватида қалин лишайникзорларни, ўртача нам унумдор тупроқлардаги ўрмонлар остида яшил моҳлар, ниҳоят, сернам ва озиқ моддаларга бой тупроқли ўрмонларда бир неча хил ўтлар, буталар ўсади. Ботқоқ тупроқли ўрмонлар остида какқузигир моҳи ва торф моҳи (сфагнум моҳлари) кўп ўсади. Нинабаргли ўрмонларда юксак ўсимликлардан ташқари жуда кўп микдорда замбуруғлар ва бактериялар учрайди. Улар тупроқ микрофлорасини ташкил этувчи асосий вакиллардир.

Қоронги ўрмонларни ҳосил қилувчи нинабарглилар, асосан, МДҲнинг Евropa қисмида ва Олтойда, қисман Фарбий Сибирда, Узоқ Шарқда, Кавказ ва Урта Осиёнинг тоғли районларида учрайди.

Евropa қисмида бундай нинабаргли ўрмонлар асосан қорақарағай-яшил моҳ қопламидан ташкил топган бўлиб, бу ерда буталардан черника, голубика, брусника, ўтларидан кислица, майник, седмичник, гудайера, грушанкалар, ортилия, ўрмон герани, линнея, одноцветка, калипсо, спорали ўсимликлардан бир неча тур плаунлар, кирқбўғим, папоротниклар ва бошқалар ўсади.

Тайга ўрмонларининг жануброғида баъзан елник-зеленомошник қоплами кислица (*Oxalis acetosella*), тукли киёқ (*Carex pilosa*), зеленчук (*Galeobdolon luteum*), юлдузёт (*Stellaria holostea*), асорун, туёқўт (*Asarum europaeum*), спорали ўсимликлардан жигарсимон моҳ (*Hepatica mobilis*), эркак папоротник (*Dryopteris filix-mas*) лардан ташкил топади.

**Ботқоқли қорақарағайзорларда** баъзан қайн дараҳти ҳам ўсади. Тупроқ устини оқ моҳ ёки сфагнум моҳлари, какқузигирмоҳи кабилар қоплаб олади. Ўрмоннинг иккинчи ярусини тол, калина ва крушина каби дараҳтлар ташкил этади. Ундан кейинги яруслин буталардан багульник, черника, голубика ташкил этади. Ундан кейинги пастроқ қаватни ўт ўсимликларидан қиёкларнинг бир неча тури (*Sagex globularis*, *C. Conescens*, *C. diaperma*), сабельник (*Camassia palustre*), скерда (*Crepis Paludosa*), морошка (*Rubus chamaemorus*), айиқтовон (*Ranunculus lapporincus*) ва бошқалар ташкил этади. Шундай қилиб, нинабаргли ўрмонлар баъзан 4-5 та яруслан ташкил топади.

Тайга ўрмонларининг аралаш ўрмонлар кичик зонасига яқин ерлари қорақарағай, баъзан арғувон, эман, заранг, ильм (қайрағоч) каби дараҳт зотлари ва земляника (*Fragaria vesca*), медуница (*Pulmonaria obscura*), эгоподиум (*Algopodium podagraria*) каби ўтлардан ташкил

топган.

Фарбий Сибирь тайга ўрмонларида ҳам Европадаги қора қарағай ўрмонлари сингари тупроқ баъзи жойларда ботқоқланган ёки ботқоқланмаган бўлиб, ўсимликлар қопламига кўра Европа қора қарағай ўрмонларига ўхшашдир. Нинабаргли ўрмонларда ўсувчи кўп йиллик ўтсимон гулли ўсимликлар вегетатив кўпаяди, кўпчилиги эса кишда ҳам яшил баргли бўлади, кўпчилик турларнинг гуллари оқ ёки очиқ пушти рангга эга, уруғлари ниҳоятда енгил бўлиб, ҳаво оқими ёрдамида жуда осонлик билан тарқалади. Бу хилдаги хусусиятлар уларнинг мосланиш белгилари ҳисобланади.

Қорақарағай туркумининг Европа қора қарағайи (*Picea exelsa*) деган тури ва қисман фин қорақарағайи (*Picea fennica*) асосан Европада кенг тарқалган. МДҲ нинг шимоли-шарқий Европа қисмида, Сибирда Сибирь қора қарағайи (*Picea obovata*) деган тури кенг тарқалган. Бу ерда Сибирь қорақарағайи билан бирга Сибирь қарағайи (*Pinus sibirica*) ҳам учрайди.

МДҲ ҳудудидаги нинабаргли ўрмонларнинг 72 млн. га майдонини ёки 16% ини қорақарағайзорлар эгаллайди ва одатда улар якка дараҳтлардангина ташкил топмасдан, бир неча бошқа ўсимликлар билан биргаликда ўсиб маҳсус қоплам ҳосил қиласди. Шу қопламнинг юқори ярусида қорақарағай дараҳти, энг пастки ярусида эса моҳлар асосий ўринни эгаллайди. Ўрта ярусларда бир неча хил буталар ва кўп йиллик ўтларни кўриш мумкин.

1. **Қорақарағай яшил моҳ ёки елник** – зеленомошниклар ассоциация группаси. Бу ассоциация группаси ўз навбатида елник-кисличник, елник-брұсничник, елник- черничник каби ассоциацияларга бўлинади. Бу хилдаги ассоциацияларнинг ҳаммасида энг юқори ярусни қорақарағай эгалласа, иккинчи ярусни кислица, брусника ёки черникадан ташкил топган буталар эгаллайди. Ниҳоятда учинчи-энг пастки ярусни зеленомошник деб аталувчи яшил моҳлар ташкил этади.

2. **Елник-долгомошниклар ассоциация** группасидан елник-долгомошник асосий ассоциация бўлиб, сернам текисликларда учрайди. Биринчи ярус қорақарағай ва остки какқузи- фирмөхидан ташкил топади. Қорақарағай танасида бородач деб аталган лишайник кўп учрайди.

3. **Елник-сфагнумлар ассоциация** группасидан қорақарағай-оқ моҳ ассоциацияси асосий ўрин олади. Биринчи ярусда қорақарағай ва пастки ярусда сфагнум (оқ) моҳлари учрайди. Бу ерда ўсувчи қорақарағайлар анча ноқулай шароитда ҳаёт кечиради, чунки сфагнум моҳлари учрайдиган жойлар ботқоқ-лана боради. Баъзи бир пасттекисликлар ва нотекис дўнглик-лардан иборат бўлган жойларда қорақарағай—қиёқ—оқ моҳ ассоциациясини учратиш мумкин. Бунда 2- ярусни қиёқ ва 3-ярусни оқ моҳ эгаллайди.

4. **Ботқоқли қорақарағай** ўтзорлар ассоциация группаси. Бу ерга асосан қорақарағай – ўтли- оқ моҳлар ассоциацияси характерли. Иккинчи ярусда учрайдиган баъзи буталар ва ўтлар жуда сийрак бўлиб, учинчи ярусда учрайдиган оқ моҳлар. жуда яхши ривожланади. Бу хилдаги ўрмонларда ҳам тупроқ ботқоқлашган бўлади.

5. **Елник -дубзорлар** ассоциация группаси. Бу хилдаги ўрмонларда эман, аргувон каби кенг баргли дараҳтлар қарағайлар билан биргаликда учрайди. Ўтларнинг кенгбаргли ўрмонларга ҳос бир қанча турлари (ясменник, пролеска, азарум, ландыш ва бошқалар) учрайди. Бундай ўрмонлар анча жанубда жойлашган ва кичик аралаш ўрмонлар эонасига ўтишдан дарак беради.

6. **Елник-лишайниклар** ассоциацияси. Бу хилдаги ўрмонлар, асосан, қорақарағай ўрмонларининг ўрмон-тундра кичик зонаси билан чегараланадиган жойларида учрайди, яъни нинабаргли ўрмонларнинг энг шимолий нуқталари учун ҳосдир.

Юқорида кўрсатилган ассоциация группаларидан ташқари қорақарағай ўрмонларида яна бошқа ассоциация группаларий ҳам мавжуддир. Ҳар бир ассоциация группаси ўз навбатида бир неча ассоциациялардан ташкил топган бўлади.

Шундай қилиб, қорақарағай ўрмонларининг ўзига ҳос хусусиятлари қўйидагилардан иборат. Ўрмонлардаги ўт ўсимликлар асосан вегетатив йўл билан кўпаяди, гуллари оқ бўлади. Бу эса уларнинг ҳашаротларни ўзига жалб этишга мослашганлигидан дарак беради.

Коронғи ўрмонларда баҳорғи эфемер ўтлар учрамайды.

Бу ердаги баъзи ўсимлик-подъельник, ладъян ва надбородник сапрофит ҳолда ҳаёт кечиради.

Оддий ва Европа қарағайи бутун Европада, Сибирь қорақа-рағайи деб аталувчи бошқа тури эса МДХ Европа қисмининг шимоли шарқида ва Сибирда кенг тарқалган. Тайга ўрмонла-рида қорақарағайдан ташқари Сибирь пихтаси ва Сибирь қарағайи каби нинабаргли дараҳтлар учрайди.

Қорақарағай ўрмонларидан ташқари Евросиёда оддий қарағайдан ташкил топған қарағай ўрмонлари ҳам кенг тарқалган. Оддий қарағай худди оддий қорақарағай учун характерли бўлган ассоциация группаларидан ташкил топған, лекин қарағайзорлар таркибида озиқ мoddаси кам ва бирмунча қуруқ бўлган қумли тупроқ жойларда учрайди.

Қорақарағай дараҳти дастлабки йилларда секин ўсади, кейинчалик эса тезлаша боради. У сояга чидамли ўсимлик бўлгани учун дастлаб бошқа нинабаргли дараҳтлар билан биргаликда ўса олади, лекин унда ўқ илдиз бўлмаганлигидан ён илдизлари тупрокнинг юзароқ қатламига таралиб ўсади. Қарағай ўқ илдизли, ёруғсевар ва совуққа чидамли бўлганлигидан қорақарағайга қараганда яхши ўсиб кетади.

Ҳозирги пайтда МДХ да 109,5 млн. га нинабаргли ўрмонлар бор. Унинг 40% ини фақат қарағай ўрмонлари ташкил қиласди. Қорақарағай ва қарағай ўрмонларидан ташқари тайга ўрмонлари кичик зонасида пихта ўрмонлари, кедр ўрмонлари ва тилоғоч ўрмонлари каби группаларни ҳам учратиш мумкин. Бу хилдаги ўрмонлардан, масалан, тилоғоч ўрмонлари МДХ да 274 млн. га ни ишғол қиласди ва у, асосан, Сибирда кўп учрайди. Чунончи, бундай ўрмонларда тилоғочнинг бир неча турлари баъзи турдаги буталар билан бир неча ассоциацияни, масалан, тилоғоч-толокнянка, тилоғоч-брұсника, тилоғоч-багульник, тилоғоч-моҳ кабиларни ташкил қиласди.

**Верешатниклар.** Фарбий ва Шимоли-ғарбий Европада, чунончи Шимолий Франция, Бельгия, Голландия, Ирландия, Дания ҳамда ва Германия Федератив Республикасининг шимолий районлари бўйлаб, Болтиқ денгизи бўйида, Скандинавияда маҳсус ўсимликлар типини ажратиш мумкин. Бу типни ташкил этувчи ўсимликларнинг барглари доимо яшил, анча дағал ва кичик бўлиб, кўпинча бутасимон ва чала бутасимон вакиллардан иборат. Улар асосан верескдошлар оиласига киравчи ўсимликлар бўлиб, барглари одатда майда ва зич жойлашган, нинасимон. Бу хилдаги барг тузилишига эга бўлган ўсимликлар одатда верешатниклар деб аталади.

Верешатниклар одатда салқин ва нам океан иклими ҳамда подзоллашган қумли ва торфли тупроқлар мавжуд бўлган Атлантика океани бўйидаги областларда учрайди. Бу хилдаги жойлар Европада жуда кўп. Верешатниклар типидаги бундай группа ўсимликлар қарағай ўрмонларининг киркилиши ва ёнгинлар натижасида очилиб (бўшаб) қолган майдонларда иккиламчи ўсимликлар сифатида пайдо бўла бошлайди. Бундай жойларни ўзлаштириш ва уларни маданий экинлар майдонига айлантириш анча қулайдир.

Шундай қилиб, верешатниклар группасини ташкил қилишда верескдошлар оиласи вакилларидан ташқари эмпетрадошлар, миртадошлар, дукқакдошлар каби оилаларнинг вакиллари ҳам иштирок этади. Бу жойларда энг кўп учрайдиган ўсимликлардан эрика (*Erica tetralix*), вереск, толокнянка, водяника, брусиқа, черника, голубника ва арча (*Luniperus communis*) кабиларни кўрсатиш мумкян. Тупроқ юзини хилма-хил лишайниклар ва моҳлар қоплаган бўлади.

Бу кичик зонанинг асосий қисми Шарқий Европа текислигига жойлашган. У Скандинавиядан бошланади. Фарбда Европадаги ва Шарқдаги тайга ўрмоилари ўзининг жанубий чегараларида баъзи бир кенг баргли дараҳтлар билан-биргаликда учрайди. Бундай жойларда эман, заранг, арғувон, шумтол, қайрағоч, каби кенг баргли дараҳтлар қорақарағай, пихта каби нинабарглилар билан бирга ўсади. Бундай майдонлар Болтиқ денгизи бўйидан бошланиб, МДХ нинг Европа қисми ва Урал тоғигача ингичка минтақа ташкил қиласди. Қорақарағай-эман ўрмонлари, хусусан МДХ нинг Псков, Калинин, Москва, Рязан областларида, қорақарағай-пихта-эман ўрмонлари эса Горький области, Чувашистон ҳамда

Татаристон автоном республикалари ҳудудида кенг тарқалган. Бундай ўрмонларда юқорида қўрсатилган кенг баргли ўсимликлардан ташқари четан (рябина), ўрмон ёнғоғи (орешник), итжумрут (крушинна), учқат берескелет каби буталар, медуница, қўзигул қарғатуёқ, ландиш, илончирмовик сингари ўтлар ҳам учрайди.

Болтиқбўйи республикаларининг баъзи областлари, Ғарбий Белоруссия ва Қарпатда нинабарглилар қорақайн ва граб каби кенг баргли дараҳтлар билан бирга ўсади.

Аralаш ўрмонлар кичик зонасининг мавжудлигини музлик даври ва ундан кейинги даврда нинабарглилар билан кенг баргли ўсимликлар ўртасидаги таъсири натижаси деб хисоблаш керак. Музлик даври тугагач кенг баргли ва нинабаргли ўрмонлар шимолга қараб силжий бошлаган. Кейинчалик иклимининг бир оз салқинлаша бориши, намликтин ортиши натижасида қорақарағай ўрмонлари яна жанубга томон қайтиб, эман ўрмонларини сиқиб чиқара бошлаган. Бу процесс ҳатто ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Шимолий Америкада аralаш ўрмонлар Атлантик океанинг шарқий соҳилида нинабаргли дараҳтлар кенг баргли дараҳтлар билан бирга ўса бошлади. Бу ерда заранг, арғувон, шумтол, қорақайн, эман, тоғтерак, бальзам терак, оқ қайнин, лола да-рахти бальзам пихтаси, веймут қарағайи каби нинабарглилар билан бирга учрайди.

Аralаш ўрмонлар таркибида 5—6% чиринди бўлган қорамтири чимли подзол тупроқли районларда ўсади.

Баргли ўрмонлар учламчи даврда турларга жуда бой бўлган. Тўртламчи даврга келиб турлар сони камайган. Бу хилдаги ўрмонлар баъзан ёзда яшил ўрмонлар деб ҳам юритилади. Баргли ўрмонлар одатда барги кенг (йирик) бўлган дараҳтлар ҳамда барг пластинкаси анча кичик бўлган дараҳтлардан ташкил топган. Шунга кўра улар кенг баргли ўрмонлар ва майдада баргли ўрмонлар деб аталувчи кенжага группаларга бўлинади.

**Баргли ўрмонлар** деярли шимолий ярим шарда кенг тарқалган бўлиб, асосан денгиз иқлими таъсирида ривожланади. Баргли ўрмонлар қисман Шимолий Америкада ва, асосан, Ғарбий Европада тарқалган бўлиб, ўзининг шимолий чегарасида аralаш ўрмонлар билан туташиб, жанубга томон йўналади. У МДҲ худудининг ғарбий қисмидан Уралгача, шунингдек, Кримда, Кавказда, Узоқ Шарқда, Манчжурияда, Хитойнинг шарқида, Камчаткада, Сахалинда, Шимолий Япон оролларида тарқалган. Баъзи жойларда у экстразонал характерга эга бўлиб, дашт зонаси чегарасига кириб боради. Шимолий Америка ва Евросиёда баргли ўрмонларни ташкил этишда бир неча тур эманлар иштирок этади.

Баргли ўрмонлар учун ҳар йили кузда баргларининг тўкилиб туриши, бир неча туркумга мансуб бўлган дараҳтларнинг мавжуд бўлиши ва бир неча ярусли дараҳт буталаридан ташкил топиши характерлидир. Ўт ўсимликлар ҳам турларининг хилма-хиллиги ва ҳаёт кечиришида турли-туман мосланишларга эга бўлиши билан нинабаргли ўрмонлардан фарқ қиласи. Ҳар йили кузда хазонрезликнинг бўлиши ва ерни хазон билан қопланиши бу ўрмонларда моҳ-лишайниклар қаватини ривожланмаслигига сабаб бўлади. Моҳлар ва лишайниклар кўпинча дараҳтларнинг танасида ёки шохларида ривожланади.

**Баргли ўрмонлар** кичик зонасининг иқлим ва тупроқ шароити нинабаргли ўрмонлар учун бирмунча қулайдир. Масалан, бир йилда деярли 4 ой температура  $+10^{\circ}$ дан юқори бўлиб туради. Энг иссиқ ойда ўртacha температура  $+13$  ва  $+23^{\circ}$  ни, совук ойда эса  $-6^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қиласи. Ёғингарчилик, асосан, вегетация даврида кузатилади ва бу вақтда ойига 100—130 мм миқдорда ёғин ёғади. Шундай шароитнинг мавжудлиги баргли ўрмонларда жуда кўп ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланишига имкон беради. Бу ерда ўсадиган ўсимликлар мезофйт ўсимликлардир. Кўпчилик дараҳтларнинг барги кенг ва нозик бўлиб, улар кузга томон температуранинг пасайиши натижасида сарғайиб тўкила бошлади. Қишки совуклардан сакланиш учун дараҳтларнинг танаси қалин пўстлоқ ҳосил қиласи ва куртаклари пўстга ўхшаш тангача пардалар билан қопланади.

Йилнинг баҳор ва куз мавсумида ёруғлик нурининг таъсири ортади. Баҳор пайтида ёруғлик кўпинча эрта кўкламда ривожланадиган эфемероид ўсимликларга фойдали таъсири кўрсатса, кузги ёруғсевар дараҳтларнинг баргини тезроқ тўкилишига таъсири этади. Натижада куздан бошлаб келгуси йили баҳоргача бундай ўрмонларда «бойчечаклар» деб

аталган махсус группа ўсимликлари ўсади. Қенг баргли ўрмонларда дараҳтлар, бута-лар ва қўп йиллик ўт ўсимликлар ёз мавсуми давомида ўсиб ривожланади. Ўт ўсимликлар ёз мавсумида ўрмонларнинг пастки қисмига ёруғликнинг тушмаслиги сабабли, ўз ҳаёт процессларини ёруғлик етарли даражада бўлган куз-қиши ва баҳор фаслида тугаллашга нослашган.

Бойчечаклар группасига кирувчи қўп йиллик ўт ўсимликларнинг пиёзи, тугунаги ёки илдизпоясида куз-қиши давомида куртаклар чиқа бошлайди ва, ҳатто қишининг иккинчи ярмида уларнинг ер ости органларида ёш ўсимталар ҳосил бўлади. Куз-қиши фасли давомида хазон барглар ва қалин қор катлами туфайли ер бети музламайди. Бу эса кўпгина ўсимликларни шу фаслда ўсишига имкон беради. Шундай қилиб, баҳор бошланиши билан бойчечаклар тезда қор катламини ёриб чиқиб гуллай бошлайди ва уруғ ҳосил қиласди.

Шундай қилиб, баргли ўрмонларда ўсуви турли ўсимликлар турлича ҳаёт кечиришга мослашган.

Осиёдаги баргли ўрмонлар. Хитой, Япония ва Узок Шарқнинг жанубий қисмида кенг баргли ўрмонлар мавжуд бўлиб, улар ўзининг жанубий чегараларида, яъни Уссурия ўлкасида субтропик ўрмонлар билан туташади.

Узок Шарқдаги баргли ўрмонлар жуда ўсимликларга бой. Булардан монгол эмани, Амур ва Манчжурия арғувони, Манчжурия шумтоли, граб, Манжурия ёнғоғи, баҳмал дараҳт ёки Амур пўйқада дараҳти ва қайрағочнинг бир неча тури кенг тарқалган.

Баргли ўрмонлардан қайнин ўрмонлари Фарбий Сибирда, Камчаткада, эман-заранг-арғувон ўрмонлари Амур, Шимолий Уссурия ва Осиёда учрайди.

Шунингдек, кёнг баргли ўрмонлар Кавказда (эман ва эман-граб ўрмонлари), Урта денгиз атрофида (эман ўрмонлари) тарқалган.

Уссурия ўлкасидаги ўрмонлар энг қадимги ўрмонлардан ҳисобланади. Музлик даврида бу ерларга музлик келиб етмаган. Шунинг учун илиқ иқлими бу жойларда учламчи . даврда яшаган баъзи ўсимликлар ҳозирги кунгача сақланиб келган. Улар ўз вактида жуда кенг тарқалган бўлишига қарамасда, кейинчалик умумий иқлим шароитининг ноқулайлашиб бориши натижасида ҳозирги кунда бу хилдаги ўсимликлар майдони жуда қисқарип кетган. Шунинг учун ҳам Уссурия ўлкасидаги баъзи ўсимликлар ноёб ҳисобланади.

**Майда баргли ўрмонлар.** Майда баргли ўрмонларда қайнин, тоғтерак, қандағоч каби ёруғсевар, беор ва тез ўсуви ўсимликлар учрайди. Фарбий Сибирь текислигига учрайдиган қайнин (тоғтерак) ўрмонлари асосан бир неча тур қайниндан ва тоғте-ракдан ташкил топган. Бундай ўрмонларда черемуха, четан, тол, наъматак кабилар иккинчи ва учинчи ярусни ташкил қилувчи кичик дараҳт ва буталар ҳам учрайди. Утлардан эгоподиум, костянника, илоқ, володушка, қўзи қулоқ, санчикүт, орляк попоротниги кабилар учрайди.

Камчатканинг Охота денгизи атрофида Сахалин ва Курил оролларида тош қайнин ойрак бўлса-да, катта-катта майдон-ларда ўрмонлар ҳосил қиласди. Бундай ўрмонларда ўтлардан дудник, боршевик, крестовик, каламогростис ёки сохта қамиш кабилар ўсади.

**Тилоғоч (Larix)** бўйи 30—45 м ли дараҳт, 500—900 йил яшайди, ёғочи намга чидамли. Лак-бўёқ саноатида ундан терпентин олинади. Пўстлоғидан ошловчи (дубил) моддалар, бўёқ ва эфир мойлари олинади. Тез ўсувланилиги ва серунум хом ашё бериши билан энг самарали ўсимлик ҳисобланади. МДХ худудидаги ўрмонлар майдонининг 40% ини тилоғоч ўрмонлари ташкил қиласди.

**Қарағай (Pinus)** — бўйи 20—40 м келади, 200—300 йил яшайди, ёғочи енгил, қаттик ва чидамли. Қарағай ўрмонлари тупроқни ювилиб кетишдан сацлайди. Химия саноатида қарағай сақиҷидан смола, скипидар ва канифол олинади. Сибирь қарағайнинг уруғидан олинадиган мой медицинада ва консерва саноатида ишлатилади; қарағай куртакларида фитонцид модда бўлгани учун улардан дизенфекция қилувчи ва нафас олишни енгиллаштирувчи восита сифатида фойдаланилади.

**Қорақарағай (Picea)** — бўйи 20-30 м, 250—300 йил яшайди, ёғочи қоғоз-целлюлоза, курилиш саноатида ишлатилади. Ёғочидан гидролиз йўли билан этил спирт, ацетон, глицерин, витамин С ва ҳоказолар олинади.

**Пихта (Abius)** — бўйи 30—40 м, 200—500 йилгача яшайди, танасида, пўстлоғида, баргида смола ва эфир мойлари жуда кўп. Айниқса, ёш шохчалари ва унинг баргларидан олинган мойда 30—40% гача борнилацетат бор. Ундан борнеол спирт ва камфора мойи олинади. Пўстлоғидан ойналарни ширачловчи бальзам олинади.

**Тис (Taxus)** — бўйи 30 м келадиган нинабаргли дарахт, 3000—4000 йил яшайди, ёғочи қаттиқ, секин чирийди. ёғочи дурадгорлик ва машинасозлиқда ишлатилади. Барги, пўстлоғи ва ёғочида заҳарловчи токсин алколоиди бор.

**Қайнин (Betula)** — бўйи 25—30 м келадиган дарахт, 400 йилгача яшайди. Ёғочи жуда юқори сифатли бўлади. Қайнининг куртаги ва гуллари медицинада (суюк синганда оғриқни боса-диган восита) ҳамда парфюмерияда (помадалар тайёрлашда) ишлатилади.

**Эман (Quercus)** — бўйи 30—40 м га етадиган, 50—100 йил яшовчи дарахт. ёғочи юқори сифатли, пўстлоғи ва узунчоқ ёнғоқ шаклидаги мевалари медицинада (ичак касалликларини даволашда, кон тўхтатувчи ва заҳарланганда фойдаланувчи восита сифатида) ишлатилади. Ёғочдан ошловчи моддалар олинади.

**Жўка (Tilia)** — 300—400 йил яшайди, бўйи 25—30 м гача етади. Ёғочи анча юмшоқ бўлиб, дурадгорчиликда ишлатилади. Арғувон гули ширага бой. Гулидан ликёр ва конъяк тайёрлашда фойдаланилади.

**Заранг (Acer)** — бўйи 25—30 м келади, 100—150 йил яшайди. Ширали ўсимлик ёғочи юқори сифатли, дурадгорчиликда кенг фойдаланилади.

**Граб (Carpinus)** — 300 йилгача яшайди, бўйи 20—25 м келадиган сояга чидамли дарахт. ёғочи жуда оғир ва пишиқ бўлганлиги учун қишлоқ хўжалик машиналарининг ёғочли қисмларини тайёрлашда ишлатилади. Баргидан 3—12,5% гача ошловчи моддалар бор. Улардан терини ошлашда, меваси (ёнғоги) дан эса озиқ-овқат сифатида фойдаланилади. Бир гектар майдондаги 100—120 ёшли граблардан 1,5 тгача ҳосил олиш мумкин.

**Қорақайин (Fagus)** — бўйи 30—40 м, 500 йилгача яшайди, 20 йилда ҳосил бера бошлайди. Ёнғоқ шаклидаги меваси тар-кибида 50% гача мой бўлиб, ундан озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. ёғочи жуда пишиқ ва юқори сифатли бўлганлиги учун сув ости иншоотларини қуришда, мебель ва музика асблолари тайёрлашда ишлатилади.

Бахмал ёки амур пўкак дарахти (*Phellodendron*) — 300 йил яшайди, бўйи 20—25 м гача етадиган манзарали дарахт. Ундан асосан пўкак тайёрланади.

**Каштан (Castanea)** — ёввойи ҳолда ва бъязан маданий ҳолда ўсади, бўйи 25—30 м келади, 10—15 ёшда ҳосилга киради. Мевасининг таркибида 62% крахмал, 17% шакар, 6% оқ-сил, 2% мой бор. Ундан озиқ-овқат сифатида фойдаланилади.

Юқорида кўрсатилган асосий дарахтлардан ташқари ўрмон ҳосил қилишда буталар, ўтлар, спорали юксак (моҳлар, папоротниклар, плаунлар) ва тубан (замбуруғлар, лишайниклар) ўсимликлар ҳам қатнашади. Улардан хўжаликнинг турли соҳаларида кенг миқёсда фойдаланилади.

Ўрмон зонасидаги ерлардан ҳар хил экинларни экишда фойдаланилади. Мўйна берувчи ёввойи ҳайвонларнинг яшаши, чорва молларини боқиши, асаларичиликни ривожлантириш, турли хил дори-дармон ўсимликларни медицинада қўлланилишида хилма-хил мевали буталардан озиқ-овқат саноатида фойдаланишда ўрмонларнинг аҳамияти катта. Булардан ташқари ўрмонлар тупроқни ювилиб кетишидан сақлашда, ёғин сувларининг йил давомида ерга текис шимилишида, экинзорларнинг доимо намланиб туришида, шунингдек, микроклиматни қулай бўлишида, шамолнинг зарарли таъсир кучини пасайтиришда ва ҳавонинг доимо соғ бўлиб туришида жуда катта аҳамиятга эга. Хуллас, ўрмон ва ўрмон ўсимликлариянг аҳамияти чексиздир.

Кўпчилик мамлакатларда ўрмонлардан аёвсиз фойдаланиш оқибатида ўрмонлар майдони кескин қисқариб бормоқда. Масалан, Шимолий Америкадаги ўрмонлар майдони яқин ўтмишда 365 миллион гектарни ташкил этган бўлиб, унда 1100 турдан иборат дарахт ўсан. Шундан 100 га яқин тури саноат аҳамиятига эга бўлган. XX аср бошларига келганда эса Америкада атиги 262 тур дарахт сақланиб қолган ва умумий ўрмон майдони 225 миллион гектарни ташкил этган. Чунончи, Грециянинг 65% майдони ўрмонлар билан қопланган

бўлиб, XIX аср охирларига келганда бу кўрсаткич 15% га тушиб қолган. Шундан атиги 4% и унумли ўрмонлар майдони ҳисобланган. Испаниянинг майдони илгари деярли ўрмон билан қопланган бўлса, кейинчалик эса шу майдоннинг 1/8 қисмидагина ўрмонлар сақланиб қолган. Дунё бўйича мавжуд бўлган ўрмон майдонларининг 22% ини МДҲ худуд-сидаги ўрмонлар ишғол этади, яъни 9100 млн. га дан иборат. МДҲ ўрмонларида 1500 тур дарахт ва буталар мавжуд. Шу ўрмонларнинг 78% майдониди нинабаргли ўрмонлар ишғол этади. Ҳар йили МДҲ да 2,5—3,5 миллион гектар майдонда ўрмон дарахтлари қирқилади ва учдан бир ҳисса майдонда янги ўрмонлар барпо этилади.

Аммо объектив анализ қилинганда кейинги 50 йил ичида МДҲнинг Европа қисмидаги ўрмонлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиб, уларнинг ўрнига янги ўрмонлар барпо этиш ишига етарли эътибор берилмаганлиги маълум бўлди. Ўрмонлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида эса 40% қорақа-қарағай ўрмонлари майдони қайнин-тоғтерак ўрмонларига айланган. Маълумки нинабаргли хусусан, қорақарағай ўрмонлари кесилгач улар ўрнида ёғочи паст сифатли қайин ва тоғтерак дарахтлари тез ўсиб ўрмон ҳосил қилган.

Шунинг учун бугунги кунда янги ўрмонлар барпо этиш иши энг зарур проблемалардан бири деб ҳисобланмоқда ва ўрмонлар майдонини қисқартмаслик шарти билан улардан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш илмий асосда ташкил қилинмоқда

### **Назорат саволлари**

1. Табиат зоналари деганда нимани тушунасиз?
2. Ер шари кандай табиат зоналарига ажратилади?
3. Арктика муз сахролари зonasининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тушунтиринг?
4. Чўл ва чалачўл зонаси органик оламини тушунтиринг?
5. Кенг ва ингичка баргли ўрмонлар зonasини изоҳланг?
6. Тундра зonasини тушунтиринг?
7. Каштан (Castanea) дарахтининг географик тарқалишини изоҳланаг?
8. Ер шари кандай табиат зоналарига ажратилади?
  
9. Кенг ва ингичка баргли ўрмонлар зonasини изоҳланг?
10. Тундра зonasини тушунтиринг?
11. Верешатниклар нима.

### **Таянч иборалар**

Табиат зоналари, Арктика муз сахролари зонаси, тундра ва ўрмон тундра, тайга ўрмонлари, кенг ва ингичка баргли ўрмонлар, тропик ва субтропик ўрмонлар, нам экваториал ўрмонлар. Табиат зоналари, Арктика муз сахролари зонаси, тундра ва ўрмон тундра, тайга ўрмонлари, кенг ва ингичка баргли ўрмонлар, тропик ва субтропик ўрмонлар, нам экваториал ўрмонлар

## **МАВЗУ -11. ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИКЛАР ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ**

**Режа:**

1. Ўзбекистоннинг табиат зоналарида ўсимликлар дунёсининг тарқалиши.
2. Махсус муҳофазага олинган ўсимликлар.
3. Ўзбекистон ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш маалалари

Ўзбекистон ўсимликлар дунёси хилма-хил бўлиб, халқ хўжалигига муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ФА Ботаника инситути («Ботаника» илмий иўлаб чиқариш маркази)да олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ўлкада 166 оиласга мансуб 4500 га яқин юксак ўсимлик турлари борлиги маълум бўлди. Буларнинг аксарият

қисмини қоқиўтдошлар (260га яқин тур), карамдошлар, ялпиздошлар, лабгулдошлар, шўрадошлар, лоладошлар, чиннигулдошлар, ёронгулдошлар, говзабондошлар, ръяндошлар каби йирик оилаларнинг вакиллари ташкил этади. Ўзбекистон флораси пайдо бўлиши, тарқалиши, тур, туркум ва оилаларнинг умумий ўхшашлиги жиҳатидан Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон, Афғонистон ўсимликлар дунёсига жуда яқин туради.

Ўзбекистон флораси узоқ тарихга эга. Палеоботаник тадқиқотлар республика ҳудудида қуруқлиқдаги юксак ўсимликларнинг (ксилофитлардан тортиб) барча эволюцион даврларига оид ўсимлик қолдиклари борлигини кўрсатди. Ҳатто ҳозирги Қизилкүм чўлларидан бир вақтлар бу ерларда ўсган хурмо, чинор, терак каби дараҳт ва буталарнинг қолдиклари топилган.

Ўзбекистонда ўсимликлар ўсмайдиган жой йўқ. Уларни текислиқдаги қумли чўллардан тортиб, корли баланд тоғларгача бўлган турли рельеф ва тупроқ шароитида учратиш мумкин. Ўзбекистон ўсимликларининг тарқалишини ёритиш учун тавсия этилган 4 тик (вертикал) минтақа (чўл, адир, тоғ, яйлов) асос қилиб олинди. Ҳар бир минтақа ўзига хос рельеф, иклим, тупроқ ва ўсимликлар дунёсига эга.

**Чўл** (текислик)даги ўсимликлар ҳаёти, асосан, қум ва гипсли тупроқлар ҳамда шўрхок билан боғлиқ. Қумли чўлга Қизилкүм, Қашқадарёнинг қуруқ ўзани (Сандиклиқум), Сурхондарёнинг қуий қисмидаги Каттақум ва Хоразм воҳасидаги қумли массивлар киради. Аксарият қумликлар ўсимликлар билан мустаҳкамланган. Қум уюмларида дараҳт ёки йирик буталардан оқ саксовул, жузғун (қандим), черкез; буталардан оқбоялич, қуёнсуяж, қизилча каби ўсимликлар ўсади.

Жузғун илдизлари ён томонга 20 м гача ўсиб, қумларни маълум даражала ушлаб туради. Қумларни мустаҳкамлашда кўп йиллик ўтлардан селен алоҳоа ахамиятга эга. У тарқоқ илдизлари ҳамда ер устки қисмларн (поялари) билан қумларнинг кўчишига тўскинлик қиласди ва бошқа ўсимликлар (жузғун, саксовул ва б.) уруғини тутиб қолиб, ўсишига шароит яратади. Шунингдек, қумда ривожланишга мослашган кўп йиллик эфемер ўсимлик **илоқ илдиз** пояси орқали ҳам кўпаяди. У қисқагина баҳор ойларида тез ўсиб, гуллаб, мева беришга улгуради.

Гипсли чўлга Устюрт, жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий Қизилқумда жойлашган айrim ҳудудлар (массивлар) киради. Гипсли чўл флораси турларга унча бой эмас. Ўсимликлар формацияси (жамоаси)ни шакллантиришда, асосан, шўрадошларга мансуб турлар иштирок этади. Жумладан, ярим бута ва буталардан буюргун, боялич ҳамда бир йиллик шўралар (балиқкўз), шувоқ туркумига мансуб оқ жусан каби турлар ва эфемерларни кўплаб учратиш мумкин.

**Адирлар** ўсимлик турларига жуда бой. Унда қўнғирбош, қўзиқулоқ, каррак, шашир, какра, қатрон, астрагал, ширач каби кўп йиллик ўтлар билан бир қаторда бир йиллик ўтлар (эфемерлар) ҳам бор. Баъзан 1 м<sup>2</sup> ерда 15-20 турга хос юзлаб ва ҳатто минглаб ўсимлк турлари жойлашган бўлиши мумкин.

Адирларда (айниқса, республиканинг жанубида) сақланиб қолган писталар уларнинг бир вактлар бу ерларда кўплаб ўсганлигидан, бироқ турли мақсадлар учун аёвсиз кесиб олиниши туфайли камайиб кетганлигидан дарак беради.

Адирларнинг юқори қисмида буғдойиқ, так-так (тоғарпа), андиз, гулхайри каби бўйи баланд кўп йиллик ўтлар, тошлоқ ва шагалли жойларида бодом, наьматак туркумининг викиллари — буталар, астрагал ҳамда пиёз туркумига мансуб турлар кенг тарқалган.

**Тоғлар** - табиий ҳолда ўсадиган дараҳтларга бойлиги билан бошқа минтақалардан фарқ қиласди. Ўзбекистон тоғларини арчаларсиз тасаввур этиб бўлмай-ди. Улар тоғларимизнинг кўрки бўлибина қолмай, тоғ ён бағирларини эрозиядан саклашда ишончли омилдир. Арчалар жуда узоқ 300-700, ҳатто 1000 йиллар мобайнида ўсиб ривожланали. Кенг баргли дараҳтлардан заранг, олма, нок, олча, дўлана, қатронғи, писта, бодом, ёнғоқ, оқ қайин, тол, терак, шумтол ва камхастаклар кўп тарқалган. Улар кўпинча мустақил гурухларни ташкил қиласди. Тоғлардаги мевали дараҳтлар мевасидан одамлар ва ҳайвонлар озиқ-овқат сифатида фойдаланади.

Яйловлар баланд бўйли дараҳтларнинг ўсмаслиги, қоялар ва баланд кияликлар (плато)нинг кўплиги ҳам торон, бетага, шувоқ, сутлама, исорак, ёронгулларга бойлиги билан ўз хос манзара ҳосил қиласи. Шунидек, ёстиқ ҳосил қилиб ўсуви кирпиут, зирақтлар ҳам кенг тарқалган.

Табиатда ўсимликлар якка-якка ҳам ёки тўп-тўп бўлиб (фан тили билан атганда ассоциация, формация ҳосил қилиб) ўсади. Ўзбекистон ФА Ботаника институтининг ходимлари яратган жилдли «Ўзбекистоннинг ўсимлик қоплами» (рус тилида) монографиясида республикадаги 1196 ассоциация қамраган 170 формация келтирилган. Ўзбекистон флорасига оид маълумотларни Ботаника институти томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон флораси» (6 А, ли) ва «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи» дан (10 жилдли; ЎзМУ билан ҳамкорликда) олиш мумкин.

**Ўсимликларни муҳофаза қилиш.** Ўзбекистон ҳудудида чўл, адир, тоғ олди, тоғ ва баланд тоғ баландлик минтақалари ўсимлик қоплами тарқалган. Республика ҳудудида 4500 га яқин ўсимлик тури бўлиб, шундан 577 таси доривор, 103 таси бўёқли ва 560 таси эфир мойли. Ўсимликларнинг 10—12%и муҳофазага муҳтож. Бундан ташқари мамлакатда, хусусан, Оролбўйида табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ихота ўрмон-лари бунёд этиш давом этмоқда.

Сўнгги йилларда эса қурилиш материали сифатида фойдаланилувчи четдан келтириладиган ёғочнинг кескин камайиши муносабати билан теракзорлар бунёд этилмоқда.

Бундан 40-45 йил мукаддам текисликдаги дарё ва сойлар қайирлари анча зич тўқай ва қамишзорлар билан қопланган бўлиб, тўқайларда турангул, тол, жийда, юлғун каби дараҳт ва бугалар қалин ўсан. Кейинги йилларда туғонлар, сув омборлари ва каналлар қурилиши авж олиб, дарё ҳамда сой сувлари кескин камайиши, сизот сувлар сатҳи тобора камайиб, уларнинг минераллашуви ва шўрлиги ортиши натижасида бу тўқайларнинг катта қисми қуриди (айниқса, Қуий Амударёда). Республика яйловларининг ҳозирги аҳволи ҳам анча ташвишилдири. Буларнинг асосий сабаблари яйловлардан нотўғри фойдаланиш, тоғ одди ва чала чўл зонасидаги катта-катта майдонлар асосиз равишда ҳайдалиб, экинлар экилганлиги, чўлларда -саксовул, тоғларда - арча каби қимматбаҳо дараҳт ва бута ўсимликларнинг кўплаб кесилиб кетганлиги, яйловда қуй боқиши мөёрига амал қилмаслик, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, чўл зонасида янги-янги шаҳар ва йўллар қурилиб янги конлар ишга туширилганлигидир.

Ўзбекистоншшг ўрмон фонди, асосан, тоғ ўрмонларидан иборат бўлиб, табиатни муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Улар ажойиб табиий манзара, ўзига хос соғлом микроиклим яратади, сувни сақлайди ва тупроқни эрозиядан асрайди, атроф-муҳитнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайди.

Ўрмонлар республика майдонининг 15% ини ташкил этади. Кейинги 30-35 й. мобайнида экологик вазиятнинг ёмонлашуви сабабли Ўзбекистон «Қизил китоби»га 147 ўсимлик оиласи киритилди. Буларнинг кўпи қимматбаҳо доривор ўсимликлардир. Республика изда 1997 йилда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш хақида» қонун қабул қилинди.

**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш.** Ўзбекистон ҳайвонот дунёси хилма-хил бўлиб, Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар сингари субтропик минтақаларга хос турларга эга. Республикада сут эмизувчиларнинг 6 туркуми: ҳашаротхўрла(бтур), қўлканотлилар (19 тур), товушқонсимонлар (2тур), кемирувчилар (42тур), йиртқичлар (23тур), жуфт туёклилар (8 тур)га мансуб 100 тур учрайди. Энг нодир ва кам учрайдиган сут эмизувчиларнинг 24 тури, жумладан **бурама шоҳли эчки, қунғир айиқ, қоплон, қорақулоқ, силовсин, илвирс, сиртлон, қундуз, манул, жайран, архар, қўшоёқ, қўқ сугур, хинд асалхўри, олакўзан, хонгул, устюрт қўйи, қизилқум қўйи, бухоро қўйи, шом шапалак**, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган (2003 йил).

Ўзбекистонда кушларнинг 24 туркумга мансуб 410 га яқин тури бор, улардан 184 тури чумчуксимонлар туркумига киради. Кушларнинг 24 тури, жумладан, бирқозон, жингалакдор бирқозон, оқ лайлак, қора лайлак, қизил ғоз, вишилдоқ оққуш, кичик оққуш, мармар ўрдак, оқбош ўрдак, сувқийғир, узун думли сувбургут, оқдум сувбургут, кичик бургут, қирғий бургут, чўл

бургути, киронқора, болтаютар, қумой, илонхұр бургут, маллабошлочин, оқ турна, оддий тувалоқ, йүрға тувалоқ, қорабовур, торғоқ, осиё лойхұраги, қум чумчук ва б. «Қизил китоб»га киритилган.

Судралиб юрувчиларнинг 58 тури мавжуд, жумладан тошбақаларнинг 2 тури (чүл тошбақаси) маълум. Тангачалилар туркүмининг 58 (калтакесаклар - 38, илонлар - 20) тури учрайди. Илонларнинг 5 тури: капча илон, қалқонтумшук илон, күлворилон, чарх илон, чүл қора илони заҳарли ҳисобланади. Судралиб юрувчиларнинг 16 тури, жумладан, хейтоғ қурбақабоши, штраух қурбақабоши, эчкемар, чипор калтакесак, күлворилон Республика «Қизил китоби»га киритилган.

Сувда ҳамда қурукутиқда яшовчиларнинг 3 тури: яшил қурбақа (турон қурбақаси ва осиё тоғлари қурбақаси кенжә турлари), күл бақаси ва дашт Қурбақа учрайди.

Мамлакат сув ҳавзаларида балиқларнинг 106 тури тарқалған. Улар 2 катта гурухга бўлинади. Биринчи гурухга дарё ва сойларда қадимдан яшаб келаётган маҳаллий балиқар (амударё гулдор балиғи, ширмоҳи, туркистон мўйловдори, зоғора балиқ, лаққа ва б.), иккинчи гурухга эса, асосан, сув омборларида иқлимлаштирилган балиқлар (иссиқкўл гулдор балиғи, пеляль, оқамур, орол мойбалиғи, шарқ оқчаси, кумуш товоң балиқ, оддий дўнгпешона, оқ сла, илонбош ва б.) киради. Балиқларнинг 18 тури, жумладан, орол мўйлов балиғи, орол бақраси, амударё қил қўйруғи (катта курак бурун), амударё тош бақраси (кичик курак бурун), бурун (сирдарё курак буруни) ва б. «Қизил китоб»га киритилган.

**Чўл ҳайвонлари.** Қумли чўллардан Қизилқум, Сандиқли ва Каттақум, Ёзёвонда судралиб юрувчилардан-тароқ бармоқли геккон, қурбақабош чўл калтакесаги, қурбақабош қулоқдор калтакесак, йўл-йўл калтакесак, тўр чизиқли калтакесак, чўл бўғма илони, чипор илонларнинг бир неча тури, ўқ илон, чарх илон ва чўл тошбақаси учрайди.

Судралиб юрувчилар кўп бўлганлиги сабабли чўлни судралиб юрувчилар макони дейиш мумкин. Сут эмизувчилардан чўлларда ола путароқ, ингичка бармоқли юронқозик, тушки қумсичқон, қўшоёқлар, бўри, қулоқдор типратикан, тулки, қарсоқ тулки, катта қумсичқон, қизил думли қумсичқон, қум товушқони, ёввойи қуён каби ҳайвонлар яшайди. Қумли чўлларда кушларнинг атиги бир неча тури - йилқичи, тентакқуш, чўл мойқут, хўжа савдогар, чўл қарғаси, тўрғай, тошсир-чумчук учрайди. Қумли чўлларда умуртқасиз ҳайвонлардан тирик ўргимчаксимонлар (бит, сарик фаланга, чаёнлар), қора танали қўнғизлар, тилла қўнғизлар, исқабтопарлар, заҳқашлар тарқалған.

Барча чўл ҳайвонлари тез югуришга, тана ҳароратини бошқаришга имкон берадиган морфологик белгиларга эга. Ҳатто секин ҳаракатланадиган типратиканларнинг ҳам оёклари, қулоқлари ва игналари нисбатан узун. Калтакесаклар узун оёклари, товони ва думи ёрдамида тез чопади.

**Тоғ ҳайвонлари-** Тоғда ҳаёт шароити чўлдагига нисбатан хилма-хил бўлганлиги сабабли ҳайвон турлариҳам кўп. Денгиз сатҳидан 200-600 м баландликда сув ҳавзалари яқинларида турли умутқасизлар, капалак, ниначи, шилиқуртлар, қитир пашшалар, балиқлар кўплаб учрайди. Денгиз сатҳидан 600-1100 м баланликда тоғ даштлари минтақасида судралиб юрувчилардан туркистон агамаси, олай калтакесаги, сарик ва кўзанакли илон, кушлардан бедана, чил, соч, сут эмизувчилардан бўрсиқ, кўрсичқон, кўнғир олаҳуржун ва бир неча ҳашорат турлари яшайди. Денгиз сатҳидан 1200-1500 м баландликда тоғ ўрмонлари минтақасида судралиб юрувчилардан туркистон агамаси, ҳимолай агамаси, чўл калтакесаги, кўлборилон, қалқонтумшук илон; кушлардан сарик чумчук, читтақ, қизилиштон, зарғалдоқ кенг тарқалған. Сут эмизувчилардан тўнғиз, илвис ва қоплонларн ҳам ураб туради. Қўхитанг тоғининг арчазорларида морхўр, Боботоғ пистазорлариорасида ёвойи қўй - муфлон, Чотқол тизмасининг ёрбағиларида марказий осиё тоғ эчкисини кўриш мумкин. Денгиз сатҳидан 2700-2800 м баландликда альп минтақаси ҳудудига Чотқол, Кўксув, писком, Охангарон, Сангзор дарёлари ҳамда Қашқадарё, Сурҳандарё тоғларини эгаллади. Бу ҳудудда қурбақа, олой калтакесаги, ҳимолай агамаси, қалқонтумшум илон тарқалған.

**Соҳил ҳайвонлари.** Ўзбекистоннииг дарё соҳилларида ҳашаротлар (мас., сузуви

қўнғизлар ва ниначилар личинкаси), кўл бақаси, сув илонлари, балиқчилар, чигиртчилар, қоравойлар, мешкопчиқушлар, қўнғир ва қанжирлар, кўк қутонлар, кўлбуқалар, ўрдаклар, сув бургутлар, кўктарғоқ, скопа, сувсар яшайди.

Қамишзор ва тўқайларда яшайдиган ҳанвонлар сувга бевосита эҳтиёж сезмаса ҳам, ҳаёт учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини сув ҳавзалари қирғофидан топади, урчиди ва душманларидан сақланиш учун овлоқ жой ахтаради. Бундай шароитда яшил қурбақа ва кўл бақаси, судралиб юрувчилардан сахро калтакесаги, илдам калтакесак, сувилон, гулдор чипор илон, чўл қора илони кўп тарқалган. Тўқайларда қирғовул, оддий какку, сариқ жиблажибон, зағизғон, ола қарға, ваҳимақуш, ғарб булбули учраб туради. Сут эмизувчилардан товушқон, пластинка тишли каламуш, тароқ тишли қумсичқон, каспий орти дала сичқони, чиябўри, тўнғиз, тўқай мушуги ва йўлбарс бор. Қамишзорларда мўйловдор читтак ва тўқай дехқон чумчуғи айниқса кўп.

Дарё атрофидаги лёсс тупрокли жарликларда кулранг геккон, туркистон геккони, чипор илонлар учрайди. Форлари эса бухоро тақабурун кўршапалаги, ўққулоқли тунги кўршапалак учун макон.

**Воҳа ҳайвонлари.** Воҳаларда кушлардан қишлоқ қалдирғочи, қора жарқалдирғоч, мусича, дала чумчуғи кабилар, сут эмизувчилардан митти кўршапалак, уй сичқони, кулранг каламуш кўп. Ўй-жойларда ва харобаларда кўпинча кулранг геккон, туркистон геккони, кўк капитар, оқ лайлак, бойўғли, укки, кўк қарға, зағча, катта тақабурун кўршапалак, мўйловдор уч рангли тунги кўршапалак, кечки кўршапалак хаёт кечиради. Дараҳтзорларда қора калхат, тювик, жиғолтой, қора капитар, зағизғон, гўнгқарға, зарғалдоқ, ваҳимақуш, узун думли думпараст, уй чумчуғи, қоратўш чумчук, малла вьюрок, ғарб булбули, қораялоқ ва бошқа кушлар ин қўйишади. Бедапояларда қирғовул ва бедана учраб туради. Чиябўри ва узун қулоқтипратикан, чўл калтакесаги, тез калтакесак, ранг-баранг чипор илонлар кўп. Жанубий воҳаларда кўзойнакли илон учраб қолади. Дала ва боғларда яшил қурбақалар яшайди.

**Заараркунанда ҳайвонлар.** Табиатда жуда кўплаб фойда келтирадиган ҳайвонлардан ташқари, уларнинг қишлоқ ҳўялиги, ўрмончилик, ўсимликлар, омборларда сақланётган ғаллаларга, кийим-кечакларга жуда катта зарар етказадиган турлари бор. Шунингдек, бир қанча ҳайвонлар одамлар, чорва моллари, уй ва ёввойи ҳайвонларда паразитлик қиласи ёки касаллик қўзғатувчиларни юқтиради.

Қишлоқ ҳўжалик экилиари заараркунандалари. Республика қишлоқ ҳўялиги экинларига зарар келтирадиган ҳайвонларнинг анчагина қисмини кемиравчилар, ҳашаротлар, каналар ва айрим нематодалар ташкил қиласи. Ҳар бир экин, дараҳт, ўрмон ва бошқа ўсимлик турининг ўзига хос заараркунандалари мавжуд. Техника экинларидан фўзага 200 дан кўпроқ тур ҳашоратлар айниқса дала қандаласи, ғўза шираси, тамаки трипкаси, ўргичакана жиддий зарар келтиради. Бошоқли экинларни ҳаммаҳўр турларидан чигитка, темирчаклар, бузоқбоши, швед пашшаси, буғдой трипси, шилишиккорт, поя бургачалари кўп зарар келтиради.

**Чучук сув ҳайвонлари.** Ўзбекистон сув ҳавзаларида 80 га яқин балиқ турлари учрайди, улардан 20 га яқини (оқ дўнгпешона, ола-була дўнгпешона, оқ амур, қора амур, илонбош, балхаш олабуғаси ва б.) Узоқ Шарқдан; пелядъ Сибирдан; гамбузия Америкадан келтирилган. Текисликдаги сувларга плотва, оқча, сўзанбалиқ, оққайроқ, зоғора, лаққа, оқ сла, самарқанд храмуляси ва хонбалиқар, тог сувлари учун қорабалиқ, гулмоҳи ва голец балиқлар хос. Шимолдаги сув ҳавзаларида чўртсан балиқ, олабуға, кўкбўйин балиқлар учрайди. Кам учрайдиган ва йўқолиб бораётган турлардан Амударё ва Сирдарё курак буруни, бакра балиқ бор.

**Овланадиган сут эмизувчилар.** Ўзбекистонда бўри, тулки, чиябўри, коракулоқ, сувсар, қуён; чўл, тўқай ва қамишзорларда яшайдиган ёввойи мушуклар, ондатра, юронқозиқ ва кум товушқон мўйнаси, оққайруқва тўнғиз гўшти учун овланган. Ҳозир унинг сони кескин камайиб кетган. Тулки, чиябўри, ондатра, оққайруқ, юронқозиқлар саноат миқёсида овланади. Республикада Оҳангарон, Бўстонлиқ, Амударё бўйи, Галлаорол ва бошқаларда бир қанча жойларда мўйна олиш мақсадида қуён ва америка норкаси бокиладиган ҳўяликлар ташкил этилган.

**Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш.** Ўзбекистон ҳайвонлари ўсимликлар каби, 20-асрнинг 2-ярмида муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Бунинг асосий сабаблари ахоли ўз хўжалиги билан барча зоналар ичига тобора чуқур кириб бориши, табиий ландшафтларнинг маданий ландшафтлар билан алмашиниши, ҳайвонлар экологик муҳитининг тобора ёмонлашуви ва, ниҳоят, ҳайвонларни овлашнинг илмий асосланган тартибига қатъий риоя этмаслиkdir.

Табиий ва илмий манбаларда кўрсатилишича, ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Тяньшан тоғ тизмаларида, Жан. Ўзбекистоннинг Боботоғ, Кўҳитангтоғ, Бойсунтоғ, Ҳисор тизмаларида сони кескин камайиб кетган ҳайвонлардан илвирс, қоплон, Бухоро тоғ қўйи, кўксуғур, қизил бўри, Тяньшан оқтироқли айиги, йўл-йўл сиртлон, Туркистон силовсини, тоғ куйлари, Кизилқум қўйи ва бошқаларни тез-тез учратиш мумкин эди. Эндиликда бу ҳайвонларнинг аксарият қисми кўрикхоналарда маҳсус кўпайтирилмоқда.

Ўтган асрнинг ўрталаригача кенг тарқалган қушлардан болтаютар, дашт лочини, пушти сақоқуш, бирқозон, жажжи оққуш, мармарчуррак оқбош, ўрдак, бургутнинг тўрт тури, қумой, қирон қора, лочин, итолғи, бизғалдоқ жуда камайиб кетди. Кўплаб ҳайвонларнинг экологик макони бўлмиш текислиқдаги тўқайларнинг ва тоғдаги ўрмонларнинг қисқариб кетиши ёввойи ҳайвонларнинг қирилиб кетишига олиб келди.

Ўлқадаги табиий экологик шароитнинг ёмонлашуви ва инсон омилиниң бевосита таъсирида бир вактлар табиатда эркин яшаган Турон йўлбарси, қизил тулки, сиртлон, хачир каби ҳайвонлар бутунлай йўқолиб кетди. Ўрта Осиё қоплони, Олд Осиё қоплони, чипор сиртлон (пўлта), Устюрт қўйи, қора лайлак, тувалоқ, шипун оқкуши, қум чарх илони, Ўрта Осиё кобраси, узундум бургут каби нодир ҳайвонлар бутунлай тугаб кетиши хавфи остида турибди. Устюрт қўйи, бурамашоҳ қўй (морхўр), Ўрта Осиё кундузи, оқкуш, йўрга тувалоқ, чипор калтакесак каби ҳайвонларнинг ҳам тугаб кетиши хавфи кучли. Кейинги вактда афон майнасининг кўпайиб кетиши оқибатида булбул, қалдирғоч, читтак, хатто чумчугутар ҳам анча камайиб кетди.

1997 йилда Ўзбекистонда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳакида» қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги қарори билан «Биологик ранг-барангликни саклашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқидди. Ўзбекистон «Қизил китоби» га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб кетиши хавфи остида бўлган жами 63 тури ва кенжа тури киритилган бўлиб, улар орасида 22 тур сут эмизувчи ҳайвон, 31 тур қуш, 5 тур судралиб юрувчи ҳайвон ва 5 тур балиқ бор.

Инсон ҳаётида ўсимлик олами бекиёс даражада муҳим. Ўсимлик - бу кислород, озиқовқат, кийим-кечак, қурилиш материаллари, ем-хашиб, табобат олами, дам олиш маскани, дори-дармон, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулот етказиб берадиган беғубор, инсон учун энг зарур табиат ресурси. Биохилма-хиллик олам гўзаллиги, рекреация бойлиги. Ўзбекистон бу борада ўсимлик дунёсининг бойлиги (4 минг турдан зиёд) жиҳатдан олдинги ўринларни эгаллади.

Ўрмонлар республикада чўл, тоғ ён бағирлари ва дарё қайирларида тарқалган. Тоғ минтақасида 311 минг майдонда ўрмонлар мавжуд, шундан 204 минг га да арча, қолгани бошқа турдаги дараҳтлар билан банд. Текистлик минтақасида саксовул ва бошқа псаммофитлардан иборот ўрмонзорлар 2,4 млн га майдонда мавжуд. Қайирлардаги туқайзорлар майдони 25 минг гача қисқарган. Ўрмонлар сийрак, зич ўсган ҳақиқий ўрмон майдонлари кам қолган, дараҳтларнинг аксарияти касал, қуриган ёки ярим қуриган. Умуман тоғ ёнбағирлари, тоғ олди қия текисликлари, адирлар, қумли текисликлар, воҳалар ўрмон билан қопланиш даражаси меъерида анча кам, шунинг учун ҳам турли табиий жараёнларнинг ривожланиш макони жуда кам кенг ва улар тезкорлик билан содир бўлмоқда. Воҳаларда ихотазорларнинг майдони 40 минг га атрофида, бу рақам аслида лойихага мувофиқ 112 минг га бўлиши лозим. Ирригагация тармоқлари ва сув омборлари қирғоқларидаги ихота дараҳтзорларининг хозирги кўрсаткичи (7 минг км, каналлар ёқаларида уларнинг узунлиги 200 минг км бўлиши керак) талабга мутлақо жавоб бермайди.

Чўл ва тоғ яйловларида ўсимлик қопламининг зичлиги ва ем-хашакбоп ўтларнинг маҳсулдорлигини меъёрдан паст, кўпроқ мол истеъмол қилмайдиган бегона ўтларнинг майдони кенгайиб бормоқда. Шунингдек тупроқнинг эрозияга берилганлиги туфайли ўтларнинг эгаллаган майдонлари ҳам қисқармоқда, техноген омилларининг эрозион таъсирининг ҳукмдорлиги ортмоқда.

Ўсимлик қоплами муаммоси экологик муаммолар ичида нисбатан фаол ва тез ўзгарувчан, бошқа омиллар таъсирида юз берадиган муаммоларни шаклланишида ўз таъсирини кўрсатади. Ўсимликлар муаммоси кўп аспектли ва серқиррали, унинг таркибида бир неча бор аспектли ёки оддий муаммолар мавжуд, уларни хаммаси ҳам бир-бирлари билан функционал боғлиқ.

Ҳайвонот оламининг муаммолари ҳам бисёр, ўсимликлар муаммоси билан улар бевосита боғлиқ. Маълум ўсимлик турларини йўқолиши билан ҳайвонлар ҳам бошқа жойга кўчади ёки қирилади. Кейинги вақтларда браконъерлар сонининг кўпаяётгани, уларни ов қуроллари ва техника воситалари билан таъминлаши ҳайвонлар муаммосининг жиддийлаштиromoқда. Табиий газ, нефт, сув қазиб чиқариш учун бурғуланаётган жойларда карьерлар вужудга келаётган ҳудудларда техноген омил таъсири нихоятда кучли, бу жойларда ҳайвонларнинг (айниқса, судралиб юрувчилар) аксарияти қирилиб кетмоқда.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами мухим экологик омиллар, уларнинг атроф мухит билан бўлган мутносабати аслида жой экологиясини белгилайди. Демак, муаммо ҳам улар билан боғлиқ, бу борада ташки таъсири оптиаллаштириш зарур бўлади.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Экологик муаммо деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистоннинг адир минтақаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тушунтиринг?
3. Ўзбекистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси нима камбағаллашиб бормоқда?
4. Мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?
5. Овланадиган сут эмизувчиларни тушунтирган?

### **Таянч иборалар**

Эрозия, шўрланиш, эол, ердан фойдаланиш, сувдан фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва уларни муҳофаза қилиш, суғориш меъёри, РЭМ, ҳудудий мажмуали экологик муаммолар, майший-коммунал хизматларида ҳам янги технологияни қўллаш. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тур, оила, синф.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI бўсағасида; ҳафвсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. – Т., «Ўзбекистон», 1999.
3. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Основы экоразвитие. М.: Российская экономическая академия, 1994.
4. Алимов Т.А., Рафиков А.А., Экологик хатолик сабоқлари. Т.: Ўзбекистон, 1991.
5. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш.-Т.; Ўқитувчи, 1991.
6. Банникова Г., Вакулин А.А., Рустамов Л.К. Оновы экологии и охрана окружающей среды. –М.; Колос, 1999.
7. Бекнозов Р.У., Новиков Ю.В. Охраны природы. Т.: Ўқитувчи. 1995.
8. Нигматов А.Н. Экология хуқуқи. -Т.: Адолат. 1999 .
9. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзекистон Республикасининг 1992 йил 9 декар Конуни.-Т.; Адолат, 1993.
10. Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатдан фойдаланиш. -Т.: Университет, 1997.
11. Тухтаев А. Экология. Т.: Ўқитувчи. 1998.
12. Турсунов Х.Т. Экология. Т.: Чинор-Энк. 2006.
13. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар.-Т.: Уқитувчи. 1997.
14. Хачатуров Т.С. Экономика природопользования.-М.; Изд-во Московского университета, 1991.
15. Холмуминов Ж. Экология ва конун.-Т.: Адолат, 2000
16. Қаюмов А. ва бошқалар. Экология асослари ва табиатдан фойдаланиш (маъruzалар матни).-т.; 2000.
17. Эгамбердиев Р., Эшчанов Р. Экология асослари.-Т.: Зар қалам. 2004.
18. Эргашев А. Умумий экология. –Т.; Ўзбекистон, 2003.
19. [www.nature.uz](http://www.nature.uz)
20. [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)
21. [www.carec.uz](http://www.carec.uz)

## **МУНДАРИЖА**

Биогеография ва экология асослари фанининг методологик асослари ва ўрганиш объекти....	3
Маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари.....	5
Мухит ва экологик омиллар.....	9
Биосфера .....	25
Популяциялар экологияси.....	30
Биоценозлар ва экосистемалар.....	35
Флора ва фауна .....	45
Ўсимликларни географик тарқалиши .....	47
Хайвонот дунёсининг географик тарқалиши.....	51
Ер шари табиат зоналари.....	56
Ўзбекистоннинг ўсимликлар ва хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш.....	67
Фойдаланилган адабиётлар.....	75

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ТАБИЙ ФАНЛАР» ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЖУМАХАНОВ Ш.З.**

**БИОГЕОГРАФИЯ АСОСЛАРИ  
(маъruzалар матни)**

**Масъул мухаррир:** - г.ф.д. проф. Солиев А.С.

**Тақризчилар:** -г.ф.н. доц. Назаров А.А.  
-г.ф.н. доц. Боймираев К.М.

**Техник мухаррир:** -**Ҳ. Иброҳимов**  
**Компьютер сахифаловчи:** -**Б. Абдурахмонов**

Босишга руҳсат этилди 27.09. 17. Бичими 60x84, шартли босма табоғи 6,0. Адади 100 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

© Наманган Давлат университети